

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА
ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ**

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ
КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ МИНТАҚАВИЙ МАРКАЗИ**

МАХСУС ПСИХОЛОГИЯ

Ўқув модули бўйича

Ўқув услубий мажмуа

Бухоро – 2024

Мазкур ўқув услубий мажмуа Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги буйруғи билан тасдиқланган олий таълим муассаларининг мактабгача таълим, бошланғич таълим, филология ва психология таълим йўналишларини битирган мутахассислар **дефектология(логопедия)** касбий қайта тайёрлаш 5 ойлик курсининг Намунавий ўқув режа ва дастурига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Ўқув услубий мажмуа Бухоро давлат университети Кенгашининг 2023 йил “28” декабрдаги 5–сонли йиғилиш қарори билан тасдиқланган.

Тузувчи: У.С.Жумаев - Бухду “Психология” кафедраси, психология фанлари номзоди, доцент.

Такризчилар: Ш.М.Улуғова - Бухду “Психология” кафедраси доценти, психология фанлари номзоди.

Э.З.Ҳалимов - Бухтми хузуридаги АЛ директори, психология фанлари номзоди, доцент.

Ушбу ўқув-услубий мажмуа Бухоро давлат университети Кенгашининг 2023 йил “28” декабрдаги 5–сонли йиғилишида маъқулланган ва нашрга тавсия этилган.

МУНДАРИЖА

I. Ишчи дастур.....	5
II. Модулни ўқитишда фойдаланиладиган интерфаол таълим методлари.....	12
III. Назарий машғулот материаллари.....	17
IV. Кейслар банки.....	135
V. Мустақил таълим мавзулари.....	139
VI. Глоссарий.....	141
VII. Адабиётлар рўйхати.....	145

ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Мактабгача таълим тизими узлуксиз таълимнинг бирламчи, энг асосий бўғинидир. Шу боис болаларнинг соғлом ва билимли, етук кадрлар бўлиб вояга етишида боғча тарбияси жуда муҳим ўрин тутди.

Мактабгача таълим муассасалари тизимини ривожлантириш, болаларни мактабгача таълим муассасаларига жалб этиш, мактабга тайёрлаш масалалари таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бири деб қаралмоқда.

Шу маънода Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ушбу тизим фаолиятини янги босқичга кўтариш, соҳани бугунги кун талаблари даражасида модернизация қилишга хизмат қилиши шубҳасиз. Бунда мактабгача таълим тизими учун юқори малакали тарбиячи ва мураббий кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратилади.

Мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштиришда фақатгина унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашгина эмас, балки мактабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш, малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, болаларни мактаб таълимига тайёрлаш даражасини тубдан яхшилаш, таълим-тарбия жараёнига замонавий таълим дастурлари ва технологияларини татбиқ этиш, болаларни ҳар томонлама интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш, илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда болаларни ҳар томонлама интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожлантириш шароитларини яратиш, таълим-тарбия жараёнига жаҳон амалиётида кенг қўлланиладиган замонавий таълим дастурлари ва технологияларини жорий этиш, замонавий педагогик технологиялар ва услубларни инобатга олган ҳолда мактабгача таълим муассасаларига педагог кадрларни тайёрлаш ва малакасини оширишнинг ўқув режа ва дастурларини такомиллаштириш назарда тутилган.

Педагогик кадрларни тайёрлаш тизими, хусусан дефектология соҳаси ҳам бундан истисно эмас. Ҳар бир болани унинг ривожланишда нуқсонлар кузатилган тақдирда мактабгача ёшданок таълим шаклини тўғри танлаш, яқка таъсир воситаларини аниқлаш учун чуқур психологик-педагогик ўрганиш зарурлигини кўрсатади.

Шунингдек, ҳозирги замон махсус педагогика ва психологиясида болаларнинг ривожланишидаги бузилишларни, нуқсонларни эрта аниқлаш ва уларни бартараф этишнинг зарурлиги ҳақидаги фикрлар таъкидланмоқда. Бунда алоҳида аҳамият мактабгача таълим муассасалари дефектологлари, логопедлари бу тоифадаги болалар билан ишлашга тайёрлаш, уларда таълим жараёнида юзага келадиган ва келиши мумкин бўлган қийинчиликларни тўғри ва ўз вақтида аниқлаш ҳамда зарур бўлган психологик-педагогик ёрдамни кўрсатиш ишларини билишлари муҳимдир.

Болаларнинг хусусиятларини эътиборга олган ҳолда уларга мақбул бўлган таълим турини танлаш, ота-оналарга маслаҳатлар бериш ишларини мақсадга йўналтирилган ва малакали равишда олиб бориш зарур. Шуларга боғлиқ равишда психик ва жисмоний ривожланишида, хусусан нутқида камчилиги бўлган болаларни дифференциал психологик-педагогик ташхис қилиш кўп жиҳатдан дефектолог – кадрларни, логопедларни сифатли қилиб тайёрлаш заруриятини келтириб чиқаради.

Мазкур модул дастури тингловчиларнинг амалиётда касбий-педагогик қобилиятларини шакллантиришни назарда тутган бўлиб, болаларларнинг дарс ва дарсдан ташқари тадбирларда идроки, диққати, хотираси, тасаввури ва тафаккурини психологик-педагогик ўрганиш ва шулар асосида мазкур хусусиятларини коррекция қилиш йўллари белгилашга ўргатишдан иборат.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

Махсус психология курсининг асосий мақсади ва вазифаси нутқ камчилигига эга бўлган болалар руҳиятининг ўзига хос хусусиятлари, руҳий жараёнларни усул ўрганувчи психологик тест, услубиятлар ҳақида курс тингловчиларига билим, малакалар бериш. Берилган бу билим ва тушунчалар биринчидан; нутқ камчилигига эга бўлган болаларнинг шахсий хусусиятлари ҳақида берилса, иккинчидан тингловчиларнинг бу соҳага дунёқараши ва эътиқодларини ҳам шакллантиришга катта хисса қўшади.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникма, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

Бу курсни ўрганиш натижасида курс тингловчилари қуйидаги билим, малака ва кўникмаларни эгаллашлари лозим.

Тингловчи:

- нутқ камчилигига эга бўлган болалар билиш жараёнларининг ўзига хос хусусиятлари;
- руҳий жараёнларини текшириш услубларини билиш;
- услубиятлар асосида болалар руҳий жараёнлари камчиликларини аниқлай билиш;
- нутқ камчилигига эга бўлган болаларнинг шахсий сифатларини таққослаш;
- ўзлаштирилган назарий билимларни амалиётда қўллай билиш;
- республикада мактабгачагача таълим тизими ва баркамол авлодни тарбиялаш масаласи давлат сиёсатининг асосий устувор йўналишига ўз муносабатини билдира олиш;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг мактабгачагача таълим тизимига тааллуқли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни таълим-тарбия жараёнида фойдалана олиш;

- давлатимиз раҳбарининг мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган маърузаларида таълим тизимини модернизациялаш билан боғлиқ вазифаларни амалиётга татбиқ этиш *малакаларига эга бўлиши лозим.*

- мактабгачагача таълимнинг кадрлар тайёрлаш тизимини модернизациялаш жараёнида фаол иштирок этиш;

- таълим-тарбия жараёнларига миллий манфаат нуқтаи назаридан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида хулосалар чиқара олиш *компетенцияларига эга бўлиши лозим.*

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

Махсус психология модули назарий, амалий ва кўчма машғулотлар шаклида олиб борилади.

Назарий машғулотларда махсус психология фанининг мақсад ва вазифалари. Сенсор нуқсонли болаларни билиш жараёнларини ўзига хослиги. Ақлий ривожланишида нуқсони бўлган болаларни билиш жараёнларини ўзига хослиги. Ривожланишида нуқсони бўлган болаларни нутқ хусусиятлари. Ривожланишида нуқсони бўлган болалар шахс хусусиятларининг мазмун-моҳиятини сингдиришдан иборат.

Амалий машғулотларда Махсус психология фанининг мақсад ва вазифалари. Сенсор нуқсонли болаларни билиш жараёнларини ўзига хослиги. Интеллектуал ривожланишида нуқсони бўлган болаларни билиш жараёнларини ўзига хослиги. Ривожланишида нуқсони бўлган болаларни нутқ хусусиятлари. Ривожланишида нуқсони бўлган болаларнинг фаолият хусусиятларини сингдиришдан иборат.

Машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, “Концептуал жадвал”, “Т-схема”, “Ақлий ҳужум”, “SWOT-таҳлил” ёки “ФСМУ” методлари билан ишлаш ва бошқа интерактив таълим усулларида фойдаланиш назарда тутилади.

Модулни ўқув режадаги бошқа блоклар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

Модул мазмуни ўқув режадаги “Махсус педагогика”, “Болалар ривожланишидаги нуқсонларнинг клиник асослари”, “Она тили” каби модуллари билан узвий боғланган ҳолда логопедларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қилади.

Модулнинг услубий жиҳатдан узвий кетма-кетлиги

Мазкур модул “Умумий тайёргарлик” блокидан кейин ўрганилади. Ундан олдин ва кейин ўрганиладиган блокларнинг мазмун йўналишларини ва ғоявий жиҳатларини мактабгачагача таълимга татбиқ этиш имкониятларини очиб беради.

Модулнинг таълимдаги ўрни

Тингловчиларга турли нутқ бузилишларига эга бўлган шахсларнинг умумий ва майда мускул моторикасининг бузилишлари хусусиятлари, реабилитация методикалари тизимидаги логоритмик (мусикали ритмик) тарбия тамойиллари ва усуллари ҳақидаги билимларини шакллантириш орқали таълим самарадорлигини таъминлашдан иборат.

Фанни ўзлаштиришга қўйиладиган талаблар

Мазкур фан ихтисослик фани ҳисобланиб, дастурни амалга оширишда ўқув режасида режалаштирилган дефектологиянинг тиббий асослари, махсус педагогика каби фанлардан етарли билим ва кўникмаларга эга бўлишлик талаб этилади.

Фаннинг бошқа фанлар билан боғлиқлиги

Ушбу курс дефектологиянинг тиббий асослари ва махсус педагогика фанлари билан боғлиқ.

АСОСИЙ ҚИСМ

т/р	Мавзулар	Жами	Маъруза	Амалий машғулот	Мустақил иш
1.	Махсус психология фанининг мақсад ва вазифалари.	2	2		
2.	Сенсор нуқсонли болаларнинг билиш жараёнларини ўзига хослиги	8	2	4	2
3.	Интеллектида нуқсони бўлган болаларнинг билиш жараёнларини ўзига хослиги	10	4	4	2
4.	Ривожланишида нуқсони бўлган болаларнинг нутқ хусусиятлари	10	4	4	2

5.	Ривожланишида нуқсони бўлган болаларнинг фаолият хусусиятлари	6	2	2	2
	Жами	36	14	14	8

1-мавзу: Махсус психология фанининг мақсад ва вазифалари.

(2 соат маъруза)

Махсус психология фанининг мақсад ва вазифалари. Обьекти ва предмети. Фаннинг ривожланиш тарихи ва босқичлари. Махсус психология фани соҳалари ривожланишига хисса қўшган олимлар.

2-мавзу: Сенсор нуқсонли болаларнинг билиш жараёнларини ўзига хослиги

(2 соат маъруза, 4 соат амалий машғулоти, 2 соат мустақил иш)

Сенсор нуқсонли болаларни психологик жараёнларнинг ривожланиш хусусиятлари. Диққат, хотира, тафаккур, идрок, нутқи ва сезги жараёнларининг ўзига хослиги. Ушбу психик жараёнларни ўрганиш усуллари. Болаларнинг психологик хусусиятларини ўрганиш тамойиллари ҳақида маълумотлар берилади.

3-мавзу: Интеллектида нуқсони бўлган болаларнинг билиш жараёнларини ўзига хослиги

(4 соат маъруза, 4 соат амалий машғулоти, 2 соат мустақил иш)

Интеллектида нуқсони бўлган болаларда психологик жараёнларнинг ривожланиш хусусиятлари. Сезги, идрок, диққат, хотира, тафаккур, нутқий жараёнларининг ўзига хослиги ва ушбу психик жараёнларни ўрганиш усуллари ўрганиш. Интеллектида нуқсони бўлган болаларнинг психологик хусусиятларини ўрганиш тамойиллари ҳақида маълумотлар билан таништириш

4-мавзу: Ривожланишида нуқсони бўлган болаларнинг нутқ хусусиятлари **(4 соат маъруза, 4 соат амалий машғулоти, 2 мустақил иш)**

Ривожланишида нуқсони бўлган болаларни нутқининг ўзига хослиги. Нутқ турлари. Ривожланиш – фалсафий категория сифатида. Руҳиятни ривожланишида биологик ва ижтимоий омиллар ҳолати. «Муҳит» тушунчаси, инсон руҳиятни ривожлантиришда муҳитнинг таъсири. Психология, педагогика, табиатда ривожланиш ёш давлари. Олий психик функцияларнинг ривожланишида меъёр ва «нуқсон» тушунчалари.

Ривожланишнинг умумий қонуниятлари, ривожланиш даврлари, ривожланиш жараёнида руҳиятдаги сон ва сифат ўзгаришлар, турли ривожланиш босқичларида фаолиятнинг турлича бўлиши. Билиш ва ҳиссий-ирода соҳаларининг ривожланишдаги боғлиқлик.

Нуқсонли ривожланишнинг умумий қонуниятлари: бирламчи ва иккиламчи нуқсонлар. Турли нутқ нуқсони эга болаларнинг ижтимоий мослашуви хусусиятлари. Ижтимоий мослашишдаги қийинчиликлар, ахборотларни қабул қилиш ва қайта ишлаш қобилиятидаги ўзгаришлар, нутқий тизим иштирокисиз янги шартли алоқаларни ишлаб чиқариш имконияти.

**5-мавзу: Ривожланишида нуқсони бўлган болаларнинг фаолият
хусусиятлари
(2 соат маъруза, 2 соат амалий, 2 соат мустақил иш)**

Ривожланишида нуқсони бўлган болаларнинг фаолият хусусиятлари ҳақида тушунчалар берилади. Ривожланишида нуқсони бўлган болаларнинг фаолият турлари . Болаларни ривожланишида ўйин фаолиятининг аҳамияти ҳақида маълумот берилади. Ривожланишида нуқсони бўлган болаларни ўйин фаолиятида таълимий-тарбиявий коррекцион ишларни амалга ошириш йўллари ўрганилади.

МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

Машғулотда жараёнида қўлланиладиган «Ақлий ҳужум» усули

Ақлий ҳужум	- (брейнсторминг – мия бурони), амалий ва илмий муаммоларни ечишда жамоа билан маълумот йиғиш
Усулни асосий ғояси	- ғоялар тўплаш, уларни баҳолаш ва таҳлил қилиш, ажратиш. “Ақлий ҳужум”ни олиб боровчининг хатти-ҳаракати учун бу ғоя асосий кўрсаткич бўлиб, иштирокчиларни имконият қадар кўп ғоялар таклиф қилишга ундайди.
Қоидалари	Имкони борича кўпроқ ғояларни таклиф этиш (жамлаш), уларни талқин қилиш, муаммоларни ечиш ва уларни доскага ёзиб қўйиш.
Таълим берувчи	Қатнашчиларни 3-4 гуруҳга бўлади ва ҳар бирига муаммолар таклиф этади (Илова 1) - Иштирокчиларни қўллаб-қувватлайди (имо-ишора, жилмайиш, ха-йўқ сўзлари билан); - юмшоқ, аммо астойдил талабаларни бошқаларни танқид қилишдан қайтариб туради; - ҳар бир фикрни ўзгартирмасдан доскага ёздириб қўяди; - талабаларни сўровга киришиб кетишига ёрдам бериш ва психологик тускинликни йукотиш учун, олдинги ёки шу дарсдан қутилмаган, оригинал саволлар бериб машқ ўтказди (блиц сўров) (Илова 2).
Фидбэйк	-ҳар бир ғояни муҳокама қилиш; -энг тўғри ғояларни қўллаб-қувватлаш

Ақлий ҳужумнинг мақсади ва қоидалари

Ақлий ҳужумни ўтказишдан мақсад:

- муаммони ҳал қилиш учун ғояларни топиш;
- ғояларни уларнинг аҳамиятлилигига қараб тартиблаш;
- фаол фикрлаш малакасини шакллантириш;
- қутилмаган ғояларни пайдо бўлиш жараёнини намойиш қилиш;
- топилган ғоялардан фойдаланиш кўникмасини шакллантириш.

Ақлий ҳужум қоидалари:

- ғояларни илгари сурилиши босқичида танқид тақиқланади;
- оригинал ҳатто фантастик ғоялар рағбатлантирилади;
- барча ғоялар ёзиб борилади ёки қайд қилинади;
- агар маъқул топса муаллифнинг ўзи ҳам ёзиб боради;
- “ақлий ҳужум” методида қатнашчилар бир-бири билан юридик ва маъмурий жиҳатдан боғлиқ бўлмаслиги зарур;
- таҳлилчилар гуруҳи нисбатан самарали ғояларни таҳлил қилади, синтез қилади, баҳолайди ва танлайди;
- ушбу тадбирни ўтказишда Кейнснинг “ иқтисодчилар адашсалар ҳам уларни ғояси келажак учун хизмат қилади” деган қондасига амал қилиш.

Натижа:

- талабалар томонидан муайян назарий билимларни пухта ўзлаштиришга эришилади;
- вақт ажратилади ва қилинади;
- ҳар бир талаба фаолликка интилади;
- уларда эркин фикрлаш лаёқати шаклланади.

“SWOT-таҳлил” методидан фойдаланиш

Методнинг мақсади: мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қилади.

S – (strength)	• кучли томонлари
W – (weakness)	• заиф, кучсиз томонлари
O – (opportunity)	• имкониятлари
T – (threat)	• тўсиқлар

Намуна: Мактабгачагача таълим тизимнинг кечаги ва бугунги ҳолати масаласида “SWOT-таҳлил” методида таҳлил қилинг.

S	Республикада мактабгачагача ёшдаги болаларни мактабгачагача таълим муассасаларига қамрам олиш кўрсаткичи 27 фоизни ташкил этади.	Мактабгачагача таълим тизимини таркибий жиҳатдан тубдан ислоҳ қилиш, мазкур муассасаларга болаларни 100 фоиз қамраб олишга қаратилган
W	Мактабгачагача таълим муассасаларида моддий-техник базанинг ночорлиги, малакали кадрлар етишмаслиги, сифатли озиқ-овқат таъминотининг пастлиги.	Ушбу соҳада ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келаётган 57 мингдан ортиқ мутахассислар меҳнат қилаётган бўлса, шундан 85 фоизини ўрта маълумотли кадрлар ташкил этади.
O	Мактабгачагача таълим тизими узлуксиз таълимнинг бирламчи, энг асосий бўғинидир. Шу боис болаларнинг соғлом ва билимли, етук кадрлар бўлиб вояга етишида боғча тарбияси жуда -муҳим ўрин тутади.	Мактабгачагача таълимни бошқаришнинг замонавий механизмларини жорий этиш, тарбия ва ўқув жараёнини такомиллаштириш, МТМлар инфратузилмаси ва моддий-техник таъминотини яхшиланади.
T	Сўнгги 20 йил давомида давлат тасарруфидаги мактабгачагача таълим муассасалари 45 фоиздан зиёдрок камайган.	Келгуси беш йилликда 2200 та мактабгачагача таълим муассасасининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш масаласи охирига етказиш.

«ФСМУ» методи

Технологиянинг мақсади: Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзунини сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

Технологияни амалга ошириш тартиби:

қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;

ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:

Ф	• фикрингизни баён этинг
С	• фикрингизни баёнига сабаб кўрсатинг
М	• кўрсатган сабабингизни исботлаб мисол келтиринг
У	• фикрингизни умумлаштиринг

- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гуруҳий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

Намуна.

Фикр: “Ўзбекистон Республикасида мактабгачагача таълим тизимини янада такомиллаштириш бўйича “Йўл харитаси” дастури”.

Топшириқ: Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

НАЗАРИЙ МАСҲУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-Мавзу Махсус психология фанининг мақсад ва вазифалари

Режа

1. Махсус психологиянинг мақсад ва вазифалари
2. Алохида ёрдамга мухтож болалар
3. Махсус психологиянинг фанининг бошқа фанлар билан боғлиқлиги.

Таянч тушунчалар Психология, махсус психология, сурдопсихология, олигофренопсихология, тифлопсихология, логопсихология.

“Психология, деган эди Л.С.Виготский, – биринчидан, конкрет, амалий бўлиб – таълим ва тарбия, боланинг ривожланиши, меҳнат фаолияти ҳақидаги фан бўлмоғи лозим. Фақат шу вазифагина психологияни тирик ва керакли фанга айлантириши мумкин”. Психология умуман руҳиятнинг, хусусан инсон руҳиятининг намоён бўлиши, ривожланишини ўрганувчи соҳадир. Психология онгли субъект – инсоннинг ички дунёсини ўрганади.

Психология атамаси “психе” – қалб, “логос” – ўқиш, сўз маъносини билдиради. Аммо бу қисқа жумла инсон руҳияти ҳақида етарли маълумот бермайди. Психология фанининг мавзу баҳсини руҳиятни тўлароқ тасаввур қилиш учун руҳий жараёнларнинг кечиш моҳиятини, ички кечинмаларнинг (сезгилар, фикрлар, ҳиссиётлар) намоён бўлиш қонуниятларини тушуниш лозим. Шу ўринда кишилиқ жамиятининг тарихий тараққиёти давомида психология соҳасида эришилган ютуқларни эслаб ўтиш жоиздир.

Шарқ мутафаккири Абу Али ибн Сино биринчи бўлиб, психик функциялар миядаги маълум марказлар фаолиятига боғлиқ деган фикрни илгари сурди ва уни илмий исботлашга уринди. Унинг фикрича, жониворлар ва инсонлар, ўсимликлар дунёсидан фарқли ўлароқ, ташқи таъсир кучларини ҳиссий идрок этиш қобилиятига эга. Бу қобилият уч хил куч орқали намоён бўлади: танани ҳаракатга келтирувчи, ҳаракатлантирувчи куч, умумий куч (у кўриш, эшитиш,

хис этиш, таъм ва ҳид билиш фаолияти билан боғлиқ) ва ақл кучи (унга хаёлот, хотира ва ақл-идрок киради). Мана шу кучларнинг ҳар бири, миянинг маълум қисми билан боғлиқ ҳамда бош мия бирон қисмининг касалланиши унинг билан боғлиқ, куч фаолиятининг ишдан чиқишига сабаб бўлади.

Ибн Сино "Тиб қонунлари" нинг учинчи китобида тафаккурга етадиган зарарлар ва бунинг натижасида келиб чиқадиган касалликлар ҳақида ҳам кенг маълумот беради. У асабларнинг асосий вазифаси мия билан турли хил сезги ва ҳаракат органлари ўртасида алоқани амалга оширишдан иборат эканини яхши тушунган. У сезги органлари билан асаблар воситасида ташқи муҳитнинг моддий реаллиги идрок қилинишини асабларнинг биологик ва физиологик функцияларини ажратиб кўрсатиб беради. Асабларнинг фойдаси икки томонламадир. Биринчиси бевосита фойда: масалан, мия асаблар воситасида ҳислар ва ҳаракатларни бошқа органларга етказди; иккинчиси билвосита фойда: масалан, этни маҳкамлаш ва танага куч бахш этиш.

Абу Наср Форобийнинг таъкидлашича, билиш назарияси, яъни инсоннинг билишини, руҳий қобилиятини мия бошқаради, юрак эса барча аъзоларни ҳаёт учун зарур бўлган қон билан таъминловчи марказдир. Инсон барча билимларни ташқаридан олади. Бунинг учун кўплаб восита ва имкониятларга эга: булар сезги, хотира, тасаввур, мантиқий фикрлаш, ақл ва нутқ - шу воситалар ёрдамида инсон илмларни ўзлаштиради.

Биз сўз юритмоқчи бўлган соҳа – Ривожланишида нуқсони бўлган болалар психологияси, махсус психологиянинг бир тармоғи бўлиб, ақлий жиҳатдан турли даражада меёрдан четланган бола ва болаларнинг руҳий қонуниятларини ўрганади. Махсус психология - нуқсонли болаларнинг руҳий қонуниятларини ўрганувчи фан бўлиб, қуйидаги қисмлардан иборат:

1. Ривожланишида нуқсони бўлган болалар психологияси (олигофренопсихология).
2. Кар ва заиф эшитувчи болалар психологияси.
3. Кўзи ожиз ва заиф кўрувчи болалар психологияси.

4. Турли даражада нутқлари бузилган болалар психологияси.
5. Мураккаб нуқсонли болалар психологияси.
6. Руҳий ривожланиши сустлашган болалар психологияси.
7. Таянч ҳаракат тизими бузилган болалар психологияси.
8. Аутизм синдромли болалар психологияси.

Нуқсонли болалар ичида ақли заиф болалар руҳияти, нисбатан мукамал ўрганилган тармоқдир. Аммо бу тармоқ ҳам нормал болалар руҳиятига нисбатан бирмунча кенг, атрофлича ўрганилмаган.

Махсус психология фанининг мақсад ва вазифалари шу тоифа болаларнинг руҳий хусусиятлари ҳақидаги билимлар билан дефектологларни, қуроллантиришдан иборат. Ривожланишида нуқсони бўлган болалар таълим-тарбиясини коррекциясини тўғри ташкил қилиш учун бу болаларнинг хусусиятлари ҳақидаги билимлар жуда зарур. Ривожланишида нуқсони бўлган болалар психологияси маълумотлари дефектологларда, дефектологларда объектив дунёқарашнинг шаклланишида жуда катта аҳамиятга эга. Руҳий жараёнларни илмий жиҳатдан тўғри тушуниб етиш, шахснинг баркамол шаклланишида алоҳида аҳамиятга эга.

Ривожланишида нуқсони бўлган болаларнинг шахсий хусусиятлари, руҳий жараёнларининг ўзига хослиги, билим эгаллаш имкониятлари ҳақидаги дефектологлар учун зарур бўлган маълумотлар қуйидаги услублар орқали йиғилади. Буларга кузатиш, тажриба, суҳбат, анкета, тест, болалар фаолият натижаларини таҳлил қилиш ва бошқа усуллар киради. Кузатиш – энг асосий усуллардан бўлиб, у орқали жуда кўп ва сифатли психологик маълумотлар йиғилади. Аммо, ҳар қандай кузатиш орқали керакли маълумотлар олинмайди. Тегишли, зарур маълумотларни йиғиш, аниқ мақсад асосидаги, изчил кузатишни талаб қилади. Бу усулнинг асосий ютуғи шундаки, кузатиш табиий шароитда, текширилувчи билмаган ҳолда амалга оширилади. Бунинг оқибатида текширилувчи ҳеч нарсадан тортинмаган ҳолда ўзини намоён қилади. Аммо бу усулнинг ҳам ўзига хос

камчилиги бор. Бу камчилик шундан иборатки, текширувчи учун керак бўлган руҳий жараёнлар ҳақидаги маълумотлар кўп вақт талаб қилиши мумкин. Лекин кузатиш муддати ортган сари олинаётган маълумотлар кўпайиб боради. Узоқ муддатли кузатишлар турли ёшдаги болаларнинг нутқ, тафаккур, ҳиссиёт, қизиқишлар, характер ҳислатлари, қобилиятларини текшириш вақтларида олиб борилади. Бундай узоқ муддатли текшириш натижалари махсус кундаликларда қайд этиб борилади. Кузатиш вақтларида болаларнинг соғлиғини, кайфиятини, ўзини ҳис қилишини, чарчаганлик даражасини инобатга олиш талаб этилади.

Психологик маълумотлар йиғишда тажриба усули кенг қўлланилади. Бу усулнинг қулайлиги шундан иборатки, тажриба ўтказувчи учун керак бўлган руҳий жараёнлар ҳақидаги маълумотлар қисқа муддатларда қўлга киритилади. Бу усулнинг афзаллиги ҳам шунда. Аммо, тажриба вақтида текширилувчи бола ҳар доим ҳам ўзини эркин тутмайди. Бола ийманиб, уялиб, тортиниб туради. Бунинг натижасида бола ўзини тўла намоён этмайди. Бола ўзининг устида текшириш олиб борилаётганлигини билгани учун ҳам, текширувчи учун керакли руҳий жараёнлар ҳақидаги маълумотлар тўлиқ бўлмаслиги мумкин. Тажриба усули ўз навбатида табиий ва лаборатория тажрибалари турларига бўлинади.

Психологик маълумотлар суҳбат усули орқали ҳам йиғилади. Бола билан суҳбат қилиш жараёнида тажриба ўтказувчи учун керак бўлган маълумотлар йиғиб борилади. Суҳбат маълум бир мақсадга қаратилган ва саволлар мавзуга оид тайёрланиши керак.

Дефектология муаммолари билан шуғулланувчи чет эл дефектологлари, ақли заифлик тўғрисида гапириб, бу тушунчани унга ақлий камчилиқни қўшиш билан кенгайтирадилар, унинг юзага келиши эрта болалик вақтида бола ривожланишини ўта номувофиқ ижтимоий шароитлари билан боғлиқ бўлади. Атрофдаги кишилар билан интеллектуал

ва хиссий мулоқот етишмаслиги, доимий тўйиб овқатланмаслик ва хоказолар кўзда тутилади. (Ф.Галлақхере, О.Меҳер, Сатденқеу.)

Сўнги йиллар махсус адабиётларида ҳам бош мия пўстлоғи шикастланиши билан боғлиқ бўлмаган ақли заифлик ходисалари тўғрисида маълумотларни учратиш мумкин.

Ҳозирги пайтда «ақли заиф» термини ўрнига унинг синонимларини ишлатишга ҳаракат қилинмоқда, негаки бу термин болани фақат ақлий жиҳатдан ноадекватлигини билдиради, у эса моторика, ҳиссий-иродавий доира ва бутун шахсий етишмочиликларга эга. Биринчи гуруҳга кирадиган болалар асосан ўз ривожланишларининг маълум даврида бош мия касаллигини бошидан кечирган ва шу касаллик қолдирган нуқсон асосида ривожланаётган, амалда эса соғ болалар киради. Иккинчи гуруҳга бош миясидаги касалликлари давом этаётган болалар киради. Бундай болаларда махсус мактабгачаларда ўқиб юрган вақтларида ҳам касалликлари давом этиб оғирлашиши ҳам мумкин. Бу болаларнинг руҳий хусусиятлари, билим эгаллаш имкониятлари ўзгариб туриш хусусиятига эга.

Мия тизимларнинг шикастланиши, асосийси миянинг ўта мураккаб ва кеч шаклланувчи тузилишлари психиканинг бузилиши ва чала ривожланишига сабаб бўлиб, ривожланишнинг дастлабки босқичларида юзага келади; она қорнида, туғриқ пайтида ва бир, бир ярим ёшида, яъни нутқ шаклланмасдан аввал. Бола ҳаётининг кечроқ даврида юзага келган ақли заифлик нисбатан кам учрайди. Бу деменсия деб юритилади. Деменсия миянинг органик касалликлари оқибатида бўлиши мумкин (масалан; менингоенцефалитлар, мия травмалари, силкиниши, лат ёйиши ва бошқалар). Деменсияда болада ортиб боровчи дегредатсия (орқага кетиш) кузатилади. Бироқ айрим ҳолатларда даволаш ёрдамида бу жараёни бирмунча секинлаштириш мумкин.

Алоҳида ҳолатларда боладаги ақлнинг суст ривожланиши кечаётган руҳий касаллик билан қўшилиб кетади – эпилепсия, шизофрения, бош мия захми ва бошқалар. Ақлий ривожланишида нуқсони бўлган болаларнинг барча психик жараёнларининг орқада ривожланиши ва турғун бузилишлари билан тавсифланади, бу билиш фаолияти доираси (айниқса оғзаки мантиқий фикрлашда) ва шахсий доирада аниқ кўринади. Бунда меёрдан ортда қолишгина эмас, балки ривожланишнинг ўзига хослиги намоён бўлади. Ривожланишида нуқсони бўлган болаларни анча кичик ёшдаги нормал ривожланаётган болаларга тенглаштириб бўлмайди. Ақли заифлик – бир меёрда эмас – бола психик фаолиятининг турли томонларида кўринади. Кузатишлар ва экспериментал тадқиқот материаллари болада айрим психик жараёнлар ўта кескин ўзгарган бўлиб, бошқалари сақланиб қолган бўлиши мумкинлиги ҳақида гапириш имконини беради.

Ривожланишида меёрдан четлашган, шу жумладан ақлан орқада қолган бола психикаси тузилиши жуда мураккаб. Махсус психология асосчиларидан бири Л.С.Виготскийнинг назарий қоидаларига мувофиқ болада бирламчи нуқсон ва иккиламчи асоратларни ажрата билиш керак. Ривожланишида нуқсони бўлган болаларга пўстлоқ фаолиятининг тўлақонли эмаслиги, мўлжалга олиш фаолиятининг бўшлиги, нерв жараёнларининг инертлиги, ҳимоя тормозланишига ортиқча мойиллик хосдир. Олигофрен болалар психик фаолиятида аниқ акс этган камчиликлар билан бирга бу болаларга ривожланиш жараёни асоси бўлиб хизмат қилувчи айрим ижобий имкониятлар ҳам хос. Тарбиячилар махсус ривожланишида нуқсони бўлган болалар мактабгачада коррекцион ишни ташкил қилиб айнан шу имкониятларга таянадилар.

XX асрнинг 90-йилларидан бошлаб ақли заифларнинг халқаро таснифидан фойдалана бошланди, унга биноан болаларни 4 гуруҳга бўладилар: енгил, ўртача, оғир ва чуқур даражадаги ақли заифлик. Чет эл психологлари бола интеллектуал коэффициенти аниқлашга

асосланадилар. Ривожланишида нуқсони бўлган болаларнинг дунёга келиш сабаблари турлича. Одатда эндоген (ички) ва экзоген (ташқи муҳит) омилларини ажратиш мумкин). Аниқланишича ақли заифликнинг генетик шакллари устун турса, улар туғма ривожланишида нуқсони бўлган болалар сонига киради. Бироқ бузилишларни юзага келишида онанинг юқумли касалликлари (масалан; қизилча, хомиланинг алкоголь билан заҳарланиши, наркотиклар, дориларни хаддан зиёд истеъмол қилиш, онанинг эндокрин касалликлари, хромосома бузилишлари) муҳим рол ўйнайди. Она қорнида ривожланиш даврида, туғриқ пайтида ва бир-бир ярим ёшида олинган мия шикастланишлари маълум аҳамиятга эга, шу билан бир қаторда ҳозирги иқтисодий ва экологик вазият ҳам катта рўл ўйнайди. Бир қатор ҳолларда ақли заифлик таянч-ҳаракат тизими бузилишлари билан, аутизм билан бирлашади. Тадқиқотлар кўрсатишига, мураккаб нуқсонлар ирсий келиб чиқишга эга.

Болада мураккаб нуқсоннинг борлиги унинг ривожланиши йўналишини тормозлайди, нуқсонларни коррекциялаш имкониятини камайтиради, ўқув - тарбиявий жараёни ташкил қилишни сезиларли қийинлаштиради. Бундай болалар билан муваффақиятли иш олиб бориш эътибор ва кенг билим доирасига эга бўлишни талаб қилади.

Махсус психологиянинг фанининг бошқа фанлар билан боғлиқлиги

Махсус психология бошқа фанлар сингари турли фанлар билан узвий боғлиқ. Махсус педагогика, психиатрия, физиология, логопедия, умумий ва болалар психологияси ва бошқа фанлар шулар жумласига киради. Ривожланишида нуқсони бўлган болалар руҳиятининг ўзига хослиги юқорида кўрсатилган фан ютуқларининг натижалари билан боғлиқ ҳолда ўрганилади. Нормал ва нуқсонли бола тараққиёти умумий, ягона қонуниятлар асосида кечишини ҳисобга олсак, нормал болалар психологияси фани ривожланишида нуқсони бўлган болалар психологияси

учун илмий асос ролини ўтайди. Аммо, ривожланишида нуқсони бўлган болалар тараққиёти ўзига хос йўсинда амалга ошади. Ривожланишида нуқсони бўлган болалар психологияси умумий ва ижтимоий психология маълумотларига асосланиб иш юритади.

Ривожланишида нуқсони бўлган болалар психологияси ёш даврлар психологияси ютуқларига ҳам суянади. Қайси ёшда, қайси руҳий ҳолатлар, қай даражада ўсишини, ривожланишини билишини аҳамияти катта. Педагогик психология ҳам ривожланишида нуқсони бўлган болалар психологияси учун етарли маълумотлар беради.

Логопедия фани боланинг нутқидаги камчиликларини аниқлаш, логопедик текширишни амалга ошириш имконини беради. Олигофренопсихология фани ақли заифлик даражаларини, билиш жараёнларини ўзига хос хусусиятларини инобатга олиш асосида болаларга таълим-тарбия бериш жараёнида коррекцион иш тизимининг самарали усулларини танлашга ёрдам беради.

Ривожланишида нуқсони бўлган болалар психологияси дефектология клиникаси, невропатология, физиология фанларининг ютуқларига асосланади.

Невропатология ривожланишида нуқсони бўлган болалар марказий асаб тизимининг анатомик ва органик бузилишлари ҳақида билим беради. Физиология эса, марказий асаб тизимининг функционал бузилишлари ҳақида ахборот беради. Буларнинг барчаси Ривожланишида нуқсони бўлган бола руҳиятининг нуқсони ҳақидаги билимларимизни янада кенгайтиради, ривожланишида нуқсони бўлган болалар психологияси, марказий асаб тизимининг эгилувчанлиги ҳақида И.П.Павловнинг физиологик таълимотига асосланади. Соғлом қолган марказий асаб тизимининг айрим қисмлари максимал ривожланиши, компенсация қилиниши ривожланишида нуқсони бўлган болалар тараққиётидаги ютуқлардандир. Ривожланишида

нуқсони бўлган болалар психологияси психиатрия ютуқларидан ҳам тўла фойдаланади. Г.Сухарева, М.С.Певзнер ривожланишида нуқсони бўлган болаларни клиник ўрганиш ишларига жуда катта ҳисса қўшдилар. Улар томонидан ривожланишида нуқсони бўлган болалар этиологияси, патогенези, даволаш ишлари, касаллик натижалари, касалликнинг иккиламчи асоратлари атрофлича ўрганилди. Ривожланишида нуқсони бўлган болаларнинг ўзига хос хусусиятлари очиқ берилди, уларнинг тараққиёт динамикаси ўрганилди. Психиатр, педагоглар томонидан ҳамкорликда текширишлар олиб борилиши натижасида ақли заифликни педагогик, психологик ташхис қилиш мезонлари яратилди. Ақли заифлик сабаблари, даражаси қандай бўлишидан қатъий назар, ақлий тараққиёт бош мия зарарланиши даражаларига кўра давом этади.

С.Л.Рубинштейннинг ёзишича, “аъзо тузилиши билан, унинг функцияси орасидаги боғлиқлик бир томонлама эмас, функция аъзо тузилишига боғлиқ бўлиб қолмасдан, балки аъзо тузилиши ҳам унинг функциясига боғлиқдир”.

Махсус психология фанининг методлари

Турли фанларда мужассамланган назарий, амалий билимларни болаларлар онгига етказишнинг у ёки бу йўлини ҳам услублар деб тушуниш мумкин. Бу ерда эса, ҳар бир фаннинг шу фанга оид билимларни йиғиш, танлаш йўллари тушунилади. Буларга кузатиш, тажриба, суҳбат, анкета, тест, болаларлар фаолият натижаларини таҳлил қилиш ва бошқа усуллар киради. Кузатиш – энг асосий усуллардан бўлиб, у орқали жуда кўп ва сифатли психологик маълумотлар йиғилади. Аммо, ҳар қандай кузатиш орқали керакли маълумотлар олинмайди. Тегишли, зарур маълумотларни йиғиш, аниқ мақсад асосидаги, изчил кузатишни талаб қилади. Бу усулнинг асосий ютуғи шундаки, кузатиш табиий шароитда, текширилувчи билмаган ҳолда амалга оширилади. Бунинг оқибатида текширилувчи ҳеч нарсадан тортинмаган ҳолда ўзини намоён қилади. Аммо бу усулнинг ҳам ўзига хос

камчилиги бор. Бу камчилик шундан иборатки, текширувчи учун керак бўлган руҳий жараёнлар ҳақидаги маълумотлар кўп вақт талаб қилиши мумкин. Лекин кузатиш муддати ортган сари олинаётган маълумотлар кўпайиб боради. Узоқ муддатли кузатишлар турли ёшдаги болаларнинг нутқ, тафаккур, ҳиссиёт, қизиқишлар, характер ҳислатлари, қобилиятларини текшириш вақтларида олиб борилади. Бундай узоқ муддатли текшириш натижалари махсус кундаликларда қайд этиб борилади. Кузатиш вақтларида болаларнинг соғлиғини, кайфиятини, ўзини ҳис қилишини, чарчаганлик даражасини инобатга олиш талаб этилади.

Психологик маълумотлар йиғишда тажриба усули кенг қўлланилади. Бу усулнинг қулайлиги шундан иборатки, тажриба ўтказувчи учун керак бўлган руҳий жараёнлар ҳақидаги маълумотлар қисқа муддатларда қўлга киритилади. Бу усулнинг афзаллиги ҳам шунда. Аммо, тажриба вақтида текширилувчи бола ҳар доим ҳам ўзини эркин тутмайди. Бола ийманиб, уялиб, тортиниб туради. Бунинг натижасида бола ўзини тўла намоён этмайди. Бола ўзининг устида текшириш олиб борилаётганлигини билгани учун ҳам, текширувчи учун керакли руҳий жараёнлар ҳақидаги маълумотлар тўлиқ бўлмаслиги мумкин. Тажриба усули ўз навбатида табиий ва лаборатория тажрибалари турларига бўлинади.

Психологик маълумотлар суҳбат усули орқали ҳам йиғилади. Бола билан суҳбат қилиш жараёнида тажриба ўтказувчи учун керак бўлган маълумотлар йиғиб борилади. Суҳбат маълум бир мақсадга қаратилган ва саволлар мавзуга оид тайёрланиши керак.

Анкета усулининг моҳияти шундан иборатки, керакли маълумотлар болаларга маълум саволларни ўз ичига олган анкеталар тарқатиш орқали олинади. Болалар қисқа муддатда жавоб берадилар. Анкеталар тарқатиб маълумотлар йиғишнинг афзаллиги, ютуғи шундаки, қисқа муддатда жуда кўп болаларни текшириш мумкин.

Шуни қайд этиш ўринлики, кейинги йилларда тест усули кенг қўлланила бошланди. “Тест” инглизча сўз бўлиб “текшириш”, “синаш” маъноларини билдиради. Махсус топшириқлар тизимидан иборат бўлган экспериментал текширишдир. Тест усули чет элларда айниқса кенг қўлланилади. Бу усулнинг афзаллиги шундаки, қисқа вақтда, оммавий тарзда жуда кўп текширилувчиларни текширувдан ўтказиш, олинган маълумотларни математик таҳлил қилиш мумкин. Тест усулини қўллаш учун алоҳида, махсус шароитлар, техника жиҳозлари ҳар доим ҳам талаб этилмаганлиги сабабли, бу усулни қўллаш бирмунча осон кечади. Тестлар мазмунига, тузилиш шаклига кўра: индивидуал, гуруҳли, ҳаракат ҳамда интеллектуал қобилият ва бошқа турларга ажратилади.

Махсус психология фани усулларига юқоридагилар билан бирга бола ва болалар ижодий фаолият маҳсулотларини психологик таҳлил қилиш ҳам киради. Асосий эътиборни фақатгина меҳнат маҳсулотларини таҳлил қилишга қаратилади, шу билан бирга фаолиятни ҳам кузатиш даркор. Меҳнат натижаларига қандай эришилганлигини ҳам аниқлаш талаб этилади. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш ўринлики, жуда кўп ҳолларда алоҳида бир усул қўлланиб қолинмасдан, балки бир нечта усуллардан фойдаланиш тавсия этилади. Бундай ҳолат олинган маълумотларнинг янада ишончли, обектив бўлишига хизмат қилади.

Саволлар

1. Махсус психологиянинг мақсади ва вазифалари
2. Алоҳида ёрдамга мухтож болалар турлари ҳақида маълумот беринг
3. Махсус психология фанининг бошқа фанлар билан боғлиқлиги.
4. Махсус психология фанининг методлари

2-Мавзу Сенсор нуқсонли болаларни билиш жараёнларини ўзига хослиги

Режа

1. Сенсор нуқсонли болалар хақида маълумот
2. Кўзи ожиз болалар билиш жараёнлари
3. Эшитишида нуқсони бўлган болалар билиш жараёнлари

Таянч тушунча: Эшитишида нуқсони бўлган бола, кўришида нуқсони бўлган бола, эшитиш идроки, эшитиш сезгиси, кўриш ўткирлиги, билиш жараёнлари, кўриш сезгиси, эшитиш сезгиси, ҳид билиш, таъм билиш, тери сезгилар.

Ҳар қандай билиш дастлаб оддий сезгилардан бошланар экан. Оддий тилда гапирадиган бўлсак, сезгилар бизни борлиқ билан боғлаб турувчи восита, кўприқдир. Кўриш, эшитиш, ҳид билиш, таъм билиш, тери сезгилар ва бошқалар бизнинг сезги билимларимизга асос бўла олади. Сезги билимларимизнинг таркиби, тузилиши инсоннинг сенсор тизимини ташкил этади. Инсоннинг сенсор тузилиши унинг тарихий ижтимоий тараққиёти давомида шаклланиб, унинг ҳаёт ва фаолият мазмунини белгилайди. Шу боис, кўриш тизими бошқа анализаторлардан устун туради. Инсон меҳнат фаолияти жараёнининг асосида кўриш-тактил-кинестетик боғланишлар ва оптик-вестибуляр йўналганлик ётади. Кўриш анализаторининг тўла ёки қисман бузилиши заиф кўришга, кўрликка олиб келади. Бунинг натижасида анализаторлар орасидаги боғлиқлик бузилади. Мутаносиблик йўқолади. Бунинг оқибатида инсоннинг сенсор тузилишида, биринчи навбатда мантикий билиш ва тажрибада меёрдан четга чиққан кузатила бошлайди. Агар инсон руҳияти ўз динамикликка ва эгилувчанликка эга бўлмаганда эди, буларнинг барчаси қайтарилмас, такрорланмас, оқибатларга олиб келиши мумкин эди.

1880 йиллардан бошлаб тифлопсихологик тадқиқотларда сезиш чегараларини ўрганиш бошланган эди. Қисман ёки заиф кўрувчилардаги сезги чегаралари ўзига хослиги билан, нуқсон чуқурлиги билан узвий боғлиқлиги билан ажралиб туради. Қатор тадқиқотларда абсолют сезиш чегарасига оид

турли қарашлар, маълумотлар бор. Нормал болалардаги сезиш чегаралари билан яқинлиги ҳақида ҳам маълумотлар етарли. Компенсатор ўзгаришлар ҳам ўзига хос тарзда амалга ошар экан. Турли сезгиларнинг ўзаро таъсири оқибатида айрим анализаторлар фаолияти тезлашади, айримларининг фаолияти сусаяди. Айрим ҳолларда сезгилараро аралашувлар ҳам юз берар экан.

Тифлопсихология фан бўлиб, шакллана бошлагандан буён қайси сезгилар етакчи бўлиши устида тадқиқотлар олиб борилади. Кейинги йиллардаги илмий тадқиқотларнинг исбот этишича, кўриш нуқсони оқибатида асосан тактил ва кинестетик анализаторлар фаолияти фаоллашар экан. Тотал кўрларда ҳақиқаттан шундай ҳолат кузатилади. Бу ҳақида иккиланиш керак эмас. Аммо, қисман кўрувчи (0,005 дан юқори) шахсларда эса бу ҳолат ўзига хос мазмун касб этади. Лекин, заиф кўрувчи болалар, катталарда эса асосий сезги сифатида кўриш қолаверади. Кўриш сезгилари, кўриш анализатори фаолиятининг натижаси, маҳсули сифатида қолади. Бунда кўриш рецепторлари, кўриш асаб толалари қўзғалишларни бош миёга узатувчи сифатида, бош миё орқа қисмида жойлашган кўриш анализатори ядролари маълум даражада кўриш жараёнининг вазифаларини бажаради. Кўриш анализаторлари айрим қисмларининг зарарланиши унинг фаолиятини қисман бузса, анализатор тўла бузилса кўрлик ёки заиф кўришга олиб келиши мумкин. Кўришнинг чуқур бузилиши натижасида эшитиш сезгиларида ижобий ўзгаришлар юз бера бошлайди. Бу ҳолат кўрлик оқибатида юз бермайди. Балки, эшитиш анализаторининг бошқа бир анализаторнинг зарарланиши оқибатида фаоллашиши юз беради. Кўрларда эшитиш нормал тараққий этади. Бу нарса кўриш қобиляти бузилган шахсларнинг тўлақонли билим олишлари ва олган билимларини амалда қўллай олиш имконини беради. Нормал кўрувчи шахсларда нарса ва атроф-муҳитидаги ҳолатлар кўриш орқали идрок этилса, кўрларда эса, тери сезгилари асосий рол ойнайди. Шунинг оқибатида кўриш нуқсони бор шахсларда тана аъзоларининг, айниқса инсон билиш фаолиятида, хусусан меҳнат жараёнида тутган, эгаллаган ўрни кескин ошади. Бунинг оқибатида сенсibiliзатсия- тактил сезгиларининг ортиши кузатилади. Тактил сезгилар кўрларнинг барча аъзо териларида юз

бермасдан, балки айрим қисмларидагина юз беради. Айниқса, қўл, кафт қисмида бу ҳолат сезиларли даражада бўлади. Тадқиқотларнинг исбот этишича, кўр бармоқларидаги сезгилар нормал шахсларникидан анча устун экан. Бундай ўсиш кўр шахсларнинг ўқиш тизими – Брайл билан узвий боғлиқдир. Бунда асосий ролни ўнг қўлдаги кўрсаткич бармоқ эгаллайди. Нафақат тери сезгилар, туйғулари балки, бу болаларда ҳарорат сезиш қобиляти ҳам, оқриқ туйиш қобиляти ҳам бирмунча ортар экан. Бу сезгилар фаолият жараёнида ривожланади ва шаклланиб боради. Ҳароратни сезиш сезгилари ҳам бу болаларда анча ўсишга мойил экан. Тери сезгилари мажмуасида (комплексда) ёруғлик ва ранг таъсирларига жавоб бериш ҳам ўзига хос мазмунга эга экан. «Тери орқали кўриш» феномени – қобиляти азалдан маълум. Тадқиқотлар натижасида маълум бўлишича, бунинг асосида ток, ток магнит тебранишлари ётар экан. Ҳаракат анализатори инсон ҳаётининг дастлабки кунлариданок етакчи ўринга чиқади. Фаолият жараёнида ҳаракат анализатори дифференцирлашиб боради. Бунда кўриш назорати талаб ҳам этилмайди. Кўриш фаолиятининг камайиши, баъзан йўқолиши натижасида кишида тебраниш сезгилар орта боради. Маълумки, тотал кўрлар маълум масофа узоқликда турган қимирламас нарсалар: дарахт, девор ва бошқа нарсаларни сезадилар. Бу сезгилар предмет моҳиятдан йироқ бўлиб, кўрлар у нарса ҳақида маълумот беролмайдилар. Кўриш аъзолари меёгдаги кишилар учун таъм билиш ва ҳид билиш унчалик рол ойнамас, аммо кўрлар учун бу сезгилар нисбатан катта аҳамият касб этади. Маълум бўлишича, кўрлар нормал кўрувчилардан кўра бир қанча даражада ҳидни, унинг йўналишини яхши билар эканлар. Тотал кўрларда вестибуляр аппаратнинг роли нисбатан ортади. Тана мувозанати учун бу аппаратнинг вазифаси катта. Бу аппарат вазифасининг ўзгариши унинг сезгирлигининг ортишига олиб келар экан. Қатор тадқиқотларнинг кўрсатишича, тотал кўрларда вестибуляр аппарат нормал кўрувчи шахсларникидан яхши ривожланар экан. Кўриш нуқсони бўлган шахслардаги турли сезгиларнинг фаоллашиши, ривожланиши уларнинг ҳаётда осон мослашишларига ёрдам беради.

Жойни топиш ва мўлжалга олишда сезги аъзоларининг аҳамияти

Кўриш сезгиси: Соғлом кишиларнинг атроф-муҳитдаги, фазодаги йўналишни аниқлашларида, йўл топишларда кўрув аъзоси – кўзнинг аҳамияти катта. Кўзи ожизлар, ҳатто кўрув ўткирлиги жуда паст кўзи ожизлар ҳам катта майдонларда, йўлларда ҳаракатланганда озгина бўлса ҳам қолдиқ-кўркувдан фойдаланадилар.

Кўзи ожизлар нурни, ёруғликни сезиб, катта нарса ва объектларнинг шаклини хира бўлса ҳам сезган ҳолда ўшани мўлжал қилиб жойда ҳаракатланадилар. Қора ва оқ нур, сояларнинг алмашинуви билан улар олдинда тўсиқ борлигини сезадилар. В.С.Сверлов кўзи ожиз кишининг жойда, йўлни ва йўналишни қандай топиб юриши ҳақидаги гапларини келтиради: Атрофдаги ҳамма нарсалар менинг учун кулранг туйилади. Лекин, бу ранг ҳам тусларга бўлинади, баъзи бир нарсалар қора, бошқалари овда ўхшайди. Мен йўл, кўча ёруғ бўлса, ўзидан бир неча метр наридаги деворни кулранг тўсиқ сифатида сезаман. Шу девор бойлаб ҳар куни юрганим учун, у ерда ҳамма нарсалар менга таниш бўлгани учун ҳам тез юриб кетаман. Бу йўлда ҳар хил қора доғлар кўринади, бу дарахтларнинг сояси, кўриб қолган лой ва бошқалар бўлиши мумкин. Лекин, бу соялар менга таниш бўлгани учун ҳам, улар менга юришимда мўлжал бўлиб хизмат қилади. Лекин, борди-ю йўл таниш бўлса-ю бу йўлда соялар кўп бўлса жуда ҳам қийналаман. Агар ёруғлик ва соялар алмашиб турадиган жой бўлса ҳам менга қийин».

Тери сезгиси: Кўзи соғлом киши узоқни кўради. Қўл ва оёқ билан теварак-атрофни текшириш имконияти чегараланган. Аммо, кўрларда тери-мускул – ҳаракат анализаторлари йўлни аниқлашда, фазовий юналишларни текширишда асосий рол ойнайди. Турмушда, ўқув ва ишлаб чиқаришда қўл сезгиси предметларнинг фақат шаклини эмас, балки уларнинг бир-бирларига нисбатан жойлашувини, йўналишнинг хусусиятларини аниқлашга ёрдам беради. Қўл ва оёқнинг имкониятлари чегараланган жойда, кўрлар атрофни текшириш доирасини кенгайтириш учун ҳассадан фойдаланадилар. Синф

хонаси, иш жойи, таниш йўлдаги нарсаларнинг жойлашуви кўрларнинг хотирасида яхши сақланади.

Эшитув сезгиси: Кўзи ожизлар эшитув сезгиси ва идроки ёрдамида ўз атрофидаги оламни, нарса ва объектларни сезади, идрок этади. Уларнинг ҳажми, жойлашуви, йўналиши (агар ҳаракат қилаётган бўлса) ва бошқа сифатлари ҳақида тасаввурга эга бўлади.

Нарсаларга урилиб қайтаётган товуш акс-садоси нарсаларнинг шакли, катталиги ва бошқалар ҳақида аниқ маълумот бермаса ҳам кўрлар уни бошқа предметлардан келаётган товуш билан фарқлаб, шу нарсанинг узоқ-яқинлиги, катта-кичиклигини ва бошқа томонларини аниқлайди. Масалан: Кўрлар кўчада юрганида товушларни таҳлил этиб, одамлар ҳақида (ҳар бир киши ўзига хос қадам ташлайди), нарсаларнинг бир-бирларига жойлашуви, машина ва бошқа ҳаракатланаётган нарсаларнинг йўналишини, ўзларига зарур жойнинг мўлжалини оладилар. Нарса ва объектларнинг жойлашуви ҳақидаги тасаввур кўрларнинг ҳар кунги турмушида муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, кўрлар катта жойларда ҳаракатланганда йўналишни аниқлаш ва олдиндаги нарсалар ва тўсиқларни аниқлашда товушнинг акс-садосидан самарали фойдаланадилар. Бунинг учун улар қўлларини бир-бирига уриб қарсак чалиш билан, қўлидаги ҳассасини бирор нарсага уриш билан улардан қайтган акс-садодан атроф-жой ҳақида маълумот тўплайдилар. Бундай акс-садо ўша нарсанинг моҳияти, мазмуни ҳақида маълумот беради.

Ҳид билиш: Кўрларда бу сезгининг аҳамияти катта. Кўрларни кузатиш шуни кўрсатадики, кўрлар кишиларни ҳидлар ёрдамида фарқлашлари мумкин. Улар ҳар хил буюмларни, баъзи мева ва сабзавотларни, озиқ-овқатларни ҳид билиш ёрдамида фарқлайдилар. Айниқса, бузилган овқатларни аниқлаш ёрдамида, кўрлар ҳид билиш ёрдамида фарқланишдан сақланадилар.

Кўр ва заиф кўрувчи болаларнинг идроки.

Идрок предмет ва ҳодисалар моҳиятининг, сифатининг ва образининг онгимизда бутунлигича, тўлалигича пайдо бўлишидир.

Бола ўйинчоқлар, ҳар хил предметлар билан фаолият кўрсатаркан, бу предметларнинг моҳиятини, таркибий қисмларини, томонларини ўрганади.

Аста-секинлик билан боланинг сенсор ривожланиши жараёнида предметлар ва ҳодисаларнинг образи боланинг онгида бутунлигича шаклланиб боради. Одатда кўрув, эшитув, сезги, ҳид ва таъм билиш идроклари фарқланади. Аммо, предмет ва ҳодисаларнинг онгимизда бутунлигича ва бир тузилишда идрок этилиши бу анализаторларнинг ўзаро биргаликда фаолият кўрсатишининг натижасидир. Шунингдек, идрок фақат предметларнинг муҳим белгилари ва хоссаларининг бутунлигича онгимизда акс этишигина бўлмасдан, балки предмет ва ҳодисаларнинг моҳияти, мазмуни ва маъноси, номининг ҳам бутунлигича англанишидир.

А.А.Люблинская кўрсатиб ўтганидек, предметлар ўртасида макон муносабатларини идрок этишда нутқ, болаларнинг макон муносабатларининг нутқий ифодаларини эгаллаши биринчи даражали аҳамият касб этади. Макон муносабатларини тўғри қайта яратиш бола ҳаракатга ҳамроҳ нутқда предметларнинг макон муносабатларини кўрсатадиган сўзларни қўллагандагина мумкин бўлади.

Л.А.Венгер томонидан мактабгача ёшдаги болаларда ўтказилган идрок ривожланишини ўрганишга бағишланган тадқиқотлар кўрсатдики, перцептив ҳаракат билиш усуллариини такомиллаштириш жараёнида шаклланади. Илк ёшдан мактабгачагача ёшга ўтишда, яъни 3 ёшдан 7 ёшгача продуктив ва конструктив фаолият таъсирида болада прецептив аналитик-синтетик фаолиятнинг мураккаб турлари, жумладан, бу операцияларни амалий планда бажаришдан олдин, кўриб турган объектни хаёлан қисмларга ажратиш ва кейин уларни яхлит бирликка бирлаштиришга оид мураккаб қобилият юзага келади. Перцептив образлар предметлар шаклига нисбатан янгича мазмун касб этади.

Предметлар контуридан (чизғиларидан) ташқари уларнинг структураси, макон хусусиятлари ва уларнинг қисмлари нисбатлари ажратилади.

Л.А.Венгернинг фикрича, идрок билан боғлиқ қобилиятлар асосини перцептив ҳаракатлар ташкил қилади. Уларнинг сифати боланинг пертсептив эталонлар махсус тизимини ўзлаштиришига боғлиқ. Идрокда бу каби эталонлар, масалан шаклни идрок этишда геометрик шакллар, рангни идрок этишда – спектрал гамма, ўлчамни идрок этишда – уларни баҳолаш учун қабул қилинган физик катталиклар саналади. пертсептив ҳаракатларни такомиллаштириш ва бундай ҳаракатларнинг янги типларини ўзлаштириш ёш катталашishi билан идрокда прогрессив ўзгаришларни, яъни улар бўлаклаш аниқлиги ортиши ва бошқа муҳим сифатларни эгаллашни таъминлайди.

Л.И.Рудакова кўришда нуқсони бўлган болаларда кўриш идроки ривожланиши даражасини характерлаб, болаларда таҳлил идрокининг ривожланганлик даражаси сенсор эталонлар тизимини эгаллаганлик даражаси билан белгиланишини таъкидлайди.

Кўриш идроки: Кўриш анализаторлари ёрдамида киши предметларнинг рангини, шаклини, ҳажмини, катта-кичиклигини, ҳаракат ва ҳаракат йўналишини аниқлайди.

Кўриш идроки функцияларининг бузилиши атроф воқеликни билишда катта қийинчиликлар келтириб чиқаради, бу предметлар олами ҳақидаги ҳиссий маълумот ва унинг нутқий талқини ўртасидаги узилишда намоён бўлади.

Кўр ва заиф кўрувчиларда кўриш анализаторлари фаолиятининг бузилиши анализаторлар ичида ёки анализаторлар орасида янги боғланишларнинг юзага келишига сабаб бўлади. Кўрувчи шахсларга нисбатан буларда у ёки бу анализаторлар тизими фаоллашади, ривожланади. Кўр ёки заиф кўрувчи шахслардаги кўриш анализаторларидаги бу нуқсон оқибатида нормал кўрувчи шахслардагидан фарқли равишда, ўзига хос анализаторлараро

муносабатлар юзага келади. Бу ҳолат ўзига хос бўлган, фақатгина шу тоифа нуқсонларгагина тегишли бўлган хусусиятлардир. Кўришнинг зарарланиш оқибатлари биринчи галда сезгиларга таъсир этади.

Машҳур психолог Б.Г.Ананьев ғояларига таянадиган бўлсак, сенсор таракқиёт нормада ҳам нуқсонда ҳам бир йўналишда кетиб уларнинг қонуниятларига бойсунар экан. Физиолог А.А.Ухтомский таъбирича «ешитиш – инсон сезги аъзоларидан энг асосийсидирки, инсоннинг инсон даражасига етишида катта рол ойнайди¹». Демак, кўришдан кейин инсон ҳаётида, билим эгаллашида инсон бўлиб етишишда, эшитиш анализаторлари турар экан. Маълумки, кўрлар қаторига, тоифасига кўриш ўткирлиги 0 дан - 0,04 гача бўлганлар кирса, заиф кўрувчиларга 0,05 дан - 0,2 гача бўлган шахслар киради. Кўрлар учун эшитишнинг қанчалик катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб, А.Крогиус шундай ёзади: «Кўрлик ҳақида гапирганда аслида туйиш сезгилари орқали олинган билимлар ҳақида фикрлаймиз. Аммо, кўрларни узоқ муддат кузатишлар асосида шунга амин бўлдимки, бизларга кўриш қанча аҳамиятга эга бўлса, эшитиш кўрлар учун шунчалик аҳамият касб этар экан»¹. Бу фикрлар Р.Дюфога тегишли фикрлардир. Кўрлар ва заиф кўрувчи шахслар учун эшитиш дунёни боғлиқли билишда, фазовий ва ижтимоий мослашувларида катта рол ўйнайди. Ҳид билиш жараёнлари ҳам кўрларда ўзига хос тарзда ривожланар экан. О.И.Скороходова бемалол нон, озиқ-овқат, саноат ва бошқа тур магазинларни ҳеч бир қийинчиликсиз фарқлай олган.

Идрок руҳий ва асаб тизимида ўта мураккаб жараён бўлиб, унинг махсус маркази бош миёда жойлашган. Шахснинг ҳаёт тарзи, иш фаолиятининг ҳаракатига қараб бирор анализатор доминант-этакчи бўлади. Ушбу шахсда ўша идрок тури кучли бўлади. Кўпгина соғлом кишиларда кўрув идроки этакчидир. Аммо, кўрув ўткирлиги жиддий пасайганда (0,03-0,02 гача ва ундан паст) ва тотал кўрларда тери-механик, ҳаракат анализаторлари ёки тери сезги идроки этакчилик қилади.

¹ Ухтомский А.А. Танланган асарлар. ТДУ - 220-бет.

Аммо, кузатишлар шуни кўрсатадики, кўрув ўткирлигининг энг паст даражасида ҳам, кўрлар кўп ҳолларда кўрув идрокидан фаол фойдаланадилар.

Тотал кўрларда атроф-оламни идрок этиш асосан эшитув анализаторлари ёрдамида амалга ошади. Лекин, эшитув сезгиси ва идроки ташқи олам ва ундан нарсалар ҳақида бир томонлама, яъни уларнинг фазодаги ҳолати ва физикавий моҳияти ҳақида жуда тор тушунча беради. Инсоннинг ташқи оламни сезишини – идрок этиш жараёни полисенсор тарзда ҳамма мавжуд сезги анализаторлари ва идрок турлари қатнашган ҳолда кечади. Фақат, шундай ҳолатда нарса ва ҳодисаларни бутунлигича, онгли – тушуниб, умумлашган ҳолда, танлаб идрок этиш юз беради. Масалан: кўрларда ташқи оламдаги нарсалар ва объектларни танлаб идрок этишнинг чегаранланганлиги, йўқлиги, нарсаларнинг гўзаллигидан ҳиссий таъсирланишнинг камлиги натижасида ҳис-туйғу ва қизиқишлар доирасининг торлиги келиб чиқади.

Кўрларда предмет ва объектларни кенг ва чуқур идрок этиш тери ва ҳаракат анализаторлари ёрдамида амалга ошади. Бу эса идрок этилаётган нарсаларнинг моҳияти, таркиби, ҳамма хоссалари ҳақида етарли, кенг маълумот олишга камлик қилади. Натижада, кўрларда сенсор тажриба кам бўлиб, предмет ва ҳодисаларни онгли ва бутунлигича идрок этиш бузилади.

Кўзи ожизларда кўрув идроки кўриш аъзолари нуқсонининг даражасига ва нарсаларнинг катта-кичиклиги, узоқ-яқинлиги, хонанинг ёруғлигига боғлиқ соғлом инсон атрофидаги нарсаларни иккала кўзи билан кўрганда (бинокуляр кўрув) образлар – идроки тўлиқ бўлади, аммо кўзи ожизларда кўзнинг кўриш ўткирлиги паст ёки бир кўзи умуман кўрмаслиги мумкин. Бундай ҳолатда нарса ва объектларнинг фазода томонларини аниқ кўриш бузилади.

Кўзи ожизлар нарсаларни, расмларни танишга қийналадилар. Кўзи ожизлар расмларни, айниқса мараққаб расмларни бутунлигича идрок эта олмаганлари учун, расмдаги нарсалар, персонажлар ўртасидаги боғлиқлик бузилади. Расмнинг муҳим қисмини кўра олмаганлигидан тасвирнинг асосий

(асл) мазмуни ҳақида ҳато фикр пайдо бўлиши мумкин. Расмни бутунлигича (фазодаги нарса ва объектларни ҳам) идрок этиш учун уни узокдан, яқиндан, кейин ҳар томондан туриб томоша қилинади. Шундай томоша қилинганда нарса ва объектлар (расмлар) ҳақида, уларнинг муҳим қисмлари етарли даражада аниқ, идрок қилинади. Кўзи ожизларда кўрув ўткирлигининг пастлиги, кўрув доирасининг торлиги учун ҳам бу жараён қийин кечади. Натижада улар ҳарф ва бўғинларни, сонларни, геометрик фигураларни идрок этиш тезлиги кескин камаяди.

Айниқса, кўр ва кўзи ожизлар учун фазода ҳаракат қилаётган нарсаларни (қуш, самолёт ва бошқалар) идрок этиш анча қийин. Бу камчиликлар уларнинг ўқиш, ёзиш малакаларини эгаллашларини қийинлаштиради.

Улар кўпинча дафтардаги чизиқни яхши кўрмаганликлари учун қийшиқ ёзадилар, ҳарфларнинг элементлари тушиб қолади, баланд-паст ёзилади ва ҳоказо нуқсонларни кўплаб учратиш мумкин.

Нарсаларнинг шаклини ва ҳажмини идрок этиш: Нарсаларнинг асосий белгиси – сенсор мазмуни унинг шаклидир. Шакл – нарса, унинг моҳияти ва мазмуни ҳақида кўп маълумот беради. (Ер шарининг кичик шакли-глобусни эсланг). Нарсаларнинг катта-кичиклиги, ҳажмини бир вақтнинг ўзида кўра олиш идрокнинг сифатига - таъсир этади. Кўзи ожиз болалар ва катталар нарса ва объектларни текшираётган вақтда уни ҳамма томондан кўра олмасликлари, кўз соққасини предметни тартиб билан - тизимли кўриб чиқишга ҳалақит бериши, шунингдек кўзнинг тез чарчаб қолиши натижасида олинган ахборот кам, ноаниқ бўлиши мумкин. Нарсаларнинг шакли, ҳажми, пропортсияси ҳақидаги маълумотлар ҳам кўзи ожиз болаларда аниқ бўлмасдан қолади.

Ранг ва тусларни идрок этиш: Инсоннинг диққатини ўзига жалб қилувчи нарса – бу рангдир. Ранг ёрдамида нарсалар ҳақидаги билимларимиз бойийди, мазмун касб этади.

Айниқса, ранг инсонда ҳис-туйғуни уйғотади. Кўзи ожиз болаларда рангни идрок этиш қийинлашган бўлади. Айниқса, улар қизил, кўк, яшил рангларни қийинчилик билан идрок этадилар. Тусларни идрок этиш катта қийинчилик туғдиради.

Кўзи ожизлар аниқ яққол чизиқлар билан чизилмаган кўرғазмали қурол, расмларни фарқлашга қийналадилар. Шунинг учун ҳам кўзи ожизлар учун чиқариладиган кўрғазмали қуроллар, чизма ва расмлар мураккаб рангларда бўлмасдан, балки қора-қалин чизиқлар билан чизилган аниқ ва яққол бўлиши шарт.

Ҳаракатни идрок этиш: Нарсаларнинг фазодаги ҳолатини идрок этиш кўзи ожиз болалар ва катталарда кўрув доирасининг торлигидан, кўрув ўткирлигининг пастлиги, кўз соққасининг ҳаракатчанлигининг пастлиги (камлиги)дан суёт кечади.

Эшитув идроки: Бола ўсиб бориши билан эшитув идроки мураккаблашиб, товушнинг узоқ-яқинлигини, таниш-нотанишлигини, йўналишини ва бошқа хусусиятларини фарқлашга ўрганиб боради. Товушларни аниқ ва нафис идрок этиш асосан мактабгачагача ва кичик мактабгача ёшида шаклланади. Кўрлар ва заиф кўрувчилар эшитув ёрдамида ташқи муҳитни идрок этадилар. Улар эшитув билан фақат товушларни, фазони идрок этиб қолмасдан, жойнинг тузилишини, нарсаларнинг катта-кичиклигини, ҳатто гўзаллигини ҳам идрок этадилар.

Масалан: баргларнинг шитирлаши, қушларнинг сайраши ва бошқа нарсалар табиат ва унинг тузилиши ҳақида, гўзаллиги ҳақида бу тоифа болаларга кўплаб ахборот беради.

Тери ёкт пайпаслаб идрок этиш: Тери ёрдамида инсон оғирликни, босимни, юзанинг хоссаларини, зичликни, иссиқ-совуқни, оғирликни ва бошқаларни сезади ва идрок этади. Инсон кўрув ёрдамида нарса ва объектларнинг 8 хил белгиларини фарқласа, тери ёрдамида пайпаслаб 11 хил

тоифадаги белгиларни фарқлай олади. Меҳнат жараёнида чап ва ўнг қўлларнинг иш бажаришдаги вазифасида тақсимланиш юз беради. Ўнг қўл асосан меҳнатда, меҳнат қуролларидан фойдаланишда етакчи рол ойнайди, чап қўл ёрдамчи вазифани ва назорат вазифасини бажаради. Шунингдек, бармоқлар ҳам маълум иш бажаришга ихтисослашган. Масалан, ўнг қўлнинг кўрсаткич бармоғи бу тоифа болаларда релефли нуқталарни топиш ва фарқлашга мослашган бўлса, чап қўлнинг кўрсаткич бармоғи шу олинган маълумотларнинг тўғрилигини текширади.

Пайпаслаб идрок этиш уч йўл билан амалга ошади.

1. Пассив шаклда пайпаслаш: Бундай идрок тери юзасидаги анализаторнинг нисбатан тинч вақтида амалга ошади. Нарсаларнинг замон ва макондаги моддий, фазовий хусусиятлари, оғирлиги, шакли, ҳажми, узун-калталиги, иссиқ-совуқлиги ва ҳоказолар аниқланади. Аммо, пассив шаклда идрок этишда предметларнинг кўпгина жиҳатлари: ҳажми, шаклини етарли идрок этиш юз бермайди ва натижада предметнинг моҳияти ва мазмуни ҳақида яхши тушунча шаклланмайди.

2. Фаол шаклда пайпаслаш- Нарса ва объектларни фаол равишда пайпаслаш-гаптика дейилади. Бундай идрок этишнинг тери механик ва ҳаракат анализаторларининг ўзаро ҳамкорликда, интегратив фаолияти ётади. Фаол пайпаслаш жараёнида предмет ва объектларнинг фазодаги ҳажми, белги ва муносабатлари, моддий дунёсининг жисмий моҳияти етарли ва фаол текширилади - аниқланади.

3. Ҳар хил асбоблар воситасида нарса ва объектларни сезиш-идрок этиш. Бунга кўр ва кўзи, ожизларнинг ҳасса ёрдамида жойни ва йўналишни аниқлаш ёки грифел ёрдамида релефли-нуқтали шрифтни ўқишни мисол қилиб кўрсатса бўлади. Кўрлар ва заиф кўрувчилар жойнинг паст-баландлиги, юмшоқ-қаттиқлигини ва бошқа хоссаларини ернинг релефини оёқ кийими ёрдамида сезадилар.

Инсон фаолиятининг асосий турлари: ойин, ўқиш ва меҳнат жараёнида пайпаслаб сезишнинг ўрнини ҳеч нарса боса олмайди (хатто кўрув сезгиси ҳам). Шахснинг пайпаслаб сезиш қобилияти кўрликни компенсация қилишнинг асосий воситаларидан ҳисобланади. Хатто, соғломларда ҳам қўл билан иш бажарилганда, пайпаслаб сезиш асосий бошқарув вазифаларини бажаради. Кўрларда пайпаслаб сезиш, билиш ва назорат қилиш вазифасини бажаради. Аммо, пайпаслаб сезиш кўришнинг ўрнини боса олмайди. Биринчидан тери, мускул-бўғин сезгиси нарсаларнинг ҳамма белгисини ўзида акс эттира олмайди. Иккинчидан пайпаслаб сезишда текшириш доираси чегаралангандир.

Шунга қарамасдан пайпаслаб сезиш атроф, олам ва ташқи муҳит ҳақида кўрларга зарур маълумотларни олишга ёрдам беради.

Кўришида нуқсони бўлган шахсларнинг хотира хусусиятлари

Хотира, хотирот, эсда сақлаш, эсга тушуриш, унутиш бу сўзлар, жумлалар моҳиятининг инсон ҳаётида тутган ўрнини, аҳамиятини оддий тилда, бир оғиз сўз билан тушунтириб бўлмас негаки, бу масалани, хотира деб аталмиш – феноменни оддий тушунтириш билан мақсадга эришиб бўлмайди. Бу муаммо атрофида буюк шахслар неча бор қалам тебратганлар, тебратмоқдалар ва яна узоқ вақтлар қалам тебратишлари ҳақиқат. Қайси бир аллома, «хотирадан ажралган инсон абадий «чақалоқдир» деган, қайси бир донишманд эса хотирани «оппоқ тахтага» қиёслаган, яна бир руҳият мутахассиси эса, хотирани «руҳиятнинг устун» деб таърифлаган. Кўриниб турибдики, хотира-оддий, содда, юзаки, иккинчи даражали руҳий жараён эмас экан. Шу боис, бу масалага жиддий ёндошиш талаб этилади. Хотира кенг қамровли муаммолар, жараёнлар қаторига киритилар экан, демак уни ўрганиш, талқин этиш ва у ҳақда маълум мушоҳада қилишнинг ўзи осон кечмайди. Хотирага турли томонлардан ёндошиб ўрганиш мақсадга мувофиқ деб биламиз. Хотиранинг турлари, жараёнлари мавжуд. Шунинг эътирофи эътибор, жоизки, хотира ҳам турли манбаларда турли кўринишларда, шаклларда, хусусиятларда

баён этилади. Хотирани турларга бўлиш масаласини осонлаштириш мақсадида «нимани эслаш, қандай эслаш ва қанча муддатга эслашга» кўра хотирани турларга бўлсак, болада, ўрганувчида яхлит ва бир бутун тушунча пайдо бўлади деб умид қиламиз.

Демак, хотира нима эсланишига кўра: ҳаракат, ҳиссий, образли ва сўзли турларга бўлинади. Қандай эсланишига кўра, хоҳлабми, тасодифанми, демак ироданинг аралашувига кўра ихтиёрий ва ихтиёрсиз турларга ажратилади. Материалнинг қанча муддатга эсланишига кўра эса: қисқа муддатли, узоқ муддатли ва оператив хотира турларига бўлинади. Хотира ҳақида умумий маълумотларни бердик. Энди эса кўриш қобилияти бузилган бола ва катта кишиларда хотира қандай кечади? Ривожланади? ўзига хос томонлари қандай? камчилик, етишмовчиликларни қай йўсинда тўғрилаш, коррекциялаш мумкинлиги ҳақида мулоҳаза юритамиз. Таъкидланишича, инсон билимларнинг 80% қисмини кўриш аъзоси орқали олар экан. Қолганларини эса эшитиш ва бошқа сезги аъзоларимиз орқали қабул қилар эканмиз. Кўрлик муаммосининг нақадар жиддийлиги шундан кўриниб туради. Хотира: эслаш, эсда олиб қолиш, унутиш, билиш, қайта эсга тушириш жараёнлари кишининг ижтимоий меҳнат фаолиятининг асосини ташкил этади. Махсус психология фанида қилинган ва қилинаётган тадқиқотларнинг кўрсатишича, кўрларда хотира нормал кўрувчи шахслар хотирасидан нафақат ҳажми жиҳатидан, балки ўзига хос кўринишлари, ривожланиш хусусиятлари билан ҳам ажралиб турар экан. Кўриш анализаторининг зарарланиши шартли боғланишларнинг юзага келишига, дифферентсирлашишига ҳалақит берар экан. Бунинг учун кўп ҳажмли мустаҳкамлаш ишлари олиб бориш талаб этилади. Демак кўрлик нуқсони кўзғалиш ва тормозланиш деб номланган асаб жараёнларининг мутаносиблигини ҳам бузар экан. Бунинг оқибатида, хотира тезлиги пасаяди. Олиб борилган тадқиқотлар бу тоифа болаларнинг материалларни эслаб қолишлари кам самарадорлиги билан изоҳланар экан. Бу болалар хотираси нафақат ҳажми жиҳатидан, балки эсланаётган материални тушуниб эслашлари ҳам бузилар экан. Тушуниб эслаш ёки мантикий эслаш маълумки, идрок

жараёни билан узвий боғлиқ. Демак, эслаб қолувчи шахс материалини кўрмагач уни тўла, атрофлича идрок эта олмайди. Бу ёғи эса барчага маълум. Тўла идрок этилмагач нарса ва ҳодисалар тушуниб қабул этилмагач, узоқ муддат эслаб қолинмайди. Бунинг оқибатида, «занжир реактсияси» каби бола тафаккурини ташкил этувчи таҳлил, тасниф, умумлаштириш, жараёнлар юзаки, самарасиз амалга ошади. Бунинг оқибатида эса яна юқоридаги камчилик фикрлаш камчиликлари юз беради. Нормал болаларда маълумки, берилаётган материалларнинг болалар томонидан боши ва охири яхши ўзлаштирилади. Кўриш нуқсони бор болаларда бу ҳолат бошқача намоён бўлар экан. Яъни, бу болалар берилаётган материалларнинг бошланғич қисмини яхтам ўзлаштириб, тез чарчашлари оқибатида охирида берилаётган материалларни қийин ёки кам ўзлаштирар эканлар. Шу нарса диққатга сазоворки, кўр ва заиф кўрувчи болалар хотира ҳажмида, эслаб қолиш тезлигида, механик хотира ва мантиқий хотира жараёнлари бойича бир-биридан кескин фарқ қилар эканлар.

Индивидуал фарқлар турли хил сабаблар оқибати бўлиши мумкин. Бунга нуқсон даражаси, юз берган вақти, асаб тизими хусусиятлари, аклий тараққиёт даражаси, сезгилар, тажриба ва бошқа сабаблар киради. Бу каби камчиликлар бўлишига қарамасдан кўр ва заиф кўрувчи болаларда хотира жараёнларининг кечиши, тараққиёти нормал кўрувчи болалар хотира қонуниятлари бойича амалга ошиши аниқланган. Тадқиқотчилар кўр болалар хотира жараёнларининг секин ривожланишини, бу болалардаги кўргазма-ҳаракат тажрибаларининг камлигини, уларнинг тез чарчашлари, ҳамда бу тоифа болаларни ўқитиш ишларининг юқори даражада такомиллашмаганлиги билан боғлайдилар. Бу болаларда хотира ҳажмининг камлиги, секин эслаб қолиш, тез эсдан чиқариш ҳолатлари бевосита кўрлик оқибати бўлмасдан, балки нуқсон асосида бола руҳиятида юз берадиган четга чиқишлар натижасидир. Кўр болалар хотира жараёнларини ўрганиш асосан улар тасаввурини ўрганиш орқали амалга оширилган. Қатор тадқиқот натижаларининг кўрсатишича, кўр ва заиф кўрувчи болалар хотираси устида мунтазам машқлар олиб борилмаса, улар хотираси пасайиб боришга мойил экан. Ҳатто, 1-3 ойлик вақт оралиқлари ҳам салбий

таъсир этар экан. Эгалланган материалларни тез эсдан чиқаришга сабаб бўлувчи омиллардан яна бири бу такрорлашларнинг етарли эмаслигидан ҳам юз берар экан. Бу борада Ф.Н.Шемякин тадқиқотлари эътиборлидир.

Маълумки, тасаввурларнинг сақланиши кўриш ўткирлигига ҳам боғлиқ. Кўр ва заиф кўрувчиларни кўргазма-ҳаракат тарзда ўқитиш хотира жараёнларига бирмунча ижобий таъсир этар экан. Кўрлар томонидан нарсаларни билиш нормал болаларга қараганда бир мунча секин, ҳамда тўла бўлмайди. Бу тоифа болаларга хос нарсалардан яна бир томони, улар нарсаларни ўзига хос хусусиятлар билан билиб олар эканлар. Бу болалар эгалланган материалларнинг бир қисминигина эсга тушира олар эканлар. Бу болалар олий асаб тизимларида тормозланиш жараёнларининг устунлиги оқибатида ҳам, эгалланган билимларини қайта эсга туширишда маълум қийинчилик сезар эканлар. Шу боис бўлса керак, бу тоифа болаларда реминистсентсия (олдин унутилган деб ҳисобланган материалларнинг кейин эсга тушиши) нормал кўрувчи болалардан кўпроқ учрайди. Кўр болалар хотирасининг ҳолати берилаётган материалларнинг сифат ва мазмунига ҳам борлиқдир. Кўр ва заиф кўрувчи шахсларда хотиранинг барча турлари (сўз-мантиқ образли, ҳиссий ва ҳаракатни махсус таълим-тарбия орқали шакллантириш, ривожлантириш мумкин.

Илгари идрок қилинган нарса ва ходисаларни онгимизда қайта гавдаланишига тасаввур қиламиз. Хотира илгари идрок қилинган, аммо ҳозир кўз ўнгимизда мавжуд бўлмаган нарсаларнинг образларини кўз ўнгимизда мақсад қилиб қоямиз. Масалан: эртақлар, романлар, умуман бирор асарни ўқиётганимизда ундаги қаҳрамонларнинг кўз ўнгимизда гавдаланиши ҳаёлий тасаввуридир.

Кўр ва заиф кўрувчи шахсларнинг тафаккури

Қатор муаллифлар (Т.П.Головина (1975), Л.П.Григореева (1985), М.И.Земтсова (1956, 1973), В.Г.Ермаков (1989), А.Л.Замулин (1990), Г.М.Милаева (1974), Л.И.Плакцина (1982), Л.В.Рудакова (1982), Л.И.Солнтсева

(1967) ва б.) кўзи ожиз ва заиф кўрувчилар нормал кўрадиганлар каби фикрлаш операцияларини амалга оширади. Шу билан бирга, болаларда кўриш қобилияти бузилганда болаларда таҳлил қилиш идроки секин, фрагментар, кўп босқичли тарзда кечади. Бу заиф кўрувчиларнинг образли тафаккури ривожланишини қийинлаштиради. Предмет ва ҳодисаларни хаёлан бўлаклашда, кейинроқ уларни синтезлашда турли белгилар образларининг яхлитлик ва бир пайтлилик каби сифатлари зарар кўради

Нормал кўрадиганлар муҳитида яшаётган ва ишлаётган кўзи ожиз ва заиф кўрувчи шундай ҳаёти вазиятларда бўладики, у бутун вазиятни яхлит идрок этолмайди ва вазиятни ўз идроки учун қулай бўлган алоҳида элементлар асосида таҳлил қилишига тўғри келади. Бундай ҳолларда вазиятни қайта яратиш ва баҳолаш унинг алоҳида белгилари таҳлили ва синтези, уларни англаб етиш ва мавжуд билим ҳамда тасаввурлар тизимига, ҳаёт ва таълим жараёнида яратилган умумий контсептсияга киритиш асосига қурилади. Бу кўришда нуқсони бўлган шахслар ҳаёти ва фаолиятида тафаккурнинг катта аҳамият касб этишидан далолат беради.

Тифлопсихологияда тафаккур кўриш нуқсонини психологик компенсациялаш ва атроф оламни билиш усуллари шакллантириш жараёнининг энг муҳим омилларидан бири саналиши ҳақида фикр анчадан бери мавжуд. Бироқ тафаккур жараёнларини ўрганишга бағишланган аниқ экспериментал тадқиқотлар кўп эмас. А.Г.Литвак² ва А.Ф.Самойлов³ кўришда нуқсони бўлган шахслар тафаккури ривожланишининг учта контсептсиясини таъкидлайди: кўзи ожиз ва заиф кўрувчилар тафаккурининг тезлашган ривожланиш назарияси; кўриш нуқсонининг тафаккур ривожланишига салбий таъсири назарияси ва тафаккур ривожланиш даражасининг кўриш нуқсонларига боғлиқ эмаслиги контсептсияси.

² Литвак А.Г. Тифлопсихология. - М.: Просвещение, 1985. - С.188-191.

³ Самойлов А.Ф. Проблема мышления в тифлопсихологии //Психологические особенности слепых и слабовидящих школьников. - Л.: ЛГПИ, 1981. - С.39-69.

Ҳар учала контсептсия конкрет фактларга таянадики, улар ўз ғояларини таъкидлаш учун ҳуқуқ беради. Бироқ уларнинг ҳеч бири ё ҳаёлий образлар, ё тафаккурнинг шаклланиш жараёнидаги ўзига хосликнинг мавжудлигини инкор этмайди.

Биринчи контсепция кўзи ожизларнинг нутқий-мантикий тафаккури нисбатан юқори ривожланганлиги факти ҳақидаги кузатишлар, талқинлар ва фикрларга асосланади (С.Ф.Струве, 1810; А.М.Шчербина, 1929; А.Р.Крогиус, 1926; К.Брюклен, 1934; Б.И.Коваленко, 1962). Иккинчи контсептсия кўзи ожизлар ва айниқса заиф кўрувчилар билан олиб борилган ҳиссий билишдаги камчиликлар тафаккурда ва ноаниқ умумлашмалар ҳамда уларнинг формал тушунчалари ҳосил бўлишида акс этишини аниқлаб берган тадқиқотларга таянади (М.И.Земтсова, Ф.Н.Шемякин). Учинчи контсептсия кўзи ожиз ва заиф кўрувчиларнинг фикрлаш фаолияти ривожланиш даражасини уни шакллантириш жараёнини бошқариш ва дастурлаштириш сифати билан боғлайди (А.И.Зотов ва унинг издошлари).

Кўришд нуқсони бўлганларда тафаккурни экспериментал тадқи қилиш асосан генетик жиҳатдан мактабгачагача ва мактабгача ёшидаги болаларда нормал кўрадиганлар учун ишлаб чиқилган методикалардан фойдаланиб олиб борилган. Натижалар кўрадиган болаларда олинган натижалар билан солиштирганда кўп жиҳатдан методикаларни кўзи ожиз ва заиф кўрувчилар фойдаланиши учун ўгартиришлар киритиш ва тажрибаларни ўтказиш шароитларига боғлиқ бўлиб чиққан. Мактабгачагача ва мактабгача ёшидаги кўзи ожиз болалар тафаккур даражасини ўрганишга оид тадқиқотлар Ж.Пиаже методикалари бойича олиб борилган.

Ж.Пиаже олиб борган нормал кўрадиган болаларнинг интеллектуал ривожланишини ўрганишга оид тадқиқотлар унга ривожланиш босқичларини ажратиш ва ҳал қилиниши мактабгачагача ёшдаги болаларнинг тафаккури характерли хусусиятларини очиб берадиган ва болаларнинг ўз илмий тафаккурига ўтишини белгилаш имконини берадиган қатор вазифаларни ишлаб

чиқиш имконини берди. «Пиажетопшириқлари» ва «Пиаже феномени» - П.Й.Гальперин ва Д. Б. Эльконин болалар объект хоссаларидан бири ўзгарганда модда миқдори сақланиши қонунини тушунадиган фикрлаш вазифаларини тақдим этишдан иборат методикаларни шундай номлаган. Ж. Пиаже тадқиқотлари натижаларига кўра, 7-8 ёшли болалар миқдорнинг сақланиши қонунини тушунишга қодир, бу уларда илмий тафаккурнинг юзага келганидан далолат беради.

М.Готтесман тадқиқотлари унга кўзи оғиз болалар тафаккур ривожланишида албатта аномал эмас ва интеллектнинг ривожланишида ҳеч бир кечикишга эга эмас деган хулосага келиш учун асос бердики, у гидроқ этиладиган ахборотни интегратсиялай олмасликдан далолат бериши керак эди. Тадқиқотчи кўрсатиб бердики, кўзи оғиз болалар тафаккур ривожланишида айнан ўша босқичларни тахминан ўша ёш даврида ўтади ва Пиаже вазифаларини кўриш гидроқига таянмасдан еча олади.

Кўрув нуқсониди ташқи олами сезиш, ҳис этиш нуқсоннинг даражасига қараб озми-кўпми бузилади. Бу ўз навбатида ташқи олами аниқ чуқур ва фарқланган ҳолда сезиш ва гидроқ этишни сусайтиради. Бу ҳам ўз навбатида билиш жараёнига, ақлий ривожланишга салбий таъсир этади. Кўрув нуқсони натижасида гидроқ этиш жараёни қийинлашади. Айниқса, образларнинг яхлит ҳолда шаклланишидаги камчиликлар, нарсалар ва ҳодисаларни фарқлашдаги камчиликлар, уларнинг муҳим қисмларини ажратишдаги етишмовчиликлар тафаккурнинг энг муҳим жараёни бўлган умумлаштиришни қийинлаштиради. Айнан шунинг учун ҳам, кўрлар гидроқининг схематиклигини-чизги шаклдалигини, фрагментарлигини ва ҳиссий сезишнинг бошқа камчиликларини енгиб ўтиш учун кўп меҳнат қилишга тўғри келади. Кўрларда руҳий ривожланишдаги нуқсонларни компенсация қилишда, ўрнини қоплашда, сенсор сезиш соҳасидаги камчиликларни бартараф этишда тафаккурнинг хизмати шундаки, ҳар хил турдаги хулоса, ҳукмлар чиқариш билан мавҳум фикрлашни амалга оширади. Кўр бола гидроқ эта олмаган ёки

идрок этиш имконияти бўлмаган нарсалар ва ҳодисаларнинг моҳиятини очишга тафаккур жараёнлари ёрдам беради ва ёрдам бериши зарур.

Таққослаш жараёнининг қийинлигига сабаб эса, таҳлил ва тасниф жараёнининг етарли амалга ошмаслигидир. Кўрларда таҳлил ва тасниф жараёнининг қийинлигига сабаб: бир томондан нарса ва объектларнинг белги ва моҳиятларини сезиш – идрок этишнинг қийинлиги бўлса, иккинчи томондан, идрок этилаётган нарса ва объектларнинг қисман – суктсессив, фрагментар идрок этилишидир. Нарсаларни ҳар томонлама, чуқур таҳлил қилишнинг имконияти чегараланганлиги натижасида, нарсаларни юзаки билиш, муҳим қисмларни сезмасдан қолиш юз беради.

Кўрлар нарсаларнинг муҳим қисмларини ажратишга қийналишлари ёки фақат умумий белгиларнигина фарқлашлари натижасида нарсаларни бир тизимга солишда, гуруҳлашда қийинчилик келиб чиқади. Шундай қилиб кўр ва заиф кўрувчи шахсларнинг сенсор соҳасидаги камчиликлари ҳиссий билишни қийинлаштиради ва камбағаллаштиради. Бу ўз навбатида тафаккурнинг ривожланишига салбий таъсир этади. Фикрлаш жараёнида тушунчаларнинг тўғри шаклланиши катта аҳамиятга эга. Тушунчалар асосан тасаввур ёрдамида, унинг образларидан ҳосил бўлади. Масалан: соғлом бола «дарс» сўзини кўп марта эшитади, лекин дарс ҳақидаги ҳақиқий тушунча уни кўргандан сўнг пайдо бўлади. Кўрларда тушунча ва унинг ҳақиқий образи – ўртасида ажралиш (дивергентсия) юзага келади. Тушунчаларнинг мантиқий ва ҳиссий ажаралиши кўпинча нотўғри ёки формал, юзаки, сохта хулоса чиқаришига сабаб бўлади. Кўр ва заиф кўрувчи болаларда баъзан ҳаётдан – реалликдан ажралиб қолган тушунчалар юзага келади.

Эшитишида нуқсони бўлган болалар билиш жараёнлари

Сезги – инсон сезги органларига таъсир қилувчи предмет ва ҳодисаларнинг энг содда рухий жараёнидир. Инсон сезгиси товуш, ранг, шакл дунёси ҳақида маълумот беради. Сезгидан фарқли ўлароқ идрок предмет ва

ҳодисалар яхлит образини ўзида намоён қилади. Ҳар қандай англаш жараёни идрок этиш ва сезишдан бошланади. Бу унинг дастлабки сезги босқичидир. Лекин идрок атрофдаги олам ҳақида тўлиқ тасаввур беролмайди. Метерияни биз бевосита идрок этолмайдиган хоссалари мавжуд. Ташқи оламни англаш ва акс этишнинг энг юқори формаси тафаккурдир. Ривожланишда нуқсони мавжуд болалар сезгиси атроф муҳитни обектив акс эттиради ва предмет ҳамда ҳодисаларни англашнинг муҳим босқичи саналади. Кар бола идрок ва сезги асосида атрофдаги предметлар ранги, мазаси, ҳиди, шакли ҳақида маълумот олади.

Эшитишида нуқсони бўлган болалар сезгиси ва идроки шаклланишининг умумий қонуниятлари билан бирга специфик хусусиятларга эга бўлади. Аввалам бор, бу болаларда асосий сезги турларидан бири эшитув сезгиси мавжуд бўлмайди. Бизнинг организмимизга доимо товуш таъсиротлари таъсир кўрсатади. Ривожланаётган бола асосий билим манбаини эшитув сезгиси, идроки орқали қабул қилади. У атрофдагилар билан мулоқотга киришиб, радио, мусиқа эшитиб, кино, театрларни томоша қилиб, кўп маълумотга эга бўладилар. Кар бола бундай имкониятлардан чегараланган бўлади. Бу атрофни англаш жараёнини қийинлаштиради ва компенсацияни талаб этади. Ўз навбатида бу кўрув, ҳаракат, ҳидлаш сезгиси ва идроки ривожланишга салбий таъсир кўрсатади. Эшитишда нуқсони бўлган болаларда эшитув сезгиси мавжуд эмас деган фикр нотўғридир. Янги окустик аппаратлар ёрдамида ўтказилган тадқиқотлар натижалари кўрсатишича, эшитишда нуқсони бўлган болаларнинг 40 %да эшитув сезгиси қолдиқлари мавжудлигини кўрсатди. Улардан таълим-тарбия жараёнида фойдаланиш мумкин. Давомий машғулотлар машқлар жараёнида эшитишда нуқсони бўлган болалар эшитув идроки фаоллаштирилади. Бунда эшитув идрокининг ривожланиши анатомо-физиологик механизмининг тикланиши эвазига эмас, балки эшитув идрокини фаоллаш йўли билан амалга ошади. Кар болада эшитув сезгиси ва идрокини йўқолиши сабабли кўрув сезгиси ва идроки асосий ўрин тута бошлайди. Кар боланинг кўрув анализатори атрофдаги оламни англашда асосий аҳамиятга эга

бўлади. Эшитишда нуқсони бўлган болалардаги кўрув сезги ва идроки эшитувчи болалар даражасида бўлиш Л.В.Занков, И.М. Соловев, К.И. Вересотский, тадқиқотларида далилланган. Шу сабабли эшитишда нуқсони бўлган болалар эшитувчи бола аҳамият бермайдиган ташқи олам хусусиятлари ва нозикликларига аҳамият беради. Эшитишида нуқсони бўлган болаларнинг эшитув сезгисига қараганда кўрув сезгисининг устунлиги, ҳаракат сезгисининг, тери-тактил сезгиларнинг фаоллиги кузатилади. Эшитувчи болалар қарларга нисбатан яшил, сиёҳранг, қизил, сабзи ранглар кўп алмаштирадilar. Эшитишда нуқсони бўлган болалар рангларни нозик фарқлайдилар. Л.В.Занков ва И.М. Соловев таъкидлашича, эшитишда нуқсони бўлган болалар чизган расмларда, эшитувчи болалар чизган расмларга нисбатан кўп детал ва қисмларни қамраб олган бўлади. Қар ва эшитувчи болалар расмлари таққосланганда эшитувчи болалар расмларида предметларнинг муҳим қисмларини тасвирларда мавжуд эмаслиги кўринади. Эшитишда нуқсони бўлган болалар расмларида бундай камчиликлар кам бўлади, лекин улар фазовий муносабатлар ифодаланган расмларни қийинчилик билан чизадilar. Л.В.Занков ва И.М.Соловев таъкидлашича кўрув идроки жараёнида эшитишда нуқсони бўлган болалар эшитувчиларга нисбатан предметнинг қўшимча деталларига кўп аҳамият берадилар. Шу сабабли, эшитишда нуқсони бўлган болаларда идрокнинг аналитик типи синтетик типидан устун туради, деб кўрсатиш мумкин. И.М.Соловев бу ҳолат эшитишда нуқсони бўлган болаларда эшитувчи болаларга нисбатан кўрув сезгиси устун деган хулосага олиб келмайди, деб эътироф этади. Эшитишда нуқсони бўлган болаларнинг нутқи шаклланишида кўрув идроки катта аҳамиятга эгадир. Эшитувчи бола эшитув ва кўрув сезгиси ва идрокига таяниб, гапиришни ўрганади.

Эшитув сезгисини йўқотиш билан эшитишда нуқсони бўлган болаларда кўрув сезгиси фаоллашади, ўткирланади. Кўрув идрокдан ташқари, англаш жараёнида ҳидлаш ва ҳаракат сезгилари ҳам муҳим ўринга эгадир. Ҳаракат сезгилари инсон бадани, қисмлари, нутқий органлар ҳаракати ҳақида сигнал беради. Эшитув анализатори функциясини бузилишда нутқий ҳаракатлар

аниқлиги, дифференциалланганлиги бузилади. И.М.Соловев ва бошқа олимлар эшитувнинг йўқолишини нафақат артикул аппарат сезгиси, балки нафас олиш аппаратининг ҳаракат сезгисига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Чунончи, мимика, дактилология каби нутқ шакллари ҳаркат ва кўрув сезгилари асосида шаклланади. Тери сезгилари тактил ва температура сезгиларини қамраб олади. Улар бирлиги предмет, унинг шакли, катталигини ифодаловчи материални англаш имконини беради. Бу сезгилар рецепторлари бормоқ учларида, тил учида жойлашган бўлади. Сезгилар фаол фаолиятни талаб этади ва рецепторларни таъсирловчилар билан контакти давомида юзага келади. Тери сезгилари, идрок бошқалар билан бирга предметни тўлиқ идрок этишга ёрдам беради. Тери сезгилари предметни кўриш орқали идрок этишни тўлдиради. Асосан предметларни ҳажми ва фазовий жойлашувида идрок этишда, предметларни ташқи қатламини сезишда тери сезгиларининг аҳамияти каттадир. У материални кўриш орқали англашга кўриш эга ўз навбатида сезишга ёрдам беради. Эшитишида нуқсони бўлган болаларда кўрув идроки, тери тактил ҳамда ҳаракат сезгиларига таянган ҳолда атроф оламни идрок эта олиш имконияти юқорилиги рус психологи Т.Г.Тигранова томонидан ўрганилган.

Эшитиш қобилияти бузилган шахсларнинг диққат хусусиятлари.

«Диққат-онгимизнинг муайян объектга йўналтирилиши ва унда тўпланишидан иборат психик ҳолат. Диққат ихтиёрсиз, ихтиёрий ва ихтиёрийдан кейинги турларга ажратилади»⁴ - деб баён этилган изоҳли луғатда. Диққат моҳияти инсон томонидан бирор нарсаларни аниқ ойдин тарзда акс эттиришда кўзга ташланади. Бир вақтнинг ўзида бошқа нарсалардан бирор предметни ажратиб идрок этишга ёрдам беради. Диққатнинг физиологик асосига бош мия айрим қисмларидаги кўзғалишларнинг айрим марказларда тўпланиши ташкил этади.

⁴ Психология. Қисқача изоҳли луғат. Т.1998 й., 15 бет.

Инсон томонидан сезгилар орқали қабул қилинаётган барча нарсаларни идрок этиш диққатсиз амалга ошмайди. Идрок, демак диққатсиз юз берса юзаки, фрагментар содда тарзда амалга ошади. Шу боис, болаларларнинг ўқув фанларини тўла, кенг ўзлаштиришларида, маълумотларни тушунишларида диққат жараёни ўта муҳимдир. Шу билан бирга диққат хусусиятлари: турғунлик, бўлинувчанлик, тақсимланиш, кўчиш кабилар ҳам тез суратлар билан такомиллашиб боради. Диққатни бирор жойига тўплай олиш, уни шу нуқтада маълум муддат ушлаб туриш диққатнинг сифатларидандир. Диққатни бўла олиш ҳар бир шахснинг қўлидан келавермайди. Бу нарса асаб толалари, ҳужайраларининг ҳаракатчанлигига боғлиқ. Диққат асосан ўқув фаолият асосида амалга ошиб боради. Нормал эшитувчи шахсларда ҳам, эшитиш қобилияти бузилган шахсларда ҳам таълим-тарбиянинг асосий мақсади диққатни тарбиялашдир. Нуқсонли болалар диққати қатор болаларда, болалар диққатини тарбиячи, тарбиячининг оғзаки нутқи бошқариб борса, эшитиш қобилияти бузилган болалар диққатида кўриш таассуротлар етакчилик қилади. Эшитишда нуқсони бўлган болалар бир ватқнинг ўзида ҳам кўргазма материалларни идрок қилиш, ҳам тарбиячининг лабидан ўқиб олиш амалда мумкин эмас. Шу боис, бу болаларга дастлаб нарсалар намоиш этилади. Ундан кейин улар тушунтирилади. Бу тоифа болаларда 1 ва 2 – сигнал тизимлари орасида муносабатлар тез шаклланмайди. Бу болалар диққатини тўплаш, йиғиш, тарбиялашда турли-туман кўргазмали қуроллардан кенг фойдаланиш ижобий самаралар беради. Оғзаки нутқ умуман нутқ орқали қарлар билан мулоқот қилиш сурдопедагогларнинг болалар билан бўладиган фаолиятларида асосий воситадир. Бу болаларда нутқни ўстириш орқали улар диққатини бошқариб, тарбиялаб бориш мумкин. Шу нарса жуда муҳимки, гапираётган кишининг лабларига бутун диққатни қаратиш осон вазият, иш эмас. «Лабдан ўқиш, - деган эди Ф.Ф. Рау, бу нутқ аъзоларидан чиқаётган оғзаки нутқни кўриш идрокидир». Бу нарса гапиришга осон. Аммо, уни бошдан кечирмоқ керакки, бу ерда қанчалик диққат зарурлигини англамоқ учун. Шу боис, бу тоифа болалар нормал эшитувчи болалардан кўра тезроқ кўпроқ

чарчайдилар. Бу болаларга ёрдам тарзида дактил нутқдан фойдаланиш тавсия этиладики, бу усул орқали болалар идроки енгилашиб, ўқув материалларини эгаллашлари осонлашади. Дактил нутқи эшитишда нуқсони бўлган болалар таълим-тарбиясининг дастлабки йилларида кенг қўлланилиши тавсия этилади. Эшитишда нуқсони бўлган болалар диққатини ушлаб туришнинг учинчи хусусияти, шарт сурдопедагог ўзини тўғри тутишидир. Сурдопедагог қуйидаги қоидаларга амал қилмоғи зарур. Бутун болаларга юзи билан қараган ҳолда машғулоти олиб бориши. Мумкин қадар хонада билим берганда юрмаслиги, тўғри келган ҳолда тушунтирмаслиги лозим. Кўргазма қуроллар намоёниш қила туриб, бир вақтнинг ўзида уни тушунтиришга ҳаракат қилмаслиги керак. Кар ва заиф эшитувчи болаларнинг диққатларини тўплашнинг тўртинчи шарт шуки, хонада мумкин қадар кўпроқ кўргазма қуроллардан фойдаланиш лозим. Бешинчи шарт шундан иборатки, эшитишда нуқсони бўлган болалар диққати овозли қўзғатгичларга боғлиқ эмас. Эшитиш қобилияти бузилган болалар диққатини тўплаш, бир маромда маълум муддат ушлаб туришнинг асосий омилларидан бири мимикаларидир. Бу нарса жуда катта таъсирга, жалб этувчи кучга эга. Кар ва заиф эшитувчи болаларда диққат махсус таълим-тарбиянинг асосий талабларидан ҳисобланади.

Эшитишда нуқсони мавжуд болаларнинг хотирасининг ўзига хос хусусиятлари

Хотира – олдин идрок этилганни ифодалаш, сақлаш ва тасвирлаш билан белгиланувчи онгли руҳий жараёндир. Хотирада инсоннинг олдинги тажрибаси, унинг фаолияти, идроки, қайғуриши ифодаланади. У инсон фаолиятида муҳим ўрин тутади. Маълумки, меёнда эшитадиган болалар маълум ҳажмдаги билимларни эшитиш орқали эгаллайдилар. Кар ва заиф эшитувчи болаларда эса мазкур ҳолат махсус коррекцион педагогик таълимсиз амалга оширилиши мураккабдир. Бу болаларда ўқув материалларини кўриш орқали олганлиги боис, кўриш хотирасининг устунлик қилишидан дарак беради. Ташқи олам билан алоқа натижаларини сақлаш ва ифодалаш хотира асосини ташкил этувчи тасаввур шаклида амалга ошади. Хотира тасаввури – бу предмет

ва ҳодисаларни хиссий кўргазмали умумлашган образларидир. Хотира фаолияти натижаси сифатида улар ўтмишида инсон томонидан идрок этилган предмет, ҳодисаларни ифодалайди, бевосита фаолият натижасида сезги образлари идрок юзага келади. Шундай қилиб, агар идрок образлари бўлмаса, хотира таассуроти мавжуд бўлмайди (Масалан, Туғма карларда товуш, шовқин, тақиллатиш ҳақида тааввурлар мавжуд бўлмайди). Идрок ва тасаввур ўхшашлиги уларда предмет ва ҳодисалар хусусиятлари ва қирралари намоён бўлиши билан белгиланади. Тасаввур идрокка нисбатан камбағалроқдир. Унда предметларни фақат маълум томонлари намоён бўлади, лекин баъзи томонлари тушуб қолади.

Эшитишда нуқсони бўлган болаларда хотира функцияси ва хусусиятлари.

Хотира ўтмишнинг ифодаси сифатида қуйидаги асосий функциялари ёрдамида амалга ошади: илк идрок этилган материални эслаш, сақлаш, таниш ва баён этиш. Эслаб қолиш ихтиёрий ва ихтиёрсиз бўлади. Агар инсон ўз олдида материални эслаб қолиш мақсадини қоймаса, материал иродавий ҳаракатларсиз, истаксиз эсда сақланса, бу ихтиёрсиз эслаб қолиш саналади. Агар инсон олдида материални эслаб қолиш, уни эгаллаш мақсади турса, бу ихтиёрий эслаб қолишдир. Тадқиқотларда кўрсатилишича, барча фигурани бир вақтда кўрсатишда эшитишда нуқсони бўлган ва соғлом болаларни объектни эслаб қолишида фарқлар кузатилмади. Кетма-кетликда предметларни кўрсатишда эшитишда нуқсони бўлган болалар соғлом болаларга нисбатан суст эслаб қолганлар. Кетма-кетликда фигураларни кўрсатиш эшитишда нуқсони бўлган болаларни эслаб қолишини қийинлаштирган. Бунда фигураларни айрим қисмлари идрок этилиб, асосий моҳиятга эътибор кам қаратилган. Шундай қилиб, эшитишда нуқсони бўлган болалар идрок этилганни бир бутунга фикрий интеграция қилишда қийналиши далилланди.

Эшитишда нуқсони бўлган болаларда сўзларни эгаллаш махсус таълим жараёнида амалга ошади ва соғлом болалардан шу хусусияти билан орқада

қолади. Тадқиқотларнинг бирида эшитишда нуқсони бўлган ва соғлом болаларнинг 3 турдаги сўзларни идрок этиш тадқиқ этилган.

1. Кўриш орқали идрок этилаётган предмет ва ҳодисаларни ифодаловчи сўзлар.
2. Тактил анализатори ёрдамида идрок этилувчи предмет белгиси ифодаловчи сўзлар.
3. Овозли ҳодисаларни ифодаловчи сўзлар.

Тадқиқот натижалари таҳлили кўрсатишича кўрув орқали қабул қилувчи сўзларни, ифодаловчи сўзларни эслаб қолишда эшитишда нуқсони бўлган ва соғлом болаларда фарқ кузатилмайди. Овозли ҳодисаларни ифодаловчи сўзларни эслаб қолишда эшитишда нуқсони бўлган ва соғлом болалар ўртасида фарқ мавжуд. Бу турдош сўзларни эшлашда эшитишда нуқсони бўлган болалар соғлом болалардан қолади. Лекин тери анализатори орқали идрок этилаётган сўзларни эшлашда эшитишда нуқсони бўлган болалар эшитувчи болалардан устунлиги кузатилди. Тадқиқотда эшитишда нуқсони бўлган болалар асосан овоз чиқарувчи ҳайвонлар ва овоз чиқариб ишлайдиган механизмларни ифодаловчи сўзларни яхши эслаб қолишни намоён бўлди. Эшитишда нуқсони бўлган болаларда объектларнинг овози ҳақидаги тасаввур сақланган анализаторлар фаолияти асосида амалга ошади. Эшитув тасаввурлари доирасидаги феъллар кўрув вибрацияси, тактил доирасидаги феъллар билан алмаштирилиши эшитишда нуқсони бўлган болаларда кўп кузатилади. Шунингдек, болаларларни ихтиёрий ва ихтиёрсиз хотирани қўллашга ўргатиш муҳимдир. Ўрганилаётган материални ўтилган билан қиёслашга ўргатиш ҳам хотирани ривожлашга ижобий таъсир кўрсатади. Эшитишда нуқсони бўлган болаларларда узоқ муддатли эслаб қолишга таянган шакллантириш лозим, шунинг учун савол-жавоб фақат айтиш дарс бўлишга эмас, балки ўтилган мавзу бўйича бўлиши керак. Эшитишда нуқсони бўлган болалар хотирасини ривожлантиришда яхши самара беради. Бу такрор тури болаларларда қиёслаш операцияси фаоллаштиради фикр операцияни ривожлантиради. Эшитишда нуқсони бўлган болалар вақтлар бўйича ажратилган такрорлашга ўргатиш

муҳимдир. Агар эшитишда нуқсони бўлган болалар қолишга берилган материал ҳажмига кўра катта ва осон бўлса, уни ҳаммасини ёдлаш талаб этилади. Эшитишда нуқсони бўлган болаларларни сўзларни маънодош сўзлар алмаштириш ўқилган матн мазмуни ўз сўзлари билан баён қилишга ўргатиш муҳимдир. Бу эшитишда нуқсони бўлган болалар фикрлаш хотирасини ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсатади.

Эшитишда нуқсони мавжуд болаларнинг тасаввур ва унинг хусусиятлари

Тасаввур – юқори онгли жараён бўлиб, тассуротни янгиланиши ва мавжуд образлар асосида янгиларини яратишни кўзда тутди. Тасаввур шахс эҳтиёжлари асосида мотивланади. Инсон ўз тасаввурида ёрқин образлар ёрдамида ўз эҳтиёжини қондиради. Бу ҳолатларда тасаввур ҳақиқат аксини тезлашган ҳолда намоён қилади. Фаолият сўнгида бу жараён натижаларини тугалланган ҳолда фикрий тасаввур қилишимиз мумкин. Тасаввур ёрдамида яқин, узоқ келажак ҳодисаларни олдиндан таҳлил қилиш имкони туғилади. Предмет, ҳодиса, шахсларни идрок этиш жараёнида инсонда айна шу пайтда анализаторларга таъсир этувчи образлар, дунёси юзага келади. Идрок этиш натижасида юзага келган образлар хотирада сақланиб қолиши тасаввур ёки хотира образлари деб номланади. Эшитишда нуқсони бўлган болалар тасаввурининг ўзига хослиги сўзлашув нутқининг кеч шаклланиши ва мавҳум тафаккурнинг ўзига хослиги билан асосланади. Кар болаларларнинг кўрув образлари ёрқинлиги, жонлилиги билан характерланади, лекин тафаккурнинг кеч шаклланиши сўзнинг ҳарфий маъносини тушунишда мураккаблик туғдиради. Эшитишда нуқсони бўлган болаларни сўзларни кўчма маъносини тушунишдаги қийинчиликлар тасаввурнинг етарли даражада эмаслиги билан характерланади. Тасаввурни қуйидаги турларга таснифлаш лозим:

1. Пассив тасаввур;
2. Фаол тасаввур. У ижодий ва яратувчанлик характериға эға бўлади.

Пассив тасаввур олдиндан ойланган ва олдиндан ойланмаган бўлиши мумкин.

Яратувчан тасаввур. Яратувчан тасаввур ҳақида предмет, ҳодиса, воқеанинг сўз орқали тавсифлаш асосида унинг кўргазмали образи, таассуроти асосида юзага келади. Эшитишда нуқсони бўлган болалар руҳий фаолиятининг бу тури ўзига хос бўлади. Яратувчан тасаввурга кўра бола онгида атроф олам кенг, кўп қиррали бўлиб намоён бўлади. Эшитишда нуқсони бўлган болалар ақлий дунёқараши шахсий тажриба доирасидан ташқарисига чиқади. Лекин сўзлашув нутқи ва мавҳум тафаккурининг ривожланишдан орқада қолиши қар болани инсонларнинг ижтимоий тажрибасини тўлиқ эгаллашига тўсқинлик қилади. Бола онгида асар муаллифи томонидан яратилган образлар, ҳодисалар ҳақида тасаввур юзага келади. Бу болаларга турли даврлардаги ҳодисалар ва инсон ҳис-туйғуларини тушуниш имконини беради. Тарбиячилар кузатишича, эшитишда нуқсони бўлган болаларда ўқиш жараёнида шаклланувчи образлар ҳар доим ҳам тўғри тавсифланмайди. Кўпинча бу ўқилган асар мазмунини тушунмасликка олиб келади.

Қар болаларларнинг ижодий тасаввурининг элементар шакллари ҳақида

Ижодий тасаввур тасаввурни олдиндан намоён бўлиши ва мустақил равишда янги образлар, таассуротлар яратиш билан белгиланади. Ижодий тасаввур ва тафаккурнинг ўзаро муносабатини тадқиқ этиб, А.В.Петройевский ва М.Б.Вербенский бу икки руҳий жараёнда интеллектуал фаолиятнинг турли аспектларини кўрадилар. Улар тасаввур ва тафаккурнинг бир неча шакли мавжуд деб эътироф этадилар. Ижодий тасаввур жараёни сифатида хотира асосида янги образларни яратиш билан белгиланди. Тасаввурнинг қурилиш материали – бизнинг ўтмиш тажрибамиз, тасаввур натижалари Янги образлар – тасаввур таассуротлари саналади. Эшитишда нуқсони бўлган болалар эшитувчи болалардан овоз чиқарувчи предметлар ҳақида билиб оладилар. Кичик ёшдаги эшитишда нуқсони бўлган болалар учун предметларни овоз чиқариш ҳодисаси мавҳумдир. Таълим жараёнида эшитишда нуқсони бўлган болалар ҳам овоз чиқарувчи предметларга фарқсиз бўлмасдан, уларга аҳамият бера бошлайдилар. Тасаввурни нутқни ривожлантириш билан бирга олиб бормоқ мақсадга

мувофикдир. Уни эгаллаб, қар бола тасаввурга таяниб, суҳбатдош ҳикояси ёки ўқилган ҳикоя мазмунини аниқ айтиб бора олади. Сўзлашув нутқини ривожлантириш тасаввурини бойитишга, ижодий образларнинг шаклланишга олиб келади.

Эшитиш қобилияти бузилган болаларнинг ҳаёл хусусиятлари

Ҳаёл – мавжуд тасаввурлар асосида янги образларнинг яратилишидан иборатдир психик акс эттириш жараёнларидан бири. У ихтиёрсиз ва ихтиёрий, ижодий ҳаёл турларига ажаратилади»⁵. «Ҳаёл ёки фантазия, тафаккур каби, юксак билиш жараёнлари қаторига кириб, кишининг ўзига хос ижобий ҳаракатларига эга бўлган фаолиятларида намоён бўлади. Меҳнатнинг тайёр натижасини ҳаёлга келтирмай туриб, ишга киришиб бўлмайди. Фантазия ёрдамида кўтиляётган натижани тасаввур қилиш инсон меҳнатининг ҳайвонлар инстинтив фаолиятдан туб фарқидир»⁶ - деб таъкидланган дарсликда. Ҳаёлнинг психик жараён сифатида биринчи ва муҳим вазифаси шундан иборатки, у меҳнатни бошлашдан олдин унинг натижасини тасаввур қилиш имконини беради. Ҳаёл фаол ва пассив бўлиши мумкин. Ихтиёрий ва ихтиёрсиз тарзида амалга ошиши, юзага келиши мумкин. Қайта тикловчи, ижодий ҳаёллар ҳам бор. Ҳаёлни юксак, хоҳлаган тури – орзудир. Нуқсонли болаларда ҳаёл, айниқса, ёш болаларда ўзига хос хусусият, кўринишга эга. Эшитиш қобилияти бузилган болалардаги ҳаёлнинг ўзига хослиги улардаги оғзаки нутқ ва мантиқий тафаккурининг кечикиб шаклланиши билан узвий боғлиқ. Кўриш тасаввурлари ҳар доим ҳам керакли даражада таҳлил этилмайди. Шу сабаб улар томонидан янги предметлар таҳлили қиёсий амалга ошади. Демак, нуқсон: кўришми, эшитишми, ақлийми, нутқми барибир ҳаёл жараёнларининг кечишига, шаклланишига, ривожига ўз салбий таъсирини ўтказмай қолмас экан. Бу деярли исбот, тушунтириш, талаб этилмайдиган ҳақиқатдир. Лекин, бу таассуротларни қанча эрта, муваффақиятли коррексияласак болаларларда ҳаёл жараёнлари шунчалик тез ва тўлиқ ривожланиши мумкин. Бу жараённинг

⁵ Психология қисқача изоҳли луғат. Т-1998 йил. 40-бет.

⁶ А.В.Петровский. Умумий психология. Т-1992 йил, 381 бет.

тафаккур билан чамбарчас боғлиқлигини эътиборга олсак, масаланинг моҳияти янада тезроқ равшанлашади. Бу мавзуда албатта, О.И.Скороходованинг «Как я воспринимаю, представляю и понимаю окружающих мир» (М. 1972) китобини таҳлил этиш даркор. Айниқса, китобнинг кўр, қар киши томонидан «дунёни», қандай тасаввур этиш тўғрисидаги қисмлар чуқур ўрганилмоғи даркор.

Ҳаёл шахснинг интилиши, талаблари билан ҳам белгиланади. Кўрган, эшитган, билган, нарсалар образлари хотирамизда сақланади. Керак вақтда буларни тиклашимиз мумкин. Бу жараён хотира образлари сифатида жонланади. Ёки, тасаввурлар шаклида кўз олдимизга келади. Ҳаёл образлари тасаввур образларидан ўзига хос томонлари билан ажралиб туради. Тафаккур ва ҳаёл оралиғида узвий, мантиқий бирлик, боғлиқлик бор. Аммо, ўзига хос фарқлари ҳам бор. Буларни ажрата олиш даркор. Инсон бирор мураккаб муаммони ечиши талаб этилганда тафаккурга мурожаат этади. Бундай натижаларга эришиш йўллари мавжуд бўлса, тафаккур орқали бўлсачи, унда биз тафаккурдан кўра ҳаёл кучига таянамиз. Ҳаёлнинг ривожланиши концерт кўргазма образлардан мавҳум тушунчалар орқали янги ҳаёл образлари ижод қилиш тарзида амалга ошиб борилади.

Эшитиш анализаторининг зарарланиши оқибатида бу болаларнинг ташқи дунёни акс эттириш фаолияти, ижтимоий муҳит ҳам бу тоифа болалар шахсининг мукамал шаклланишга салбий таъсир этар экан. Эшитишида нуқсони бўлган болаларни ҳаёл хусусиятларини ривожлантиришда таълим жараёнида ролли ўйинларни ташкиллаштириш мақсадга мувофиқ.

Эшитишда нуқсони бўлган болалар тафаккурини ривожлантириш.

Тафаккур – ҳақиқатни бевосита ва умумлашган ҳолда акс эттирувчи билиш жараёнидир. Ҳозирги кунда болалар тафаккурининг ривожланишини уч босқичи – кўргазмали – ҳаракат, кўргазмали – образли, сўзли – мантиқ тавсифланади. Сўнгги босқичда умумлашиш, тушунчанинг шаклланганлиги даражаси, ишлатиладиган материал характерига кўра конкрет – тушунчали ва

абстракт тушунчали тафаккур ўзаро таснифланади. Кўргазмали – ҳаракат тафаккури предмет билан ташқи ҳаракатни ўзида жамлайди, бунда бола мақсадга эришиш воситаси сифатида турли предметлардан фойдаланади. Амалий вазифаларни амалга оширишда муаммони ҳал этишни бир шароитдан иккинчисига ўтказиш зарурияти юзага келади. Бу кўргазмали – ҳаракат умумлашмаларини шаклланишга олиб келади. Кўргазмали – ҳаракат тафаккурининг ўзига хослиги, бир шаритдан бошқасига ўтишда бола ҳаракати ва предмет алоқаси, муносабати тамойили тўлиқ намоён бўлмаслиги билан белгиланади. Шундай қилиб, нутқий ривожланишгача тафаккурнинг инерт, ҳаракатчан эмаслиги кузатилади. Маълум нуқтаи назардан бола нарсани англаб, ундан қийинчилик билан ажралади. Нонутқий мулоқот имо – ишора ёки сўзлашув нутқини шакллантириш учун асосий омил саналади. Кар болани нутқини ривожлантириш унинг тафаккурини ривожлантиришда муҳим ўринга эга. А.В.Запорожес фикрча болани амалий тажрибага ва сенсор тарбияга эга бўлиши асосидагина бу жараён амалга ошиши мумкинлигини эътироф этади. Боланинг амалий тажрибаси инсон қўли билан яратилган предметлар билан топиши, ҳаракатларни натижалар билан қиёслаш, сабаб – оқибат алоқаларини белгилашдир. Шунингдек болалар предметлараро муносабатларни ҳам англайдилар. Кўргазмали – ҳаракат тафаккурини ривожланишидан орқада қолиш нутқи мавжуд бўлмаган эшитишда нуқсони бўлган болаларда ҳам учрайди. Эшитишда нуқсони бўлган болалар ҳаракатни умумлаштириш усулига эга бўлмайдилар, шу сабабли бу вазифани ўргатиш учун тўрт маротаба кўп вақт ва уч маротаба кўп кўргазма керак бўлади.

А.Р.Лурия ва Ф.Л.Юдович нутқий ривожланиши орқада қолган соғлом эгизак болаларни тафаккурининг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ этган. Болалар ҳаракатни сўздан ажратиш, режалаштириш, элементар таснифлаш малакасига эга бўлмаганлар. Предмет ифодаси, белги, муносабатларини англаб бола предмет образлари билан тафаккур ҳаракатларини амалга оширадилар.

Эшитишда нуқсони бўлган болалар узоқ муддат давомида кўргазмали – образли тафаккур босқичида қоладилар. Хусусан, Т.В.Розонова тадқиқотларида эшитишда нуқсони бўлган болаларнинг кўргазмали – образли тафаккурининг ривожланишидаги фарқ мактабгача таълимининг бошида кузатилишини исботлайди. Кўргазмали – образли тафаккурни ривожлантириш модел тасаввурларни умумлаштириш имконини юзага келтиради. Кўргазмали – образли тафаккурни шакллантириш сўзлаш нутқининг шаклланиши билан боғлиқ бўлиб, кўргазмали – образли тафаккурни сўзлаш – мантиқ тафаккури босқичига ўтиши соғлом болаларга нисбатан эшитишда нуқсони бўлган болаларда узоқ муддат давомида амалга ошади. Бу фикрлаш операцияларини ривожланишида намоён бўлади. Фикрлаш операциялари – тизимга ташкиллаштирилган умумий ҳаракатлардир. Бу фикрлаш операциялари аста – секинлик билан амалга ошади. Эшитишда нуқсони бўлган болаларда фикрлаш операциялари эшитувчи болаларга нисбатан кеч шаклланади. Анализ ва синтез жараёнини ривожланишида ҳам орқада қолиш кузатилади. Бу жараёнлар янада узоқ муддатли ва систематик тарзда амалга ошади. Таққослаш жараёнида фарқларни топиш ва ўхшатиш муносабатлари амалга ошади. И.М.Саловёв таъкидлашича, эшитишда нуқсони бўлган болаларда таққослашнинг қуйидаги жиҳатлари намоён бўлади: икки предметни таққослашдан бирининг анализига ўтиб кетиш, вазифани соддалаштириш, предметларни таққослашдаги қийинчиликлар кузатилади. Эшитишда нуқсони бўлган болаларнинг ўсмирлик чоғида таққослаш техникасини эгаллашда ютуқлар кузатилади, таққослаш сифати ошади.

Абстракциялаш жараёни сюжетли – расм ўйин ва ўқув фаолияти жараёнида амалга ошади. Сюжетли – расм ўтишнинг характерли хусусияти ўриндош предметларни қўллаш ҳисобланади. Алмаштирилувчи предметлар хусусиятини ажратиш ва таққослаш абстракцияга асосланади. Эшитишда нуқсони бўлган болалар алмаштирилган предметларни қўллашда қийинчиликларга учрайдилар. Ҳатто алмаштириш учун функционал мумкин бўлган предметлар улар томонидан ҳар доим қўлланилмайди, уларни реал

функционал аҳамиятида ажратиш эшитишда нуқсони бўлган болалар учун қийин тарзда кечади. Н.И.Шиф маълумотларига кўра, мактабгачагача ёшдаги, мактабгача ёшидаги эшитишда нуқсони бўлган болалар учун алмаштирувчи восита сифатида танишга нисбатан, нотаниш предметларни қўллаш қулайлик туғдиради. Абстракция жарёнида орқада қолиш эшитишда нуқсони бўлган болалар ўқув фаолиятида ҳам орқада қолишига сабаб бўлади.

Эшитишда нуқсони бўлган болалар катталикларни таққослаш, катталиклар ўзаро муносабатини тушуниш, масала мазмунидан уни кўргазмали ифодалаш, берилган муносабатларда кўргазмали шароитда ажратишни ифодаловчи бир қатор масалаларни ҳал этишда қийинчиликларга учрайди. Асосий қийинчиликлар матн мазмуни бўйича хулоса чиқариш, маълумотларни анализ ва синтез қилишда юзага келади.

Савол ва топшириқлар:

1. Кўришда нуқсони бўлган болаларда сезгиларнинг қандай хусусиятлари бор?
2. Кўришда нуқсонга эга шахсларда ихтиёрий ва ихтиёрсиз хотиранинг ўзига хослигини очиқ беринг.
3. Кўришда нуқсонга эга шахсларда қисқа муддатли ва оператив хотира қандай аҳамиятга эга?
4. Кўришда нуқсони бўлган болалар идрок ва сезги жараёнларига умумий тавсиф беринг.
5. Эшитишда нуқсони бўлган болаларни сезги ва идрокининг ўзига хос хусусиятларини ёритинг.
6. Эшитишда нуқсони бўлган болаларни нутқини шакллантиришда кўрув сезгисининг ўрни қандай?
7. Кар ва заиф эшитувчи болаларнинг тафаккур хусусиятларини изоҳланг.
8. Эшитишида нуқсони бўлган болаларнинг ҳаёл ва тасаввур хусусиятларининг ўзига хослиги ва боғлиқлиги қандай?

9. Эшитишида нуқсони бўлган болаларни хотира хусусиятларини очиб беринг.

10.Эшитишда нуқсони бўлган болалар диққат турлари, уларнинг хусусиятларини ҳақида.

3-Мавзу Интиллектида нуқсони бўлган болаларни билиш жараёнларини ўзига хослиги

Режа

1. Ақли заиф бўлган болалар билиш жараёнларининг ўзига хослиги

2.Рухий ривожланишида нуқсони бўлган болалар билиш жараёнларини ўзига хослиги

2. Рухий ривожланиши сустлашган болаларнинг психологик муаммоси ва хусусиятлари

Таянч тушунчалар: Сезги, идрок , диққат, хотира , хаёл, тасаввур, тафаккур, нутқ

1. Ақли заиф бўлган болалар билиш жараёнларининг ўзига хослиги

Билиш жараёни каби таълим жараёнида ҳам ақли заиф бола билмасликдан билишга, нотўғри ва ноаниқ билимдан тобора тўлиқроқ ва аниқроқ билишгача бўлган йўлни босиб ўтади. Бу жараёнда ҳиссий идрок этиш ҳам, абстракт тафаккур ҳам, амалда синаб кўриш ҳам бўлади.

Муайян фан ва ҳодисалар объектив дунёни билиш жараёнидан ўрганилади ва уларнинг ташқи, ички моҳиятини ўзлаштириш жараёнида омиллар аниқланади. Мушоҳада, тасаввур ва абстракт тафаккурга асосланиб фактлар

умумлаштирилади ва илмий хулосалар чиқариш натижасида назариялар, қонунлар ва категориялар яратилади.

Билиш икки қисмга - назария ва амалиётга бўлинади. Назария янги билимни, янгича билишни ифодаловчи тизимли фикрдир. Назария ҳар хил шаклларда ифодаланади: аксиома, теорема, қонун, формула, график рақам ва бошқалар. Назарияда ғоя шаклланади.

Амалиёт билимларнинг ҳақиқийлигини кўрсатувчи мезондир. Кузатиш, тажриба, ўзгартириш, яратиш - булар амалиёт шаклларига киради.

Амалиёт ижтимоий ҳаёт ва табиатнинг мураккаб жараёнларини билиб олишда инсон учун асосий қурол боғлиқ хизмат қилади. Масалан, Марсни кузатиш жараёнини олайлик. Жонли мушоҳада ва абстракт тафаккур ёрдамида учирилган илмий аппаратлар орқали олинган материалларни лабораторияларда текшириш амалиётга киради.

Илмий билишнинг вазифаси ҳодисаларнинг моҳиятини, уларнинг ривожланиш қонунларини очишдангина эмас, балки бирон - бир қонуннинг қай тариқа намоён бўлиш сабабларини ҳам кўрсатиб беришдан иборат.

Илмий омил илмий билишнинг элементи бўлиб, кузатиш, тажриба асосида қўлга киритилади, омилга асосланмаган билимнинг илмий қиймати, амалий фаолият учун аҳамияти ҳам бўлмайди. Шунинг учун илмий билимнинг, фаннинг асосий мақсади омиллар асосида ётган умумий боғланишларни, қонуниятларни топиш, уларнинг моҳиятини билишдир.

Марказий Осиёнинг буюк мутафаккирлари билишда омилларни ўрганишга катта аҳамият берганлар. Абу Наср Форобий (873—950) билимнинг элементи бўлган омилларини ўрганишга катта аҳамият берган. Унинг фикрича, билимнинг асосини мавжуд нарса ва ҳодисаларни инкор эттирадиган омиллар ташкил этади. Ибн Сино (980—1037) касалликни вужудга келтирувчи объектив омилларни ўрганиш асосида касалликларни турларга ажратади ва даволаш усуллариини ишлаб чиқади. Беруний (973—1048) табиат ҳодисалари сирларини ўрганишда тажриба, эмпирик кузатиш ва улар асосида олинган фактларга асосланади.

Билиш сезишдан бошланади. Сезиш теварак - атрофдаги воқелик, нарсa ва ҳодисаларнинг сезги органларимизга таъсир этувчи айрим сифатларининг онгимизда акс этишидир. Бунда ҳар бир орган, ҳар бир анализатор, И.П.Павлов таъкидлаб ўтганидек, нарсаламинг айрим сифатларини идрок қилади: биз совуқ, илиқлик, шўр, оқ, қора, аччиқ, чучук ва ҳоказоларни кўриш, эшитиш, ҳид билиш, таъм - маза билиш, тери - мускул - ҳаракат ва органик сезги органларининг фаолияти орқали билиб оламиз.

Сезгилар - олам ҳақидаги барча билимларимизнинг манбаидир. Аммо илмий асосда билишда, масалан, олимнинг билиши билан боланинг билиш фаолияти ўртасида умумийлик бўлса ҳам, лекин улар бир-биридан фарқ қилади. Олимлар оламни билиб олиб, илгари фанга маълум бўлмаган янги ҳақиқатларни кашф этадилар, янги қонуниятларни аниқлайдилар ва шу тариқа фаннинг илгарилаб кетишига имкон яратадилар. Болалар эса таълим жараёнида олам ҳақидаги элементар билимларни билиб олиб, ўзлари учун илгари номаълум бўлган, бирон фан кашф этган ва одамларнинг ижтимоий - тарихий амалиётида текшириб кўрилган янги бир нарсани билиб оладилар.

Мактабгача таълим муассасаларида дефектолог болаларни олимлар томонидан яратилган бу қонунни билишга тўғри, енгиллаштирилган, вақт жиҳатидан қисқа йўлдан олиб боради. Ўқитиш натижалари билим сифатида, ақли заиф болаларнинг коррекцион ривожланиш даражасида ўз аксини топади.

Мактабгача таълим муассасалардаги таълимнинг умумий вазифалари ақли заиф болалар нуқсонларини тузатиш вазифаси билан бирга олиб борилади. Шу сабабли мактабгача таълим муассасасидаги таълимнинг асосий, зарурий хусусиятларидан бири унинг нуқсонни тузатишга йўналганлигида бўлса, иккинчи хусусияти, унинг боланинг ривожланишида ўзига хос амалга оширилишидадир.

Бош мия фаолиятлари нуқсони асосида ақли заиф болаларнинг ривожланиши чекланган бўлиб, орқада қолади. Ақли заиф бола кам ривожланган эмас, балки ўзгача ривожланган ва ривожланаётган боладир. Унинг ривожланиши нуқсонли равишда амалга ошириб боради. Ақли заиф

боланинг билиш фаоллиги ва мустақиллиги бирмунча паст бўлади. Бу камчилик уларнинг бевосита ҳаёт қийинчиликларига дуч келганларида намоён бўлади.

Меъёردаги оммавий мактаб болалари маълум воқеаларга эътибор бериб, улар ҳақида билим эгалласалар, ақли заиф болалар бу воқеаларни сезмасликлари мумкин. Бу ҳолат мактабгача таълим муассасасидаги таълим-тарбияни қийинлаштиради. Шунга қарамасдан мактабгача таълим бу болаларда фаоллик, мустақилликни ривожлантиришга хизмат қилиши керак. Шунини таъкидлаш ўринлики, ақли заиф болалардаги бузилган руҳий жараёнлар махсус педагогик таъсирга яхши берилади. Шу сабабли мактабгача таълимида «яқин орада ривожланиши мумкин бўлган зона»га алоҳида эътибор берилади.

Мактабгача таълимининг кўргазмалилиги ҳам унинг ўзига хос томонларидан биридир. А. Н. Грабёровнинг таъкидлашича, кўргазмалилик идрок, тасаввурларни тузатишга имконият яратади. Шу сабабли мактабгача таълим муассасасиларда кўргазмалилик оммавий мактаблардан кўра кўпроқ аҳамиятга эга. Ақли заиф болалар кўргазмалилик орқали нарса, воқеаларнинг ички моҳиятини тушуниб борадилар. Шу орқали уларнинг фикрлаш фаолиятлари тўғриланиб боради. Балки кўргазмалилик оғзаки тушунтиришлар билан бирга намоёиш этилсагина кутилган мақсадга эришиш мумкин. Шундагина ақли заиф болаларнинг нутқи, тафаккури бирга ривожланиб боради, мактабгача таълим таълими жараёнида ақли заиф болаларнинг фаол эмаслигини, мустақил ишлашларининг чегараланганлигини ёдда тутиш керак. Ақли заиф болалардаги бу хусусиятлар мактабгача таълим таълимининг охирида ҳам нормал тенгдошларига ета олмайди. Шу сабабли мактабгача таълим муассасасининг барча таълимий – тарбиявий жараёнларида дефектологлар бу камчиликларни бартараф этиб боришлари керак.

Шунини таъкидлаш жоизки, мактабгача таълим муассасаси таълими содда, болалар нуқсонига мослаб, механик тарзда берилиши туфайли ҳар доим ҳам кутилгандай натижа бермайди. Шу сабабли ўқув материаллари қанча содда бўлмасин, албатта онгли, тушунарли тарзда берилиши керак. Шундагина бу

таълим болалар нуқсонларини тузатишга ёрдам беради. Мактабгача таълим муассасасидаги таълим дефектолог ва болаларнинг биргаликдаги фаолияти бўлиб, болаларнинг билим олишига, зарур кўникма ва малакалар ҳосил қилишларига хизмат кўрсатади.

Илмий тадқиқотлар ва махсус педагогика амалиёти таҳлили мактабгача таълим муассасасида ўқитиш жараёнининг тобора жиддий хусусиятлари ва унинг нормада ривожланаётган болалар таълими жараёнидан фарқини белгилаш имкониятини беради.

Энг муҳим хусусиятлардан бири: ақли заиф болалар мактабда ўқитишнинг дастлабки босқичида уларнинг мактабгача тайёрлиги жиддий аҳамият касб этишидир. Ақли заиф болаларни махсус мактабгача муассасаларда тайёрлаш анча самаралидир. Бироқ, ақли заиф болаларнинг катта қисми бундай муассасаларга қатнашмайди. Ижтимоий муҳит, боланинг атрофдагилари, оилада у билан олиб бориладиган ишлар характери унинг бутун ривожланишига, жумладан, муомала воситалари шаклланишига таъсир этади. Ақли заиф болалар тарбияси шароитлари турлича экани уларнинг умумий ва нутқий ривожланиш даражасидаги турли-туманликни келтириб чиқаради, бу эса таълим жараёнини мураккаблаштиради.

Мактабгача таълим таълими амалий йўналишга эга. Амалиёт ақли заиф болаларнинг назарий билимларни эгаллашларига ёрдам беради ҳамда улар амалиётда қатнашиб, назарий билимларини ошириб борадилар.

Тарбия жараёни – дефектолог ва ақли заиф болаларнинг махсус ташкил этилган, изчил ўзгарувчан, мақсадга йўналтирилган биргаликдаги фаолияти бўлиб, бунда болаларнинг таълими, тарбияси ва умумий ривожланиш масалалари ҳал этилади. Ўқитиш асосини болаларнинг дефектологлар раҳбарлигидаги фаол режаси билиш фаолиятини ташкил этади. Ўқитиш жараёнида ақли заиф бола тегишли фан асослари кўринишида намоён бўладиган табиат, жамиятнинг кўп қиррали дунёси билан танишади.

Махсус ташкил этилган билиш жараёни боланинг атрофдаги воқеликни англашини тезлаштиради. У ўз вазифалари, мазмуни, тамойиллари,

ташкилий шакл ва методлари, структура ва мантиқига эга. Бола нисбатан қисқа муддат ичида инсоният минг йиллар давомида эгаллаган билимлар асосларини ўзлаштиради. Шу боис ўқитиш объектив борлиқни билишнинг ўзига хос кўринишларидан бири саналади.

Таълим ягона билиш жараёни сифатида ўқитиш (дефектолог фаолияти) ўқиш (бола фаолияти) шаклида кечади. Ўқитиш – дефектолог томонидан ақли заиф болалар фаолиятини бошқариш. У ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиш, болалар билиш фаолиятини тўғри режалаш тизими, рағбатлантириш, назорат қилиш ва таҳлил этишдан иборат. Дефектолог ақли заиф болаларга фаол таъсир этиб, уларнинг ақлий, ахлоқий ва иродавий кучларини ўқув вазифаларини ҳал қилишга сафарбар этади.

Ўқиш – ақли заиф болалар томонидан билим, малака ва кўникмаларини эгаллашнинг фаол жараёнидир. Бунда боланинг ақлий ривожланиши, ақлий сифатлари, характер қирралари, шахс хусусиятлари шаклланади. Ўқиш – ақли заиф бола учун мураккаб жараён бўлиб, унинг фаоллиги ва мустақиллиги ривожланганлиги даражасига боғлиқ ва ақлий, иродавий ва жисмоний саъй-ҳаракатларни талаб қилади.

Мактабгача таълим муассасасида таълим-тарбиянинг вазифаси ҳар бир болани ҳар томонлама ривожланиш, битирувчиларни соғлом тенгдошлари билан баробар халқ хўжалигининг турли соҳаларида амалий фаолият юритишга тайёрлашдир. Мактабгача таълим муассасаси жараёни методологик асосларини миллий ва умуминсоний қадриятлар ташкил этади. Ўқитиш жараёнида таълим ва тарбия турли йўллар билан таъминланади. Кўп вақт амалиёт болаларнинг билим ва малакаларини қўллай олиши билан боғланади. Тадқиқотлар кўрсатадики, амалиёт назариядан аввал эгалланиши мумкин. Ақли заиф болаларнинг шахсий тажрибаси уларнинг амалий фаолиятида билим ва малакалар манбаи бўлиб хизмат қилади.

Амалиёт билан таълим жараёни барча босқичларида билимлар ҳақиқийлиги текширилади. У таълим жараёнида мақсад сифатида

гавдаланади. Зеро, билим ва малакалар, энг аввало, амалий фаолият учун зарур.

Мактабгача таълим дидактикасида таълим жараёни ривожланувчи, диалектиканинг асосий қонунларига бўйсунувчи сифатида қаралади. Мактабгача таълим муассасасида таълим жараёни учун умумтаълим мактаби таълим жараёнини ривожлантириш, ўзгартириш ва такомиллаштириш манбалари бўлган зиддиятлар характерлидир. Улар орасида тобора умумий, асосий зиддиятлар: жамиятнинг мактаб таълимига талаблари ва мазкур шароитда таълимнинг реал имкониятлари; инсоният тўплаган ижтимоий-тарихий тажриба ҳажми билан болалар ўзлаштирилган билим ҳажми; ўқув фани билан фаннинг тегишли соҳаси; таълимда илгари суриладиган билиш ва амалий вазифалар; мураккаб талаблар ҳамда болаларнинг ақлий ривожланиш даражаси, уларнинг имкониятлари, эгаллаган билим, малака ва кўникмалари ўртасидаги зиддиятлар ажралиб туради. Тобора хусусий зиддиятларга; болалар эгаллаган билим даражаси ва янги билимлар, эгалланган билимлар ва уларни амалий қўллаш; болаларнинг ўқишга нисбатан талаб этиладиган ва эришган муносабати даража сифатларини билиш фаоллиги, мантиқий усул ва операсиялари, қизиқиш ва қобилияти, ижодий имкониятларини шакллантириш ва ривожлантиришдан иборат. Ўқитиш жараёнида оғзаки нутқни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилади. Бу мактабгача таълим муассасасида махсус вазифа бўлиб, ўзига хос йўллар билан ҳал этилади. Таълим давомида бола нутқни мулоқот, билиш ва фикрлаш воситаси сифатида эгаллаши лозим, Ақли заиф бола нутқи ривожланганлиги даражаси унинг умумий ва ақлий ривожланганлигининг кўрсаткичидир. Ақли заиф болаларда нутқни шакллантириш мантиқий тафаккур ривожи билан биргаликда олиб борилиши керак. Барча психик жараёнлар ривожланишининг умумий шарти болаларнинг таълим жараёнида фаоллиги ва мустақиллигини таъминлашдир. Бунда шахсий, ҳиссий-иродавий омиллар: қизиқиш ва рағбат, ирода, ўқишдан қувониш муҳим ўрин тутади. Таълим жараёнининг коррекцион вазифаси

болаларнинг рухий ва жисмоний ривожланишида ақли заифлик асоратларини тугатишдан иборат.

Махсус таълим жараёнида ақли заиф болаларнинг бутун билиш фаолиятини ўзгартириш ва шахсини шакллантириш амалга оширилади. Ёрдамчини ўқитиш жараёнида эшитиб идрок этишни ривожлантириш катта ўрин тутди. Коррекцион вазифалар ақли заиф болалар ривожланиши қонуниятлари ва ҳар бир боланинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ҳал этилади.

Мактабгача таълим муассасасида ўқитишнинг барча вазифалари ақли заиф болаларнинг психик ривожланиш хусусиятлари ҳақидаги илмий маълумотларга асосланиб, бу ривожланишни таъминлаш бўйича йўналтирилган иш учун шароит яратиш ҳисобига ҳал этилади.

Болаларнинг барча фаолият турларида ривожлантирувчи характердаги омиллар мавжуд.

Барча фаолият мазмуни, моҳияти болаларнинг дунёқарашларини бойитиб боришга хизмат қилади. Шу асосда болаларнинг билиш жараёнлари ўсиб, ривожланиб боради ва шунга имконият юзага келади. Ҳар қандай фаолият, агар у педагогик нуқтаи назардан тўғри ташкил қилинса, шахснинг ақлий ва иродавий сифатларининг ривожланишига ижобий таъсир этади. Инсон ўз фаолиятини режалаштиради, ўз олдига мақсад қўяди, охирги натижа устида бош қотиради, материаллар танлайди. Бу жараёнларда инсон фақатгина ҳаракат қилиб қолмасдан, мумкин қадар мукаммал усулларни қидиради, ижодий ёндашади.

Фаолият натижаси баҳо билан боғланади ҳамда намуна билан таққосланилади, таҳлил қилинади. Фаолиятни ташкил этиш қанчалик юқори даражада бўлса, бу фаолият шахс камолотига шунчалик катта таъсир этади. Барча фаолият турларида интилиш, мотивлар катта рол ўйнайди. Шу мотив асосида бола ўз фаолиятига турлича муносабатда бўлади. Мотивлар болада фаолиятга нисбатан қизиқиш ёки бефарқликни юзага келтиради. Шу асосда бола ривожига ҳам турлича таъсир этади.

Болалардаги фаолиятга бўлган мотивлар турли-тумандир. Бола фаолиятини бир неча мотивлар асосида ташкил этиши мумкин. Қизиқиш, жавобгарлик, жамоадаги ҳаёт, ижтимоий мотивлар шулар жумласига киради. Фаолиятдаги мотивлар унга маълум йўналиш беради. Бу нарса шахснинг ривожини учун катта аҳамиятга эга. Фаолият усуллари, йўллари эгаллаш ва уларни ривожлантириш ҳам шахснинг ривожига ижобий таъсир этади.

Болалар турли кўникма, малакаларни эгаллаш билан бирга ўз фаолиятларини такомиллаштириб борадилар. Кўникма, малака, одатларни такомиллаштириш иродавий сифатларнинг ҳам ривожланишига ёрдам беради. Хуллас, фаолиятда яхши натижаларга эришиш учун шахс турли ҳиссий ҳолатларга тушади. Бу эса, ўз навбатида, шахсий сифатларнинг ўсишига олиб келади.

Боланинг ривожланиб бориши жараёнида фаолият ҳам ўзгариб боради. Агар болалардаги фаолият дастлаб таҳлил асосида амалга ошган бўлса, борган сари мустақил характер касб этиб боради. Шахснинг ривожланиши давомида, тажрибаларнинг ортиши асосида фаолият ўзига хос характер касб этадики, бунда шахс мустақил, оригинал йўллари қидириб топа бошлайди. Бундай фаолиятда фақатгина шахснинг умумий хусусиятлари очилмасдан, балки хусусий, индивидуал томонларининг очилиши, намоён бўлиши учун кенг имкониятлар яратилади.

Барча ёшда фақатгина маълум фаолият ривожланиб қолмасдан, балки фаолият турлари ҳам ўзгариб боради. Масалан, боғча болаларида ўйин фаолияти, болаларда ўқиш фаолияти, ўсмир ва ёшларда меҳнат фаолияти. Хатто, фаолиятнинг ҳаракатлари, унинг мазмуни, йўллари, мотивлар ҳам ўзгариб борар экан.

Инсон фаолияти - унинг ривожланишининг асосидир. Фаолиятсиз ривожланиш бўлмайди. Бу қонуният ёш авлод учун жуда зарурдир.

Болалар ривожига асосий фаолият тури - бу мактаблардаги изчил, режали ташкил этиладиган ўқишдир. Билим эгаллаш ёки боланинг билиш фаолияти ўзининг етакчи фаолият эканлиги билан бошқа ҳар қандай фаолият

турларидан ажралиб туради. Бу ишлар режа асосида, мақсадга мувофиқ, дефектолог - дефектолог раҳбарлигида амалга оширилганлиги сабабли, шахснинг ривожига беқиёс катта аҳамиятга эга. Таълим жараёни синфдан синфга ўтган сари болалар дунёқарашлари у ёки бу муайян билимлар доираси билан қуроллантириб борилади. Шулар асосида болалар билим доиралари кенгайиб, чуқурлашиб боради. Ҳиссиёт ва сезгирлик ҳам такомиллашиб боради. Таълим мазмунининг борган сари мураккаблашиб бориши болани юқори поғонага олиб чиқади. Барча таълим йилларида болалар жуда катта ривожланиш йўлини босиб ўтадилар.

Синфдан синфга ўтган сари болалар ижодий фаолиятга лаёқатли бўлиб борадилар. Болаларнинг болалик, ўсмирлик даврларидаги меҳнат фаолияти уларнинг ривожланишида етакчи омиллардан биридир.

Мактабгача таълим даврида болаларни тарбиялаш ва камол топтириб бориш жараёнлари ўртасидаги ўзаро боғланиш, аynиқса, яққол намоён бўлади. Таълим билан тарбия мактабгача таълим муассасаси болаларининг руҳий камол топиб бориши учун белгилаб берувчи аҳамиятга эгадир. Камол топиб боришидаги олға ҳаракат эса ўз навбатида таълим жараёнига ижобий таъсир кўрсатади.

Таълим жараёнида дефектолог шуни эътиборга олиши муҳимки, болалар ўзларига таклиф қилинган баъзи вазифаларни тамомила мустақил равишда бажара оладилар, бунда улар руҳий камол топиб боришнинг шу пайтгача эришилган даражасига, амалий тажриба, билим, малака ва кўникмаларга таянадилар. Шу билан бирга бирор мураккаброқ топшириқни мустақил равишда эплай олмаган бола уни дефектолог ёрдамида (унинг қўшимча тушунтиришлар кўрсатиши, ёрдамчи саволлар бериши ва ҳоказо йўл билан) бажара олади. Бу ҳол мактабгача таълим муассасаларболаси имкониятининг гўёки иккиламчи даражаси бўлиб, у психологияда «енг яқин камол топиш зонаси» деб аталади. Шу сабабли таълим жараёни актуал камол топиш даражасигагина, яъни шу пайтгача таркиб топган руҳий функцияларигагина таяниб қолмай, балки унинг потенциал имкониятларига, таркиб топаётган

функцияларига, яъни энг яқин камол топиш зонасининг актуал камол топиб ўтишига ёрдам бериши лозим. Бу ҳолда бола бугун ёрдам олган тақдирдагина бажара оладиган вазифани эртага мустақил бажара оладиган бўлиши зарур. Таълим билан камол топиш ўртасидаги ички боғланиш ҳам худди ана шундадир. Бинобарин, таълим билан камол топиб бориш ўртасидаги алоқа ғоят хилма - хил бўлса ҳам боланинг камол топиб боришининг энг яқин зонасига таянувчи таълимгина чинакам самарали бўлиши мумкин.

Камол топиб боришнинг икки даражаси ҳақидаги, таълим билан камол топиб боришнинг боғланиши тўғрисидаги ҳамда тўғри йўлга қўйилган таълимнинг камол топиб боришдан олдинда бориши ва унинг тугалланган босқичларигагина таяниб қолмай, балки таркиб топаётган руҳий функцияларга ҳам таяниши кераклиги ҳақидаги ана шу асосий назарий қоидалар Мактабгача таълим муассасалар таълими ва амалиёти учун ғоят катта аҳамиятга эгадир.

Таълим - махсус ташкил этилган билиш фаолияти бўлиб, кишилиқ жамиятининг турли соҳадаги тажрибаларини эгаллашга хизмат қилади. Буларга илм - фан, техника, ғоя, ахлоқ, маданият, санъат киради.

Махсус мактаблардаги таълим ҳам ёш авлодга шулар ҳақида қисқа, оддий тасаввурлар беришдан иборат бўлибгина қолмай, балки шу билимлар орқали мавҳум тафаккур жараёнларини тузатишдан иборат. Тафаккур жараёнларига таҳлил, синтез, умумлаштириш, индуксия - дедуксия, таққослаш, хулосалаш ва бошқа фикрий жараёнлар киради. Ақли заиф болаларда баъзан турли анализаторлар ҳам у ёки бу даражада бузилган бўлади. Бизларга маълумки, ҳар қандай билиш жонли мушоҳададан бошланади. Жонли мушоҳада деганда дастлабки маълумотларни эшитишимиз, кўришимиз, тен сезгиларимиз, ҳид билиш, таъм билиш органларининг иштирокида қабул қилишимиз тушунилади. Қабул қилинган маълумот бош мияда қайта ишланиб, ундан амалиётга, амалга йўлланади. Ақли заиф болалар учун энг катта нуқсон ҳисобланган тафаккур жараёнларининг бузилганлиги сабабли, тўғрилаш, юмшатиш, тузатиш ишлари шунга қаратилади.

Ақли заиф болаларнинг тафаккури

Тафаккур – атрофдаги борлиқни акс этишига имкон берадиган инсон билиш фаолиятини олий шакли, предмет ва ҳодисалар ўртасидаги алоқа ва муносабатни ўрнатади.

Тафаккурнинг асосий вазифалари:

- Умумий ўзаро алоқаларни ўрнатиш;
- Муайян ҳодисаларни тури сифатида аниқ ҳодисалар моҳиятини тушунтириш;
- Бир хил гуруҳ ҳодисалари хоссаларини умумлаштириши.

Тафаккур операциялари:

- таҳлил қилиш (ҳаёлий предмет, ҳодиса, ҳолатларни қисмларга ажратиш ва таркибий белги, қисмларини аниқлаш);
- синтез (турли хил белгилар ўртасидаги алоқани таққослаш, қиёслаш);
- мавхумлаштириш (предметнинг асосий хоссаларини иккиламчи белгилардан ажратиш);
- таққослаш (маълум объектларни таққослаш ва улардаги умумий ёки фаркли белгиларни ажратиш);
- умумлаштириш (икки ёки бир канча предмет-ҳодисаларни умумий белгиларига кўра гуруҳларга умумлаштириш).

Кўргазма – образли тафаккур

Бола англаш фаолиятини шакллантириш ва ривожлантиришида тафаккур муҳим рўл ўйнайди. Бола ривожланишининг маълум бир босқичида унга маълум турдаги фаолият хос бўлади.

Илк ёшда тафаккур шаклланишида асосий ўринни мулоқот, предметли фаолият эгаллайди. (Л.С.Виготский, А.В.Зопорожетс, А.Н.Монстев,

Д.Б.Елкони́н) ҳозирги вақтда машҳур психологларнинг таъкидлашича, болаларда мактабгачагача ёшда кўргазмали-ҳаракат, кўргазмали-образли ва сўз-мантиқ тафаккури ривожланади. Бу тафаккур шакллари онтогенез жараёнида бир-бири билан алмашинади, аммо биринчи кўргазмали-образли тафаккур ҳисобланади. У бола ривожланиши жараёнида, улар томонидан ижтимоий малакаларни эгаллаш орқали шаклланади. Бола тафаккурни ривожланишида катталар асосий ўринни эгаллайди, улар тафаккурни ўқитиш ва тарбиялаш орқали ривожлантириши керак. Болаларда илк ёшда кўргазмали-образли тафаккурни ўрганиш билан Л.С.Новоселова шуғулланган. У бола тафаккурининг ривожланиши бутунлай уни предметли фаолияти шаклланиши жараёни билан боғлиқ деб кўрсатган. Болада предметлиликнинг пайдо бўлиши улар томонидан инсоний фаолият усуллари ва амалга ошириш мотивларини эгаллаш йўли орқали амалга ошади.

Ақли заиф болада акс эттирувчи фаолиятнинг фарқли хусусияти унда билиш фаолиятларининг бузилмаганлиги ҳисобланади. Бу энг аввало умумий ва воситали билимнинг бузилишидир.

Мақсадга қаратилган фаолият сифатида тафаккур ҳар доим маълум муаммонинг ечими сифатида юзага чиқади.

Ақлий масалаларини ечиш жараёни бир нечта босқичларга эга: масала шартини тушуниш, савол қўйиш, ечим эҳтимоли фаразини яратиш, ечимни топиш ва унинг тўғрилигини текшириш. Барча фикрлаш жараёнлари ўзида шахснинг қобилиятлари, билим ва малакаларини очиб берувчи ихтиёрий, мақсадга қаратилган фаолиятларини амалга оширади.

Кўргазмали-образли тафаккур учун образлар билан ақлий фаолият натижалари, тасаввури орқали ақлий масалаларни ечиш характери ҳисобланади.

Хақиқий ҳаётдаги предметлар образини таҳлил қилиш, ички нутқ ёрдамида амалга оширилади. Меёрида ривожланаётган болаларда кўргазмали-образли тафаккур асосан мактабгачагача ёшда ривожланади. Ақли заиф болаларда тасаввур этилаётган ва идрок этилаётган предметларни анализ ва синтез қилишни ривожланганлиги кузатилади. Уларнинг диққатини предметларни мавжуд бўлмаган хусусиятлари, ёрқин кўзга ташланадиган белгилари тортади.

Ақли болаларида алоҳида предметлар ва предметли ҳолатларни сўз билан тавсифлашда қийинчиликлар кузатилади. Бу тоифа болалар ўзларига таниш предметларни қарама-қарши қўйиб, уларни таққослашда уларнинг умумий хусусиятларидан асосийсини аниқлаш имкониятига эга эмас. Уларда тасаввурга кўра таққослаш вазифасини тушунмаслик кузатилади. Болалар сўзни эркин равишда қўллай олмайди. Т.А.Пратско Ақли заиф болаларда топишмоқ материали асосида сўзли-образли масаларни ечиш хусусиятларини ўрганган. Унинг аниқлашича топишмоқни тушунишнинг бошланғич босқичида болалар унинг жавобан ифодасини топган сўзларни ажратади. Нутқнинг тасвирий воситаси улар учун тушунарсизлигича қолади. Аммо Ақли заиф болаларнинг ақлий фаолиятини кўргазмали воситалар ёрдамида фаоллаштириш мумкин. Мактабгача шароитида ўқитиш жараёнида кўргазмали-образли тафаккур ривожланади.

Кўргазма – ҳаракатли тафаккур.

Кўргазма – ҳаракатли тафаккур инсоннинг янги шароит ва амалий муаммоли топшириқни ечишнинг янги усули билан тўқнашганда пайдо бўлади. Бундай турдаги топшириқларга бола бутун болалик даврида – маиший ва ўйин фаолиятларида дуч келади. Кўргазма – ҳаракатли тафаккурнинг муҳим хусусияти шуки, ҳолатни ўзгартириш усули бўлиб амалий ҳаракат хизмат қилади ва у синаб кўриш йўли билан амалга оширилади.

Ақли заиф болаларда кўргазма – ҳаракатли тафаккурнинг ривожланиши орқада қолади. Ақли заиф болалар предметлар билан ҳаракат қилишларининг ҳар кунги тажрибаларини мустақил умумлаштира олмайдилар. Шунинг учун Ақли заиф болаларда умумқабул қилинган қуроллардан фойдаланишни талаб этадиган англаш босқичи ривожланмаган бўлади. Амалий ҳаракатлар ва уларни сўз белгилари ўртасидаги алоқа етарлича бўлмайди. Нутқ ташкил этувчи ва бошқарувчилик вазифасини бажаради. Ақли заиф болаларда кўргазма – ҳаракатли тафаккурини шакллантириш асосига муаммоли амалий вазифа ва вазиятларда мустақил мўлжал олишни ривожлантириш киритилиши лозим.

Ақли заиф болаларда амалий вазифаларни бажаришда қийинчилик юзага келади. Масалан, Ақли заиф болаларга кесма расмларни бирлаштириш ва Сеген доскасини тўлдириш қийинчилик туғдиради. Уларнинг предметлар билан ҳаракатлари импульсив характерга эга, бу ҳаракатлар фикрлаш вазифасига боғлиқ бўлади.

Мантикий тафаккур

Фикрлаш қобилияти Ақли заиф болаларда ўзига хос тарзда амалга ошади. Ақлий фаолият жараёни ўзаро боғлиқ ақлий операциялар билан амалга оширилади. Предмет ва ҳодисаларни таҳлил қилиш жараёнида Ақли заиф болалар соғлом тенгдошларига қараганда кам, маълум қисмларни аниқлайди. Синтез қилиш жараёнида умумлаштириш жараёнининг пастлиги кузатилади. Обектларни ўхшаш ва фарқли белгиларини аниқлашда ёрдам берадиган таққослаш операциялари ҳам мактабгачагача ёшдаги болаларда ўзига хос тарзда кечади. Кўпинча йўқ белгилари таққосланади.

Мавҳумлаштириш – Ақли заиф болалар учун анча қийин операция хисобланади. Мавҳум тафаккурнинг бузилиши ақли заифликнинг асосий белгисини ташкил этади. Ақли заиф болалар томонидан умумлаштириш ситуатив характерда бўлади. Тафаккур билишнинг бош қуроли

ҳисобланади. У анализ, синтез, умумлаштириш, мавҳумлаштириш, аниқлаштириш каби операциялар шаклида кечади. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, бу барча операциялар ақли заифларда етарлича шаклланган ва ўзига хос томонларга эга. В.Г.Петрова, Б.И.Тинский, И.М.Соловева, Н.М.Стадненко, Ж.И.Шиф маълумотларига кўра Ақли заиф болалар предметларни тушунади, таҳлил қилади, қатор зарур хусусиятларни қолдириб, фақатгина яққол аниқ қисмларинигина ҳисобга олади. Бундай таҳлил натижасида улар предметларнинг қисмлари билан алоқасини ўргатишда қийналишади. Одатда улар фақат предметларнинг кўрув хусусиятларига таянган ҳолда рангини аниқлашади. Предметларни таҳлил қилишда уларни индивидуал белгиларини эмас, умумий белгиларини аниқлайди. Анализнинг такомиллашганлиги учун предметларни синтез қилиш қийинлашади. Предметларнинг алоҳида қисмларини ажрата туриб, улар орасидаги алоқани ўрната олмайди, шунинг учун предметлар ҳақида бутун тасаввурга эга бўлишда қийналади. Ақли заиф болаларда таққослаш операциясида тафаккурнинг сифатлари ёрқин намоён бўлади, унда махсус қўйилган анализ ва синтез ўтказилади. Улар предметлар ва ҳодисалардаги асосий нарсани ажрата олмай, мавжуд бўлмаган белгилар таққосланади, кўпинча мос келмайдиган белгилар таққосланади. Ақли заиф болалар ўхшаш ва фарқли предметларнинг фарқини аниқлашда қийналадилар. Айниқса улар учун ўхшашликни аниқлаш қийин. Ручка ва қаламни таққослаб, улар: “улар узунлигига кўра ўхшаш, яна уларнинг териси бир хил” деб жавоб беришади. Ақли заиф болалар тафаккурининг фарқли томони танқидий қарашнинг йўқлиги, ўз ишларини мустақил баҳолай олмаслигидадир. Улар кўпинча ўз хатоларини белгилашмайди, бу айниқса рухий касалланган болаларда бош миyanинг пешона қисми жароҳатланган болаларда ва оғир даражадаги ақли заиф болаларда ёрқин намоён бўлади. Кўрув идроки асосида идрок этилган фикрлаш натижасидаги тасвир камбағаллиги, боғлиқ эмаслиги, оддийлиги билан ажралиб туради. Бола

объектга қараб, унинг номини билса ҳам, қисмларини тўлиқ айтолмайди. Одатда, шаклларнинг умумий контурлари қисмларини тартибсиз баён этади.

Болалар объектлар ўртасидаги фаркни солиштириб бўлмайдиган хусусиятлар билан қиёслайдилар. Масалан, бу пиёла катта, бунисида эса кўк гул расми бор. Улар ҳар хил. Биринчи предметнинг катталигини, иккинчи предметнинг гулини таққосланган.

Айрим ҳолларда болалар вазифани осон енгил вазифалар билан алмаштиради ёки объектни солиштириш ўрнига улардан бирини анализ қила бошлайдилар. Ёки солиштиришни бошлаб, ўз ҳаракатларини назорат этолмайди. Бола ўзи учун қийин бўлган вазифада тўхтолмайди ва ўз ақлий фаолиятини енгиллаштириб бошқа вазифага ўтади.

Ақли заиф болалар тафаккурини таҳлил қилиб, бу жараённинг стереотиплиги, қийин ҳаракатлиги ва умуман тўлиқ эгилувчан эмаслигини таъкидлаш жоиз. Шунинг учун мавжуд билим ва малакаларни янги шароитда қўллаш Ақли заиф болаларида қийинчилик туғдиради ва вазиятини хато бажаришга олиб келади.

Ақли заиф болалар тафаккурини ўрганиш ва тўғри ташхис қўйиш учун “Кесма расмлар” методикаси, “Тўртинчиси ортиқча” методикаси, “Класификатсиялар” ва “Етишмайдиган қисмларни аниқлаш” методикаларини тавсия этиш мумкин.

Ақли заиф болалар хотираси

Хотира – бу индивид тажрибасининг эслаб қолинишини сақланиши ва келгусида қайта тикланиши. Хотирага, шунингдек, унутиш ҳам киради. Бу жараёнлар фаолиятда шаклланади.

Материални эслаб қолиш, ҳаёт фаолияти жараёнида индивидуал тажрибанинг тўпланиши билан боғлиқ. Эслаб қолинганни келгусида қўллаш учун қайта тиклаши зарурдир. Фаолиятдан маълум бир материални тушиб қолиши уни унутишга олиб келади.

Ақли заиф болалар хотираси соғлом болалар хотирасидан бир мунча фарқ қилинади. Савол туғилади Ақли заиф болалар хотираси ривожланадими? Ха, Ақли заиф болалар хотираси ҳам ривожланади, қачонки коррекцион ишлари эрта бошланса ва тўғри йўлга қўйилса. Маълумки хотиранинг ривожланишига бир қанча анализаторлар ўз таъсирини ўтказади (кўриш, эшитиш, таъм билиш, сезиш). Ушбу анализаторларга таянган ҳолда иш ташкил этилиши Ақли заиф болаларнинг хотирасини ривожлантиради.

Ақли заиф болалар хотира хусусиятларини бир қанча олимлар Г.Й.Трошин, Л.В.Занков, Б.И.Пинский, Г.М.Дулнев ва бошқалар илмий-тадқиқот сифатида ўрганганлар. Тадқиқотларда кўрсатилишича, Ақли заиф болаларнинг даражаларига қараб, хотира хусусиятларини ривожлантириш мумкин.

Психологиядан маълумки, инсон хотирасини ривожлантириш учун аввалмбор унинг барча билиш жараёнлари устида иш олиб бориш лозим.

Мактабгачагача ёшдаги ақли заиф болалар хотирасини бир мунча ривожлантириш учун майда қўл моторикалардан фойдаланиш самарали натижа беради. Майда қўл моторикаларнинг ривожланиши бу уларнинг нутқий нуқсонларини ва билиш жараёнларини ривожлантиради. Фронтал ва индивидуал машғулотларда билиш жараёнлари ривожлантирилади. Бу машғулотларда болаларни ҳар томондан ривожлантиришга эътибор берилади. Болаларда ихтиёрий хотирадан то ихтиёрсиз хотирага ўтиш учун бир қанча вазифалар амалга оширилади. Булар: пластилиндан бирор предметни яшаш, яшаш вақтида пластилиндан тўғри фойдаланиш, яни гигиенага риоя этиш, пластилин рангини тўғри танлаш, ранглар уйғунлигига эътибор қилиш малакаларини шакллантириш ҳам хотиранинг ривожланишига ижобий таъсир этади.

Индивидуал машғулотларда болаларнинг нафақат нутқ нуқсони устида балки хотира турлари устида ҳам иш ташкил этилади. Чунки боланинг нутқий

нуқсонини бартараф этиш вақтида бола берилаётган вазифани ёдда сақлаши лозим, бунда асосан узоқ муддатли хотирага эътибор берилади. Логопед ишни ташкил этиш вақтида боланинг индивидуал хусусиятларига алоҳида эътибор бериб, машғулоти ташкил қилади. Демак, машғулоти боланинг билиш хусусиятларига ва нутқини ривожлантиришга қаратилган бўлади. Ақли заиф болаларда барча ишлар самараси асосан такрорлашга боғлиқ. Вазифаларни бир неча марта такрорлаш вақтида ўтилган топшириқлар боланинг хотирасида олиб қоллинишига кўмак беради.

Ақли заиф болалар билан ишлаш натижаси шуни кўрсатдики, уларнинг хотираси ҳажм жиҳатдан ривожланиши орқада қолган бўлади. Хотиранинг асосий хусусиятларидан бири бу унинг ҳажмидир. Ақли заиф болалар хотира ҳажми қисқа бўлади. Болаларга билим бериш вақтида улар маълумоти жуда оз миқдорда эса олиб қоладилар. Шунинг учун улар эгаллаши лозим бўлган материални кам ўзлаштирадилар. Хотира ҳажми қанча ривожланса, бу уларнинг билим олиш малакаларини ривожлантиради.

Хотира ҳажмини ривожлантириш учун боланинг индивидуал хусусиятлари инобатга олинади. Агар ақли заиф болада билиш жараёнларининг пасайиши билан биргаликда унда нутқий нуқсоннинг бир қанча қўпол бузилишлари, шу билан биргаликда тутқаноқлик ёки бўлмаса эшитиш гидрокининг пасайиши биргаликда келса, бу бола билан ишлаш жараёнида барча нуқсонлари инобатга олинади. Яни бундай боланинг хотирасини ривожлантириш учун унинг билиш жараёнига ва эшитиш хусусиятига таянган ҳолда ишлар ташкил этилади. Бугунги кунда инклюзив таълимнинг жорий этилиши маълум бир нуқсонга эга бўлган болаларнинг таълим олишига катта ёрдам беради. Асосан кўришида нуқсони бўлган, эшитишида нуқсони бўлган болалар соғлом болалар билан таълим олиш ҳуқуқига эга бўладилар. Ақли заиф болалар ҳам бундан мустасно эмас.

Узоқ вақт давомида Ақли заиф болалар хотираси механик равишда ривожланган деб юритиларди. Ҳозирги кунда олиб борилган тадқиқотлар шуни

кўрсатдики, Ақли заиф болалар хотираси механик равишда ривожланмаган, чунки механик хотира ривожланиши учун ҳам анализ – синтез малакалари яхши шаклланган бўлиши керак. Ақли заиф болаларда эса анализ – синтез малакалари ривожланиши бир қанча орқада қолган бўлади.

Дефектологнинг асосий мақсади эса ақли заиф болаларнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиб, коррекцион ишларни ташкил этишдан иборат.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш лозимки, ақли заиф болалар хотираси ҳам ривожланади фақатгина ақли заиф болаларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш лозим. Ақли заиф болалар хотирасини текшириш учун “10 та сўзни ёд олиш” методикаси, “Л.В.Занков” методикаси, “Воқеалар кетма-кетлигини аниқлаш” методикалари тавсия этилади.

Ақли заиф болаларнинг диққати

Диққат – онгнинг маълум манбани тўлароқ акс эттириши учун ўша манбага қаратилишидир. Ўша манбаларга диққатни қарата билиш эса, шахснинг фаоллигини билдиради. Диққат ҳаётда руҳий фаолиятнинг бир томони бўлиб кўзга ташланади. Шу билан бирга муваффақиятли билим, кўникма, малака эгаллашнинг асоси ҳисобланади. Ихтиёрий диққат руҳий ҳаётнинг хусусияти сифатида, меҳнат фаолиятида юзага келган. Диққатнинг физиологик механизмлари жуда ҳам мураккабдир. Мутахассисларнинг таъкидлашларича, диққатнинг механизми рефлектор фаолият билан боғлиқ. Диққатнинг намоён бўлишини, юз беришини кишининг ҳолатидан, юз мимикасидан ҳам билса бўлади. К.Д. Ушинский диққатни инсон қалбининг эшиги деб бежиз таърифламаган бўлса керак. Инсоннинг фаоллик даражасига кўра диққатнинг 3 турини ажратиш мумкин:

1. Ихтиёрсиз диққат.
2. Ихтиёрий диққат.
3. Ихтиёрийдан сўнги диққат.

Кўпинча тадқиқотчиларнинг таъкидлашларича мўлжал олиш фаолияти ҳамда янги тасаввурларга эҳтиёж ҳаммадан кўра бош мия пўстлоғи тўлақонли бўлмаган гўдакларда заифлашган бўлади. (С.С.Корсанов, Г.ЙЕ.Сухарева) Г.ЙЕ.Сухарева таъкидлашича “Олигофрен бўлган болаларда соғлом бола учун характерли бўлган атроф-муҳитни ўрганишга шиддат билан интилиш мавжуд бўлмайди”.

Ақли заиф болалар диққатининг ўзига хослиги анчагина факторларга боғлиқдир. Олий нерв фаолиятининг хусусиятлари ақли заифликнинг ўзак белгилари (нerv жараёнларининг кам ҳаракатлилиги, доминантанинг заифлиги, мўлжал олишнинг бузилиши) унинг бутун шахсий ривожланишининг боришида чуқур из қолдиради, диққатнинг таҳлилига олиб келади. Бу эса ўз навбатида психик фаолиятнинг мазмунига кираркан, унинг жараёнига ҳамда натижасига салбий таъсир кўрсатади. Хусусан бу боланинг анализ ва синтез жараёнларининг нисбатан юқорироқ даражасини талаб этувчи вазифаларни бажараётганида аён бўлади.

Диққатнинг камчиликлари нутқда ўз асоратини қолдиради. Бундай болалар ўзларининг ва ўртоқларининг нутқига эътибор беришмайди. Бу эса ҳаракатларнинг парокандалигига сабаб бўлади. Диққат камчиликлари хусусан нотаниш материални ўтишда, қийинчиликларга дуч келганда намоён бўлади. Ақли заиф болалар қийинчиликларни енгиб эмас, уни четлаб ўтишга уринади. Ақли заиф болаларнинг интилишлари мушоҳада ва муҳокамалари билан асосланмаган бўлади.

Ақли заиф болаларда ирода жараёнларининг етарли ривожланмаганлиги ҳамда хисларини интеллектуал бошқаришнинг заифлиги туфайли ёрқин ва кучли қўзғатувчилардан фойдаланиб ихтиёрий диққатни тез ва осонгина келтириб чиқариш мумкин. Лекин улар диққатини тутиб туриши жуда мушкул бўлади.

Уйғониш жараёнларининг бузилиши ҳамда ички тормозланиш Ақли заиф боланинг иш қобилияти бузилишига олиб келади. Асаб тизимининг кам

ҳаракатлилиги, улардан бирининг қотиб қолиши ақли заиф болаларга ўз диққатини бир объектдан бошқасига кўчиришни қийинлаштиради. Шунингдек, бу фаолиятнинг бошқа турига қийинчилик билан кўчишга олиб келади.

Соғлом ривожланаётган қуйи синф болалари билан Ақли заиф болалар орачидаги кескин фарқ диққатни тақсимлашда намоён бўлади.

Таълим олиш жараёни диққат эътиборни бир жойга тўплашни талаб қилади. Лекин ақли заиф болаларда асосий ғоя заифдир. Тез йўқолувчи бир ғоянинг ўрнига иккинчиси юзага келади. Бу диққатнинг патологиясига, фаол диққатнинг бузилишига, диққатнинг ноихтиёрий тебранишида ўз ифодасини топган ортикча чалғувчанликка олиб келади. Бундай парокандаликда бола ўз фаолиятини кўзига нима кўринса шунга сарфлаб ҳеч бир ишини охирига етказа олмайди, ўз диққатини ўрганиш объектига жамлай олмайди.

Диққатнинг чалғувчанлиги унинг паришонхотирлигида ўз ифодасини топади. Бу эса диққатнинг барқарорлигига батамом зиддир. Толиқиш, асабларнинг бўшлиги, асаб тизимининг холдан тойиши натижасида ташқи қузғатувчиларни кучайтирувчи чалғувчанлик содир бўлади.

Чалғувчанликнинг олдини олиш учун маълум бир вақтда фаолият турини ўзгартириб турган маъқул. Агар бундай қилинмаса болалар тормозланиш ҳолатига тушиб қолишиб, меҳнатдан чиқиб кетишади.

Ақли заиф болаларнинг иродага боғлиқ ишларни ҳар доим деярли қониқарсиз бажарадилар. Бу ўринда машҳур француз педагоги Э.Сегеннинг ушбу мисралари эътиборга лойиқ : “Чуқур ақли заиф бола ҳеч нарса қила олмайди, ҳеч нарса билмайди, энг кераклиги эса - у ҳеч нарсани хоҳламайди”. Демак, ақли заиф болалардаги асосий нуқсон хоҳиш, истакнинг етишмаслигидир.

Шу нарса маълумки ақли заиф болалар дарс жараёнларида тез чарчайдилар. Бу болаларнинг диққатлари узоқ муддат бирор нуқтага, таълимга қаратилмайди. Шунинг оқибатида бу болалар тез-тез дарсдан чалғиб турадилар.

Ақли заиф болаларнинг дарс вақтларида чалғиб туришлари, уларнинг ўз хоҳиш-истаклари билан эмас, балки бош мияларида юз берган касалликнинг натижасидир. Шу сабабли ёрдамчи мактабгачаларнинг ходимлари бундай ҳолатларга тўғри муносабатда бўлишлари керак.

Таълим жараёнларида ихтиёрий диққатнинг вақти-вақти билан ихтиёрсиз диққатга ўтиб туриши яхши самара беради, яъни боланинг ихтиёрий диққатлари муддати чўзилиб боради.

Диққат хусусиятлари

Диққат хусусиятларига унинг ҳажми, тақсимланиши, йиғилиши, турғунлиги, ўтиши киради.

Диққатнинг кучли ва барқарор бўлиши бир қанча сабабларга боғлиқ. Одам ўзининг диққатини узоқ муддат қизиқ ёки мазмунли бўлмаган нарсага қарата олмайди. Агар диққатимиз қаратилган нарса қизиқарли ва янги мазмундор бўлса, шу нарсага диққатни анча вақт қаратиб туриш мумкин. Шу сабабли ёрдамчи мактабгачаларда таълимни қизиқарли ташкил этиш борасида кўп гапирилади. Айрим болаларнинг диққат ҳажми кенг бўлса, айрим болаларнинг диққат ҳажми тор бўлади. Болаларнинг диққати айтиб бир вақтда фақат битта нарсагагина эмас, балки иккита ёки учта нарсага ҳам бирданига қаратилиши мумкин. Демак, диққатнинг бўлиниши деганда биз айтиб бир вақтда диққатимизнинг икки ёки уч нарсага қаратилишини тушунамиз. Диққатнинг ана шундай хусусиятини диққатнинг кўчувчанлиги деб юритамиз. Диққатнинг юқорида айтиб ўтилган хусусиятлари туфайли одам атрофдаги муҳитга, ундаги турли-туман ўзгаришларга тез мослаша олади.

Диққатнинг бу асосий хусусиятлари болага туғма равишда, ирсий йўл билан берилмайди. Бу каби хусусиятлар ёшлиқдан бошлаб турли фаолиятлар – ўйин, ўқиш, меҳнат жараёнларида таркиб топиб боради. Ана шуни назарда тутиб махсус мактабгачаларнинг барча тарбиячилари турли-туман дарс ва ўйин

жараёнларида болалар диққатини ҳар томонлама ҳамда изчил равишда шакллантириб боришлари керак.

Л.С.Виготскийнинг кўрсатишича ақли заиф болаларда диққатнинг олий шаклларининг бузилиши биологик ва маданий ривожланиши орасидаги боғлиқликнинг бузилишидир.

Ақли заиф болалар билан коррекцион ишларни муваффақиятли амалга ошириш учун бола диққатининг физиологик механизмларини билиш талаб этилади.

Ақли заиф болалардаги ихтиёрий диққат ихтиёрсиз диққатдан пастдир. Бунинг сабаби, ички тормозланишнинг заифлиги ва ташқи тормозланишнинг яққол кўзга ташланишидир. Қийин бошқариладиган ташқи тормозланиш Ақли заиф болаларда диққатнинг турғунсизлигига олиб келади. Ақли заиф болаларда диққатнинг тақсимланиши, ўтишининг қийинлиги тормозланиш ва кўзғалиш жараёнларининг мўртлиги асосида юз беради. Ақли заиф болалар диққатини тарбиялаб боришда уларнинг олий асаб фаолиятининг типларини эътиборга олиш даркор. Ақли заиф болалар диққатини шакллантириб бориш шахсни шакллантириб бориш билан узвий боғлиқ. Ақли заиф болалар диққатини қатор психологик методикалар билан ўрганиш мумкин. Айниқса, “Шулте жадвали” методикаси, “Корректур синов” методикаси ва “Белгиларни қўйиб чиқ” методикалар яхши натижа беради.

Рухий ривожланишида сустлашган болалар билиш жараёнларини ўзига хослиги

М.С.Певзнер рухий ривожланиши сустлашнинг келиб чиқишида бош мия пешона қисмининг ўз вақтида “пишиб” етилмаганлигидан деб билади. Бу

фигрни И.Ф.Марковская ҳам ўз изланишларида тасдиқлайди. Бу болалар ақлий, ҳиссий жиҳатдан орқада қолиш билан бирга жисмоний жиҳатдан ҳам орқада қолиши кузатилади. Бу эса скелет, мускуллар ривожланишида, боланинг вазнида, бўйида ўз аксини топади. Улар кўпинча ошқазон, ичак ва нафас олиш аъзолари касалликларига мойил бўладилар. Бу болалар эрта ёшлигидан нормал болаларга нисбатан кечроқ ривожлана бошлайдилар.

Чақалоқликнинг илк даврида бошини тута билиши, тик туриши, юриши, илк сўзлари, нутқнинг шаклланиши кечикади. Турли шамоллаш ва юқумли касалликларга мойил бўладилар. Жумладан, РРС болаларнинг 60%ида ошқазон ичак касалликлари, 50 % ида юрак қон-томир касалликлари, 61 % ида сурункали инфекциялар, 33 % ида гижжа касалликлари аниқланган.

РРС да эса интеллектуал жараёнлар олигофренлардагедек чучқур зарарланмасдан, бирмунча юзаки зарараланган бўлиб, тикланиш характериға эға.

РРС да руҳий ривожланиш тезлиги, сурати секинлашган бўлади. Юқоридагилар билан бирга, РРСда интеллектуал томонларга нисбатан, кўпроқ, хиссийёт бузилишлари етакчи ўринда туради. Бу бузилишлар руҳий ёки жисмоний инфантилизм кўринишларида намоён бўлади. Инфантилизм-том маънодаги “болалиқдир”. Боланинг умумий қилиқлари, қизиқишлари ўз ёшига мос бўлмай, балки бир мунча ёш болаларни эслатса, биз бундай болаларга нисбатан, “психо-физик инфантилизм” иборасини қўллаймиз. Масалан, бола 7 ёшга кириб, мактабга бориш муддати келган бўлсада, бола ўзини 5 ёшли боладек тутади. Унда жонли, ўзидан ёш болалардагидек қизиқишлар бўлади. Агар бола яна бирор йил тараққий этса, ўз тенгдошларига ўхшаб кетиши мумкин.

Болаларда ҳам руҳий, ҳам жисмоний ривожланиш биргаликда орқада қолса, уларга нисбатан “гармоник психофизик инфантилизм” ибораси

ишлатилади. Фақатгина руҳий ривожланиши орқада қолса, уларни “психик инфантилизм” деб юритамиз.

Т.А.Власова ва М.С.Певзнер РРСнинг икки хил шаклини кўрсатадилар. Буларнинг асосида турли хил РРС нинг шаклланиш механизмлари ётади.

1. Ҳиссиёт – ирода соҳасининг ривожланганлиги. Бунда баъзан билиш жараёнларининг бузилиши бўлмаслиги мумкин. Бундай билиш жараёнларининг бузилиши бўлмаслиги мумкин. Бундай ҳатоларни тиббиёт ходимлари қолдиқли ва қолдиқсиз “психофизик инфантилизм” деб номлайдилар.

2. Нейродинамик бузилишлар, турғун астеник ва церебрастеник ҳолатлар (турғун психик ва нерв бўшашишлари).

Инфантилизмнинг юзага келиш сабабалирига илк болалик давридаги юқумли ва модда алмашинувининг бузилиш касалликлари ҳам кириши мумкин.

Руҳий ривожланмасликнинг бир кўринишига, бош мия пешона қисмларининг секин пишиб етилишини кўрсатишимиз мумкин.

Церебрастеник ҳолатларнинг келиб чиқиш сабабалирига: турли жароҳатлар, асфиксия, илк гўдаклик давридаги ички касалликлар кириши мумкин.

Буларнинг натижасида бола нерв системасида функционал етишмовчиликлар юзага келади. Булар ўз навбатида, ақлий иш қобилятларининг бузилишига олиб келади.

Шундай қилиб РРСнинг классификациясига қайтадиган бўлсак, биринчидан, ҳиссий-ирода соҳасининг яхши ривожланмаганлигини кўрамыз.

Бу бузилиш, бола шахсий тараққиётини секинлаштириб, интеллектуал фаолитяларнинг мақсадга мувофиқлигини пасайтиради. Иккинчидан, нейродинамик бузилишлари, ўз навбатида билиш фаолиятларини қийинлаштиради.

PPC боллаларнинг таснифи асосида 3 та омилнинг бир-бирларига муносабатлари ётади:

1. Инфантилизм.
2. Церебрастеник характердаги нейродинамик бузилишлар.
3. Энцефалипатик бузилишлар.

PPC таснифига асосан тўрт хил турга хос бўлган болалар киради.

I.PPCнинг конституционал шакли.

Бу шаклда гармоник, қолдиқсиз, руҳий ва руҳий-физик инфантилизм асосий ўринни эгаллайди (руҳий турғун бўлмаганлар). Бу турдаги болалар ўзларидан бир неча ёш кичик бўлган болалар ривожланишига тўғри келади. Уларда кайфият кўтаринки, ўйин фаолиятида ташаббускорлик ҳислатлари сақланган бўлади. Таълимдаги қийинчиликлар асосан интеллектуал қизиқишларнинг ва шахснинг бутунлай ривожланмаганлиги яққол сезилиб туради. (ўйинга бўлган қизиқишлари устунлик қилади). Болаларда кўпинча кайфият кўтаринки, хулқ-атворда ҳиссий мотивларнинг устунлиги, ҳиссиётларнинг юзакилиги, турғунсизлиги ва шахснинг гиперсугестивлиги (мойилликнинг устунлиги) кузатилади. Бундай болаларнинг ҳиссий-ирода соҳасидаги етишмовчилик, тана тузилишидаги ўзгаришлар билан бирга келади.

II. PPCнинг соматоген шакли.

Бу шакл асосан сурункали инфекциялар, аллергия ҳолатлар, турли ички касалликлар (ички аъзолар, айниқса юрак касаллиги) натижасида келиб чиқади.

Руҳий ривожланишнинг сусайишида асосий ролни турғун астения ўйнайди, яъни уларда тез чарчаш, умумий руҳий тонуснинг пастлиги кўринади.

Баъзан соматоген инфантилизмда турли невротик қўшилмалар: ўз-ўзига ишонмаслик, қўрқиш билан бирга кузатилиши мумкин.

III.PPCнинг психоген шакли.

Бу шаклда асосан ҳиссий ирода саҳасининг бузилиши, етарли педагогик шароитнинг бўлмаслиги натижасида келиб чиқади. Атроф-муҳитнинг болага

эрта ёшидан бошлаб салбий таъсир қилиши натижасида бола руҳиятнинг ўзгариши хосдир. Аммо, бу шаклдаги РРС болаларни педагогик қаровсиз болаардан ажратиб олиш зарур. Педагогик қаровсиз болаларнинг руҳияти нормал бўлиб, фақат билиш, ўқув малакаларининг тенгқурларига нисбатан етишмаслиги билан фарқ қиладилар. Ақлий маълумотлар етарли бўлмайди. Кўпроқ шахснинг патологик ривожланиши кўзга ташланади. РРСнинг психоген шаклини келиб чиқиш сабабаларига кўра, ўз навбатида уч гурппага бўлиш мумкин:

1. Бола тарбияси билан мутлақо шуғулланмаслик, болани бутунлай ўз ҳолига ташлаб қўйиш натижасида уларда бурч ва маъсулият ҳисси шаклланмайди. Уларда ҳиссий-ирода соҳасининг етишмаслиги қайсарлик гиперсуггестивлик, ўқув фанларини ўзлаштириш учун зарур билим ва малакаларнинг етишмаслиги билан бирга келади.

2. Болани ҳаддан ташқари эркалатиш, етарли мустақил фаолиятга ўргатмаслик, ташаббускорлик, маъсулият ҳиссини шакллантирмаслик натижасида (“оила эркаси”) тури келиб чиқади. Бундай болаларда ҳиссий-ирода соҳасининг пастлиги, эгоизм ҳислатлари, меҳнатга салбий муносабатда бўлиш, доимо ёрдамга муҳтож бўлиш каби салбий ҳислатлар ўз ифодасини топади.

3. Психоген характернинг невротик тури деб аталади. Болага нисбатан қўпол муносабатда бўлиш, жисмоний жазолаш, қаттиққўллик, алкоголизм билан боғлиқ турли агрессив муносабатлар, бундай турнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Бундай болаларда ниҳоятда қўполлик, ташаббуссизлик, журъатсизлик, мустақиллик характерда бўлмаслик ҳислари шаклланади. Буларнинг ҳаммаси боланинг билиш фаолиятига ҳам салбий таъсир этади.

4. РРСнинг церебрал шакли бошқа турларга нисбатан кўпчиликни ташкил этади. Уларнинг аксариятида жисмоний етишмовчиликлар, тана номутаносиблиги кузатилади. РРС болалар бош мия электро-энцефалографиясининг кўрсатишича, 50%дан ортиқ болаларнинг асаб системасида органик бузилиш мавжуд.

Церебрал характердаги РРС болаларда ҳиссий-иродавий ҳолатларнинг тараққий этмаганлиги, асосан органик инфантилизм тарзида кўринади. Бу турдаги инфантилизмда нормал болаларга нисбатан ҳиссиётнинг жонлилиги етишмайди. Ҳиссий ҳолатнинг кўринишига қараб церебрал органик инфантилизмни 2 қисмга бўлиш мумкин.

1. Кайфиятлари устун бўлмаган, эйфорик характердаги болалар бўлиб, уларда ёш болаларга хос хислатлар сақланган бўлади.

2. Тормозланувчи характерда, кайфияти паст бўлиб, уларда ишни мустақил ҳал қила олмаслик, ташаббус кўрсата олмаслик, кўрқинч ҳолатлари билан бирга келади.

Ҳиссий ҳолатларга кўра икки қисмга бўлинган церебрал органик характердаги инфантилизм кўп ҳолларда қатор қўшимча кўринишлар билан бирга келади. Буларга қуйидагилар киради:

а) Церебрал-эндокрин инфантилизи. Бунда асосан ички секреция безлари фаолияти бузилган бўлади. Бунинг натижасида болаларда ҳиссий ҳолатларнинг ривожланмаслиги, невропатиялар юзага келади. Бундай ҳолларда уйқунинг бузилиши, иштаҳанинг яхши эмаслиги, диспепсия ҳолатларига мойиллик юзага келади;

б) церебрастеник ҳолатлар тез-тез учраб туради. Марказий асаб системаси тез чарчайди. Нейродинамик бузилишлар кузатилади. Буларга ақлий иш қобилиятларининг бузилиши, эслаб қолиш ҳолатларининг яхши эмаслиги, диққатнинг тарқоқлиги, тез таъсирланиш, қиз болаларда йиғлоқлик, ғқил болаларда ҳаддан ташқари қўғалувчанлик бўлиши киради. Бу болаларда шовқин, ёруғ нур, иссиққа чидай олмаслик, иштаҳа ва уйқунинг бузилишлари, қон босимининг пасайиши, танасининг турли жойларида ҳар хил туйғулар сезиш, ошқозон-ичак фаолиятининг бузилишларини кўриш мумкин;

в) невроз характердаги ҳолатлар – церебрастения билан боғлиқ бўлиб қоронғи, яккаликдан кўрқинч, ўз ва атрофдагилар соғлиғи учун хавсираш,

тортишишлар, дудуқланиш, энурез каби характерли ҳислатлар билан бирга ифодаланади;

г) руҳий ҳаракат қўғалувчанлиги – асосан ўғил болаларда кўп учрайди. Умумий ҳаракатчанлик, диққатнинг тарқоқлиги, тез чалғиш уларга хос ҳислатлардир;

д) аффектив бузилишлар – кайфиятнинг бесабаб ўзгариб туриши агрессив ишларга мойиллиги каби салбий – шахсий ҳислатлар бўлади;

е) руҳий бузилишлар – ақлий фаолият бўлган қизиқишларнинг пастлиги, ўқишга салбий муносабатда бўлиш, ўғирлик, ёлғон гапиришга ва жиноятиликка мойиллик каби салбий – шахсий ҳислатлар бўлади;

ж) тутқаноқли бузилишлар турли хил кўринишда намоён бўлади;

з) Апатико-адинамик бузилишлар – ташаббускорликнинг бузилиш, ақлий фаолиятнинг пасайиши, ҳаддан ташқари ҳиссий бўшашишнинг ўзига хослиги билан характерланади.

Церебрал органик характердаги кескин ифодаланган РРС болаларда нейродинамик ва энцефалопатик бузилишларидан ташқари баъзан кучли бўлмаган айрим бош мия пўстлоқ ва пўстлоқ ости функцияларининг бузилиши натижасида эшитиш, кўриш, туйиш, ирода, идрок, нутқнинг ҳаракат (мотор) ва тушуниш (сенсор) томонлари, узоқ ва қисқа муддатли хотира жараёнлари ҳам бирмунча зарарланади.

Юқорида айтиб ўтилган асосий церебрал характердаги РРС болаларни яхши билиш, уларни олигофрениядан ажрата олиш, диагнозни тўғри қўйиш учун зарур.

Церебрал органик характердаги РРС болаларда билиш фаолияти бирмунча кескин бузилишларга учраган ҳолатлар ҳам бўлиши мумкин. Бундай вақтларда РРС ни ақли заифлардан фарқлаш, ажратиш жуда мураккаб диагностик ишдир.

Рухий ривожланиши сустлашган болаларнинг психологик муаммоси ва хусусиятлари

Ўзлаштирмаслик, айниқса, болалар томонидан мажбурий мактабгача барномасини эгаллашларига тўсқинлик қилади. Маълумки, болаларида ақлий ва амалий жараёнлар, кўникма ва малакалар шаклланади. Бундай бошланғич билимларнинг туғдириб, баъзан айрим болаларнинг таълимдан четга чиқиб олишларига сабаб бўлади. Бундай ҳолларда агар бола ривожланишида бузилишлар бўлмаса, махсус яккама-якка ишлар орқали ўзлаштирмасликнинг олдини олиши мумкин. Бунинг учун ўзлаштирмасликнинг олдини олиш мумкин. Бунинг сабабаларини аниқлаш, диагностика қилиш керак. Оммавий мактабгачадаги ўзлаштирмаслик сабабалари қатор педагог ва психологлар: М.А.Данилов, В.И.Зикова, Н.А.Менчинская, Т.А.Власова, М.С.Певзнер, А.И.Леонтьев, А.Р.Лурия, А.А.Смирнова, Л.С.Славина, Ю.К.Бабанскийлар томонидан турли йўналишларида ўрганилган. Олимлар ўзлаштирмаслик сабабалири сифатида боланинг жисмоний жиҳатдан заифланишини, турли нутқ камчиликларини, эшитиш ва кўриш камчиликларини, ақли заифлики ҳамда болалар ва тарбиячилар орасидаги салбий ҳолатларни кўрсатадилар. Ҳар бир қийинчилик билан оз миқдордаги ўзлаштирмовчи болалар қамраб олинган. Ўзлаштирмовчи болаларнинг ярмини руҳий ривожланиши сустлашган болалар ташкил қилади. Бундай тараққиёт камчиликлари, шакллари М.С.Певзнер, Г.Е.Сухарева, М.Г.Рейдибойм, Т.А.Власова, К.С.Лебединскаялар томонидан таҳлил қилинган. Буларнинг барчаси РРС нуқсони билан ҳомиланинг она қорнида, туғилиш, илк болалик чоғида марказий асаб системаларининг юзаки, кам миқдорда зарарланиши оқибатида келиб чиқадиган резидуал қолдиқ ҳолатлар орасида боғлиқлик борлигини таъкидлашди. Марказий асаб системасининг юзаки зарарланиши натижасида бундай болаларда мактабгача таълимига ҳам жисмонан, ҳам физиологик, ҳам руҳий мос келмаслик юзага келади. Мактаб таълимига руҳий жиҳатдан тайёр бўлмаслик қуйидагича намоён бўлади:

- 1) ташқи олам ҳақидаги тасаввур ва билимларнинг етарли эмаслигида;
- 2) ақлий жараёнлар, малака ва ҳаракатлар етишмаслигида;
- 3) нутқ ривожланишининг орқада қолишида;
- 4) маълум қизиқиш ва мотивларда намоён бўладиган билиш қизиқишларининг чегараланганлигида;
- 5) ўз хулқларини идора эта олмасликларида кўзга ташланади.

PPC болалар юқоридаги барча кўрсаткичлар бўйича мактаб таълимига тайёр бўлмайдилар. Уларнинг руҳий хусусиятлари қатор ўзига хос белгилари, кўрниншлари билан нормал ва Ақли заиф болалардан фарқ қиладилар. Албатта, бу хусусиятлар руҳий жараёнлар: диққат, идрок, хотира, нутқ, тафаккур ва бошқаларнинг хусусиятлари билан белгиланади.

В.И.Лубовский раҳбарлигидаги олимлар томонидан қилинган ва қилинаётган ишларни кўрсатиш мумкин. Руҳий ривожланиши сусайган болаларнинг олий асаб фаолиятлари қуйидаги ўзига хос хусусиятлари билан характерланади. Асосий асаб жараёнларининг кучсизлиги, тормозловчи шартли боғланишларнинг секинлиги, асаб жараёнларининг тез чарчаши ва толиқиши;

- асаб жараёнларининг кенг иррадиацияси (марказий нерв системасида кўзғалиш жараёнининг кенг тарқалиши);
- асаб жараёнларининг инертлиги, бўшлиги.

Юқорида айтиб ўтилган PPC болалар асаб системасининг ўзига хос хусусиятлари маълум даражада ақли заифларга ҳам хосдир. Аммо, PPC болалардаги бундай ҳолатлар Ақли заиф болалардагидек кескин ифодаланган бўлмайди.

Бундан ташқари, сифат жиҳатдан ҳам фарқ қиладилар, яъни шартли боғланишларнинг ҳосил бўлишида, Ақли заиф болалардан фарқли равишда, руҳий ривожланиши сустлашган болаларда сўз-нутқ системаси катта роль ўйнайди. Шунини қайд қилиш лозимки, олий асаб фаолиятининг юқоридаги хусусиятлари нейродинамиканинг етарли даражада етилмаганлигадан дарак

беради. Бу ҳол нормал болаларда ҳам учраши мумкин. Лекин уларда боғча ёшидагина кузатилади, холос.

РРС болаларнинг руҳий жараёнлари ва билиш фаолиятлари қатор олимлар томонидан турли йўналишларда ўрганилган ва ўргатилмоқда. Буларга Т.В.Егорова, В.И.Лубовский, Т.И.Каренкова, Л.И.Переслени, С.А.Домишкевич, В.Л.Подобед, А.Г.Поддубная, П.Б.Шошин, Н.Г.Лутонян, А.А.Автотиньш, И.А.Коробейников, В.С.Слепович, В.И.Насанова, Р.Д.Тригер, Н.А.Цқпина, Г.А.Шевченко, Г.М.Капустина, Ғ.Б.Шоумаров, К.К.Мамедов, Е.А.Моршинина ва бошқаларни кўрсатиш мумкин.

Г.И.Жаренкованинг кўрсатшича, диққатнинг етарли ривожланмаганлиги қуйидагича ифодаланади:

- маълум бир фаолиятнинг дастлабки бошланиш босқичида диққатнинг кучлилиги ва маълум вақтдан сўнг пасайиб кетиши;

- диққатнинг кучлилиги фаолият бошлангандан кейин маълум вақт ўтгач юзага келиши;

- диққат кучининг мунтазам равишда кучайиб ва сусайиб туриши кузатилади.

РРС болаларнинг идроки қуйидагича характерли хусусиятларга эга. Биринчидан сезги органлари орқали олинган маълумотларни қабул қилиш ва қайта ишлаш тезлиги паст бўлади. Шу сабабли РРС болалар маълум барнома материални ўзлаштириш учун кўп вақт сарф қиладилар. Аммо ақли заиф болалардан бир мунча фарқ қилиб, нормал тенгдошлари ўзлаштирган материални тўла ўзлаштириш имкониятига эга бўладилар.

Иккинчидан РРС болалар эшитиш, тактил, кўриш идрокларининг нозик шакллари етарли ривожланмаган бўлади. Шу сабабали оралиқ товушларни ва рангларни нормал тенгдошларидек фарқлай олмайдилар.

Учинчидан, нарса ва буюмларнинг фазодаги жойлашиш муносабатларини идрок этишлари етарли бўлмайди. Буюмларнинг бир-бирига нисбатан олдида, ёнида, орқасида каби тушунчаларни етарли тушуниб етмайдилар.

Тўртинчидан, идрок этаётган объект, нарса ва буюмлар сонининг ортиши, кўпайиши, идрок этилаётган вазифа мураккаблигининг ортиши, ўсиши, бир вақтнинг ўзида бир нечта таасуротларни идрок этиш зарурияти юзага келиши натижасида бундай болалар идрокнинг бирмунча ёмонлашишига олиб келади.

PPC болалар идрокнинг етарли ривожланмаганлиги асосида марказий асаб системасидаги анализаторлар орасидаги муносабатларининг бузилиши ётади.

Баъзи авторларнинг (Е.У.Дауленские, И.Ф.Марковская...) кўрсатишича, идрокнинг нозик шакллариининг етишмаслиги бундай болаларнинг 70 % ида учрайди.

Идрок этилаётган объект, нарсалар контрастлиги ва рангнинг камайиши, умумий фондан шаклни ажратишга қийинчилик туғдиради.

Диққатнинг маълум объектларга қаратилиш вақти бўйича, нарса ва ҳодисаларнинг ўзгача ҳолатда идрок эта олиш хусусиятига кўра руҳий ривожланиши сустлашган болалар ўз нормал тенгдошларидан кескин фарқ қиладилар. PPC болаларда идрокнинг турли хусусиятларининг етишмаслиги чет эл олимлари томонидан ҳам кўрсатиб ўтилган. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, PPC болалар туюш реакцияларида нормал тенгдошларидан орқада қолар эканлар.

PPC болалар туюш (перцептив) реакцияларда, масалалар ечишда самарали бўлмаган иш усулларидадан фойдаланишади.

Идрок этилаётган нарсаларни кўрганда ҳам, маълум даражада буюмнинг кам белгиларини кўришга улгурадилар. Бундай кўриш идрокларини бартараф этиш учун PPC болаларга махсус ёрдам бериб борилиши керак. Кўриш орқали идрок этилиши керак бўлган буюм, нарсалар ортиқча элементларсиз бўлиши,

ҳамда кўрсатиш билан бирга оғзаки тушунтириш ишларини қўйшиб олиб бориш яхши натижалар беради. Идрокнинг етарли бўлмаслиги кўриш, эшитиш тасаввурлари ҳам етарли даражада шаклланмайди. Бунинг натижасида тафаккур жараёнлари, турлари ҳам етарли ривожланмайди. РРС болаларнинг идрок этиш жараёнларининг динамикаси бирмунча яхши кўрсаткичларга эга бўлиб, нормал болаларга нисбатан сезиларли даражада орқада қолади.

Оддий тасвирларни, расмлардаги буюмларни билиб олиш тезлиги, нормал болалардагидан бирмунча пастлиги П.Б.Шошин ишларида тўла очиб берилган.

Юқоридагиларга хулоса қилиб, РРС болалар идроки қуйидаги хусусиятлари билан ажралиб туришини таъкидлаш мумкин.

- сенсор ахборотларни қабул қилиш ва қайта ишлаш тезлиги секинлашганлиги;

- кўриш, эшитиш ва тактил идрокларининг нозик шакллари етарли эмаслиги;

- идрок этишда фазовий муносабатларнинг етарли эмаслиги;

- буюмларнинг қўпайиши натижасида идрок этишнинг ёмонлашуви.

РРС болаларнинг идрок хусусиятларини тиббий-педагогик комиссия аъзолари томонидан эътиборга олиниши керак. Махсус мактабгача тарбиячи-Тарбиячилари таълим-тарбияда қуйидагиларга эътибор беришлари лозим:

- РРС болаларнинг маълум материални эгаллаши учун кўп вақтнинг сарфланиши;

- кўриш орқали қабул қилинадиган материаллар мумкин қадар кам элементлардан иборат бўлиши;

- янги материаллар бериш вақтида, болалар диққатини чалғитадиган кўзғаткичлар бўлмаслиги керак.

Рухий ривожланиши сустлашган болаларнинг хотира жараёнларининг ўзига хос томонлари.

Клиник ва руҳий-педагогик текширишларининг кўрсатишича, хотира бузилишлари РРС болаларнинг характерли белгиларидан бири экан. Хотира жараёнларининг бузилиши мураккаб ва ўзига хос кўринишига эга. РРС болалар хотирасининг ўзига хос томони шундан иборатки, улар хотирасининг айрим томонлари кўпроқ, айрим томонлари камроқ бузилганлигидир. Хотира жараёнлари унумдорлигининг пасайиши, РРС болаларда ўз фаолиятларини унумли ташкил қила олмаслик, эслаб қолишнинг самарали усуллари ўлмай олмаслик натижасида келиб чиқади.

РРС болалар хотирасининг камчиликларига қарамасдан, уларда етарли ривожланиш имкониятлари бор.

РРС болаларда хотира ҳажмининг камайганлиги, қисқа ва узок муддатли хотира турларида яққол кўзга ташланади.

Т.В. Егорова, Н.Г.Лутонян, Н.Г.Поддурная, Н.Б.Новинская, Ғ.Б.Шоумаровлар ишларида РРС болалар хотирасининг турли томонлари атрофлича очиб берилган. РРС болалар хотирасининг ҳажми, эслаб қолишнинг турғунлиги, қисқа муддатли, оператив, ихтиёрий, ихтиёрсиз хотира турлари нормал тенгдошларидан бирмунча пастлиги аниқланган.

РРС болаларнинг механик хотраси нормал болалар даражасига яқин бўлиб, Ақли заиф болалар даражасидан кескин фарқ қилади. (Ғ.Б.Шоумаров).

РРС болаларни хотира жараёнларининг хусусиятларига кўра 3 та гуруҳга бўлиш мумкин.

1. Нормал болаларга яқин бўлган даража.
2. Нормал болалар билан Ақли заиф болалар орасидаги даража.
3. Ақли заиф болаларга яқин бўлган даража.

Диққат, идрок ва хотира фаолиятининг мақсадга қаратилганлигининг ўсиб етишмаганлиги натижасида РРС болаларнинг аксариятида, ихтиёрий хотирасининг етишмаслиги кузатилади. Содда, мураккаб бўлмаган материалларини эслаб қолиш вазифаларини бажаришда РРС болалар, нормал

болалар даражасига яқинлашса, хотира фаолиятлари мураккаблашган сари ақли заиф болалар даражасига яқинлашади.

Хотира фаолиятнинг мақсад сари йўналганлигининг етишмаслигига эсда сақлаб қолишнинг махсус усуллардан фойдалана оласлик ҳам РРС болалар хотрасининг ўзига хос белгисидир. Нормал болалардан фарқли равишда РРС болалар хотрасининг самарадорлигига, эсда олиб қолинаётган материал храктерига кўпроқ боғлиқдир яъни кўргазма (новербал) материал, сўз (вербал) материалга нисбатан яхшироқ эсда олиб қолинади. РРС болаларда фақат эсда олиб қолиш эмас, балки эсга тушириш активлиги ҳам пасайган бўлади. Узоқ муддатли ва қисқа муддатли хотира бўйича РРС болалар нормал болалардан кескин фарқ қилади.

РРС болаларнинг тафаккур хусусиятлари . Л.С.Виготский, С.Л.Рубинштейн, А.Н.Леонтьев, А.В.Запорожец, Г.С.Костюк, А.А.Люблинская ва бошқа олимлар томонидан ишлаб чиқилган таълимотга биноан, инсон тафаккурнинг уч хил тури: кўргазма – ҳаракат, кўргазма – образ, сўз-мантиқ шакллари мавжуд. Катта ёшдаги нормал кишиларда тафаккурнинг бу турлари етарли даражада ривожланган бўлиб, бир-бирлари билан диалектик бирликни ташкил қилади. Тафаккур турлари, мазмунига оид барча ёшларга тегишли умумий материаллар Т.В.Розанова томонидан батафсил берилган (1978 й.). Нуқсонли болалар тафаккур хусусиятларини ўзлаштирмовчи болаларда текширган

РРС болалар тафаккурнинг ўзига хос бўлган ва уни ақли заифлардан осон ажратишга имкон берадиган хусусиятларидан бири, сўз-мантиқ тафаккур билан кўргазма-образли тафаккур турларининг ўзаро муносабати ва ривожланиш даражаларидир (Ғ.Б.Шоумаров).

РРС болаларнинг сўз-мантиқ тафаккури етарли ривожланмаган бўлиб, баъзи ҳолатларда уларни енгил даражадаги ақли заифлардан фарқлай олмаслик мумкин.

Аммо, уларнинг кўргазма-ҳаракат ва кўргазма-образли тафаккур турлари ақли заифлардан кескин фарқ қилиб, нормал тенгдошларига яқинлашиб боради. Бу эса уларнинг билиш фаолиятларида катта ривожланиш имкониятлари мавжудлиги ва уларнинг бир қисми маълум таълим йилларидан кейин, махсус таълим-тарбия ва даволаш ишлари натижасида ўз нормал тенгдошларига етиб олиши мумкинлигини кўрсатади.

Тафаккур турларининг бундай муносабати ва нотекислиги катта дифференциал диагностик аҳамиятга эгадир. Маълум объектларни таҳлил қилганда РРС болалар нормал тенгдошларига нисбатан камроқ, лекин Ақли заиф болаларга нисбатан кўпроқ белгиларни аниқлайдилар. Лекин, шу билан бирга уларнинг таҳлил жараёни режасиз равишда бажарилганлиги сабабли объектнинг кўпгина қисмлари тушириб қолдирилади. Аммо, уларга Тарбиячи томонидан маълум ёрдам берилганда, таҳлил натижаларида кескин ўзгариш бўлиб, нормал тенгдошларига яқинлашади. Тарбиячи томонидан ёрдам берилганда, таҳлил натижаларида кескин ўзгариш бўлиб, нормал тенгдошларига яқинлашади. Тарбиячи томонидан ёрдам берилганда Ақли заиф болаларда ҳам ижобий ўзгаришлар бўлиши мумкин, аммо, бу ўзгариш РРС болалардагидек катта бўлмайди. Бу эса РРС болаларнинг ўз тараққиётларида ривожланиши мумкин бўлган имкониятларга эга эканлигини, улар педагогик ёрдамдан самарали фойдалана олиш мумкин эканлигини кўрсатади.

РРС болаларда тафаккур жараёнлари: таҳлил — тавсифдан ташқари умумлаштириш, таснифлаш, системалаштириш, таққослаш даражалари жиҳатдан нормал ва Ақли заиф болалар тафаккур жараёнлари орасида бўлади. Берилаётган вазифа мураккаблашган сари РРС болаларнинг тафаккур қилиш савияси Ақли заиф болаларникига яқинлашиб боради. Тафаккурнинг бошланғич синфлардаги тараққиёт динамикасини ўрганган, кузатган Т.В.Егорова бошланғич синф охирига келиб, аксарият ҳолда РРС болалар тафаккури нормал болалар тафаккури савиясига яқинлашганлигини кўрсатади.

Бу яқинлашиш айниқса, РРС болалар томонидан умумлаштириш ва таснифлаш жараёнларида ўз ифодасини топади.

Тафаккур хусусиятларини текширишда, фақат вазифани бажариш натижалари эмас, балки тафаккур қилиш услубларига ҳам алоҳида эътибор бериш керак. РРС болалар, Ақли заиф болаларга нисбатан бирон ақлий вазифани бажараётганларида бирмунча самаралироқ усуллардан фойдаланадилар. РРС болалар маълум вазифаларни бажариш вақтларида Ақли заиф болалардан сифат жиҳатдан фарқ қиладилар.

РРС болалар тафаккурига оид илмий изланишларни таҳлил қиладиган бўлсак, РРС болалар тафаккурининг қуйидаги хусусиятлари мавжуд:

1. Сўз – мантиқ тафаккур турининг қуйи даражадалиги билан, нисбатан сақланган кўргазма – образ ва кўргазма – ҳаракат тафаккур турларига эга.
2. Билиш жараёнларининг яққол сезилиб турадиган нотекис ривожланганлиги.
3. Интеллектуал фаолиятларнинг мақсадга мувофиқлигининг бир мунча бузилганлиги билан характерланади.
4. Тафаккурнинг инертлиги, бўшлиги, бир хил характерларга мойиллиги, таҳлил-тавсиф жараёнларининг яхши шаклланмаганлиги кўринади. Бундай хусусиятлар Ақли заиф болаларда бирмунча чуқурроқ характерга эга бўлади.
5. РРС болалар ақлий масалаларни ечиш вақтларида кўрсатилган ёрдамдан, Ақли заиф болаларга қараганда унумлироқ фойдаланадилар.
6. Интеллектуал активликнинг етарли эмаслиги.
7. Берилган кўрсатмани тушуна олиш, аммо кўрсатма талаблари асосида фаолиятни тўғри ташкил эта олмаслик.
8. Интеллектуал вазифаларни ечиш вақтида зарур ҳиссиёт – ироданинг етишмаслиги, топшириқларни ечишнинг актив йўллари қидириб топа олмаслик.
9. РРС болаларда ақлий иш қилиш қобилиятлари нормал тенгдошларига қараганда бирмунча пасайган бўлади.

Рухий ривожланиши сустлашган болалар нутқи. РРС болалар нутқи нормал болаларга нисбатан ривожланиш, шаклланиш нуқтаи – назаридан бирмунча орқада қолади. Уларда турли талаффуз камчиликлари учраб туради. Товушлар талаффузининг бузилиши, товуш образларининг етарли шаклланмаганлиги ёзиш ва ўқишда хатоларга йўл қўйишга олиб келади.

РРС болалар луғат бойлиги бирмунча чекланган бўлиб, актив луғати етарли ривожланмаган бўлади. Улар нутқидаги мавжуд тушунчалар тор, ноаниқ баъзан эса нотўғри бўлади. Грамматик умумлаштиришлар етарли бўлмаганлиги сабабли, ёзувда турли хил хатоликларга йўл қўядилар. РРС болалар нутқини А.Ю.Панасюк томонидан 1973 йилда мамлакатимиз тарихий, миллий, маданий, ижтимоий шароитга мослаштирилган Векслер методикси билан текширганимизда субтестлар ичида “луғат” бўйича энг паст кўрсаткичларга эга эканлигини кўрсатади.

Уларнинг аксарият 7 ёшда ҳам мактабга бормасдан боғчада қолишни хоҳлайди. Ўқишга бўлган қизиқишларга нисбатан, ўйинга бўлган қизиқишлари устунлик қилади. Ўйинга бўлган қизиқишининг устунлик қилганлиги ва ўқишда доимо, мунтазам муваффақиятсизликка учраб туриши натижасида бу болаларда ўқишга нисбатан салбий муносабат шакллана боради. Ўз-ўзига ишонмаслик хислари шаклланади. Ўзларининг қобилиятларини баҳолашда ҳаддан ташқари паст баҳолаш ҳоллари кузатилади. Бу эса, улар шахсининг шаклланиб етишмаслиги, ҳиссиёт – ирода фаолиятларида ўқув фаолияти учун зарур бўлган билиш эҳтиёжларининг шаклланмаганлигида ўз ифодасини топади. Аксарият ҳолларда, РРС болаларда интеллектуал фаоллик, қизиқишлар етарли бўлмайди. РРС болалар фаолияти ўрганилганда, уларнинг ўз фаолиятларини етарли режалаштира олмаслиги, хатти-ҳаракатларнинг нормал болаларга нисбатан қўзғалувчанлиги, ўз-ўзини назорат қилиш савиясининг пастлиги, ўз имкониятларини етарли баҳолай олмаслиги ва фаолиятларини мақсад сари йўналтиришнинг етарли эмаслиги маълум бўлди.

Савол ва топшириқлар

1. Диққат ва унинг турларига тавсиф беринг.
2. Ақли заиф болаларнинг билиш жараёнларини хусусиятлари ҳақида.
3. Хотира – психологик жараёнини изоҳлаб беринг.
4. Ақли заиф болаларнинг хотира хусусиятлари
5. РРС болаларни хотира жараёнларининг хусусиятларига кўра неччи турга бўлинади ва қайсилар
6. РРС таснифига асосан неччи хил турга хос бўлган болалар киради.
7. РРС болалар билиш жараёнларининг ўзига хослиги
8. РРС болалар нутқ хусусиятларининг ўзига хослиги

4- Мавзу Ривожланишида нуқсони бўлган болаларнинг нутқ хусусиятлари

Режа

1. Нутқ ҳақида тушунча. Нутқ турлари
2. Ривожланишида нуқсони бўлган болалар нутқ хусусиятларининг ўзига хослиги
3. Тафаккур ва нутқнинг узвий боғлиқлиги

Таянч тушунчалар: Нутқ, тафаккур, артикуляцион аппарат, дислалия, нутқ таснифи, ринолалия.

Инсоннинг энг муҳим фазилатларидан бири унинг сўзлаш қобилиятига эга бўлиб, нутқ воситасида ўзаро алоқа боғлай олиш, фикрлаша билишидир. Турли товушларнинг маълум тартибда биргалашиб, пайваста бўлиб қўшилишидан юзага келган маъноли нутқ муайян организмларнинг фаолияти натижасида пайдо бўлади.

Нутқ мураккаб функционал жараёндир. Унинг асосида мулоқот жараёнидаги тил бирликларини ўринли қўлланиш ётади. Тилнинг мураккаб системаси узоқ муддатли ижтимоий-тарихий ривожланиш маҳсули бўлиб, у бола томонидан нисбатан қисқа муддатларда ўзлаштириб олинади. Нутқ ривожланиши жараёнида билиш фаолиятининг олий шакллари, тафаккур қобилиятлари шаклланади. Сўзнинг аҳамияти ўз-ўзидан умумлаштирувчи ҳисобланади ва шу муносабат билан ўзида нафақат нутқ бирлигини, балки тафаккур бирлигини ҳам намоён қилади. Улар айнан ўхшаш эмас ва маълум даражада бир-бирига боғлиқ бўлмаган ҳолда пайдо бўлади. Лекин боланинг руҳий ривожланиш жараёнида мураккаб, сифати жиҳатидан янги бирлик нутқий тафаккур, нутқий фикрлаш фаолияти пайдо бўлади.

Кишиларнинг тили воситасида ўзаро муносабатда бўлиш жараёни нутқ деб аталади.

Нутқ биргаликда меҳнат қилиш жараёнида кишиларда бир-бирига нимадир айтиш эҳтиёжи туғилган вақтда юзага келади. Кишилар нутқ ёрдамида ўз замондашларига муайян вақтда нималар юз бераётганини хабар қилибгина қолмайдилар, балки инсоният тўплаган билимларнинг авлоддан-авлодга етказиб берадилар. Бола нутқни эгаллаб олганидан кейин ўзи туғилган жамият ҳаётида кишилар билан муносабатда бўлади. Агар бола бирор сабабга кўра нутқни эслаб қолмаса, унинг ақлий камолоти паст даражага тушиб қолиши мумкин.

Фикрлаш боланинг нутқи ва тафаккурини ўсишида муҳим воситадир. Ташқи нутқ товушлар ёрдамида эшиттирилиб, ёки график белгилар билан ёзилиб, бошқаларга қаратилган нутқдир. Ички ва ташқи нутқнинг физиологик табиати бир хил, фарқ товуш чиқарилади ёки ёзиб баён этилади, ички нутқда нутқ органларининг ҳаракати товушсиз юзага келади.

Фикрни ифодалаш усулига кўра нутқ оғзаки ва ёзма бўлади. Оғзаки нутқ ёзма нутқдан қуйидагилар билан фарқланади: оғзаки нутқ, товуш нутқ, ёзма

нутқ эса график нутқдир. Оғзаки нутқда интонация, мимика, имо-ишора жестикулятсиядан кенг фойдаланиб, эшитиш сезгиси асосий рўл ўйнайди. Тафаккур ва нутқ бир-бири билан узвий равишда боғлиқдир. Шахс ўйлаётганда, одатда, фикрларни сўзлар, жумлалар тарзда, ички нутқ деб аталадиган нутқ тарзида ифода этиади. Бироқ шундай ҳоллар ҳам бўладики, шахс фикрини сўзлар билан ифода эта олмай қолади. Бу ҳолда одам ички нутқдан ташқи ифодага ўтишда ўз фикрини бошқа кишиларга тушунадиган қилиб баён этишда қийналади.

Кишилар тилдан фикр баён қилиш қуроли сифатида фойдаланадилар. Улар ўз фикрларини овоз билан эшиттириб баён қилишдан олдин у ҳақида ўйлаб оладилар. Ўйлаган пайтида овоз чиқармасдан ички нутқдан фойдаланадилар. Бу ички нутқ ҳисобланади. Ички нутқ эшиттирилмаган ва ёзилмаган, ўйланган ва фикрланган нутқдир. Бу нутқ фикрловчи кишининг ўзига қаратилади. Ички интонация, мимикадан фойдаланиш имкони бўлмайди. Шу муносабат билан ёзма нутқ анча қийинчилик туғдиради. Ёзма нутқ анча мураккаб ва мавҳумдир. Оғзаки нутқ ҳам, ёзма нутқ ҳам кишиларнинг ўзаро алоқа воситаси, қуроли сифатида хизмат қилади. Оғзаки нутқ монологик ва диологик нутқ бўлиши мумкин. Монологик нутқ номининг ўзи айтиб турганидек, битта одамнинг нутқидир. У кўпинча бошқа кишиларга, тингловчиларга (доклад, ҳикоя) қаратилган бўлади, лекин монологик нутқ тингловчиларга қарата айтилаётган вақтида улар учун тушунарли бўлиши керак.

Диологик нутқ икки ёки ундан ортиқ кишининг суҳбатидан иборат бўлади. Ҳар бир сўзловчининг фикрлари одатда алмашилиб туради ва одатда у монологик нутқ сингари давоми бўлмайди. Нутқнинг ҳамма айтиб ўтилган турлари актив нутқ тушунчасига киради. Аммо пасив нутқ ҳам бўладики, у кишининг нутқини идрок этиши ва тушинишини ўз ичига олади.

Бола нутқининг нормал ривожланиши, унга доимо янги тушучаларни ўзлаштириб олишга, теварак - атроф ҳақидаги билим ва тасаввурларни

кегайтиришга имконият яратади. Боланинг атрофидаги катта одамлар қайси тилда гаплашсалар, бола ҳам шу тилни ўрганади. Нутқни эгаллашдек жуда ҳам қийин жараёни бола қисқа муддат давомида уддасидан чиқа олади.

Бола ривожланишида психик жараёнлар билан бирга эшитиш қобилияти жуда катта аҳамиятга эга. Бунинг нормал ривожланишида ва умуман, баркамол бўлиб бўлиб ўсишда барча психик жараёнлар билан эшитиш қобилияти чамбарчас боғлиқ ҳолда, ҳеч қандай нуқсонсиз ривожлангандагина боланинг нутқ бойлиги нормал даражада ривожланади.

Ақли заиф боланинг хусусияти шундаки, унинг психикаси қоидага бўйсунмайдиган шароитларда, аномал тараққий топиш жараёнида шаклланади. Ақли заиф бола соғлом тенгдошларидан шу билан фарқланадики, унинг илгариги тажрибаси ва ривожланишида бундан кейинги психик камол топиш учун зарур шарт-шароитларни ташкил этувчи механизмлар ҳамда психик жараёнлар шаклланмаган бўлади. Шундай қилиб, Ақли заиф боланинг умумий психик тараққиёт даражаси одатдаги шароитларда унинг мактабгача билимлари, кўникма ва малакаларни онгли суратда эгаллашини таъминлай олмайди. Етакчи фаолият унинг психик жараёнлари ва шахсий хусусиятларида энг бош ўзгаришларни тақозо этибгина қолмай, балки унинг ўсиб боришида яхши кўрсаткич ҳамдир.

Б.Н.Пинский таъкидлашича, ривожланишида нуқсони бўлган болалар ўзларининг соғлом тенгдошлари мустақил ҳолда ёки тарбиячининг озгина кўмаги билан бажара оладиган вазифаларни уддалашлари учун пропедевтик ва коррекцион тарбиявий тадбирларга мухтождир.

Нутқини ўз вақтида тўғри эгаллаш болага атрофини ўраб турган одамлар билан эркин муомала қилиш имконини беради, ўз нутқини бошқаришига кўмаклашади ва ниҳоят мактабгачада таълим-тарбия бериш жараёнини анча енгиллаштиради.

Ривожланишида нуқсони бўлган болалар ўзларининг соғлом тенгдошларидан фарқли ўлароқ анча кеч тилга кирадилар. Биринчи сўзни айтиш муддати боланинг уч, баъзан беш ёшгача кечикади. Энг аввало, бу ерда талаффуздаги нуқсонларни қайд этиш керак. Г.А.Каиннинг тадқиқотларига кўра, ривожланишида нуқсони бўлган болаларининг 66 фоизи тутилиб гапиришнинг у ёки бу шаклига дучор бўлади. Ақли заиф болаларда нутқий нуқсонларнинг шунчалик катта миқдорда учраши тасодифий ҳол эмас. Зотан, бош мия пўстлоғининг шикастланиши, фонематик эшитувнинг бузилишига, артикуляцион аппарат ҳаракатининг издан чиқишига олиб келади. Ривожланишида нуқсони бўлган болалар тилнинг луғавий бойлигини эгаллашда жиддий қийинчиликларга дуч келадилар. Мисол учун ақли заиф болалар қўллайдиган сўзлар захираси одатдаги меёрга тенглаштириб бўлмайдиган даражада тордир. Улар кўпинча сўзларнинг маъносини тушунмайдилар. 1) Мавҳум тушунчани ифодаловчи машаққат, қимматроқ, арзонроқ; 2) кўчма маънода қўлланган сўз.

Кўчма маънода қўлланган сўзларнинг моҳиятини тушунмайдилар, «Олтин бош» деган ибора болада кулги уйғотади, ҳамда уларнинг эътирозига дуч келади. «Бунақаси бўлмайди» дейишади улар. Нар иборанда болалар бу ибора воситасида қуёшда йилтиллаган сочларни тушунишади.

Гап шундаки мия пўстлоғининг анализаторлик фаолияти бузилиши туфайли, атрофдагилар ҳақида ноаниқ тасаввурлар болаларни кузатган нарса ва ходисаларни ноаниқ аташга олиб келади. Натижада предметларнинг ўхшашлигини илғаб уларнинг фарқини илғамасдан бундай предметларни бир хил сўз билан аташади.

М.П.Феофановнинг тадқиқотларига кўра ақли заиф болаларнинг нутқида оид қўшимчалар соғлом интелектдаги болаларникига нисбатан икки баробар кам бўлиши аниқланган. Улардан махсус характердаги машқларда тўғри фойдаланишади. Бироқ ўз вақтида улар чегараланган доирадаги сифатларни хуш кўришади. Жумаладан яхши, ёмон, катта ва кичик сингари. Шу боисдан

ҳам болаларнинг сўзлаб беришлари ноаниқ ва бир хил бўлиб қолади. Ақли заиф болалар нутқи синтактик жиҳатдан ҳам, ўзига хос равишда ажралиб туради. Энг аввало гапларнинг тузилишига кўра енгиллигини қайд этиш керак. Чунки болалар бир нарсани иккинчисига қиёслашда, ҳодисаларнинг сабабий боғланишларини очиб беришда қийналишади. Гапларнинг тузилишидаги бу хил жўнлик ақли заиф боланинг бош мия пўстлоғида шаклланувчи оддийгина алоқаларга мос келади. Бунинг устига, алоқаларни етарли аниқ англамаслиги, ақли заиф болалар фикрининг ноаниқ тугалланган бўлиб қолишига олиб келади. Болалар ўқиётган, эшитаётган, кўраётган нарсалар ҳақида бир қатор хатоларга йўл қўядилар. А.Р.Лурия, Н.П.Параманова, О.К.Тихомиров (1973) ва бошқалар ўтказган тажрибалар шуни кўрсатадики, ривожланишида нуқсони бўлган бола ўзининг ҳаракатларига қўлланма бўла олувчи умумий қоидаларни мустақил ифодалаб беришга қодир эмас. Ички нутқ ақлда шаклланган ҳар қандай фикрнинг моддий қобиғидир. Ақли заиф бола нутқидаги бундай нуқсонлар, уларнинг ўқишини қийинлаштиради. Болалар ҳамма вақт ҳам тарбиячининг тушунтиришларини фаҳмлашавермайди, матн мазмунини мустақил тушуниб етмайди, ўз ҳаракатларини ўрганилган қоида билан назорат этишади. Сўз улар учун нарсанинг ўзи билан чатишиб кетган бўлади, унинг аниқ мазмунидан ажратиш учун, яъни уни грамматик, фонетик жиҳатдан ўргана бошлаш учун катта шижоат талаб этилади. Илғор педагог – дефектологларнинг тажрибалари шуни кўрсатадики, таълимнинг махсус ташкил этилган системаси ёрдамида ривожланишида нуқсони бўлган болаларнинг нутқий фаолиятидаги нуқсонларни коррекциялаб бориш, тафаккурнинг кечикишидаги нуқсонларни ошириш мумкин. Ривожланишида нуқсони бўлган болалар жуда кўп товушларни, яъни сирғалувчи, тил орқа, сонор товушларни бузиб талаффуз этадилар. Бундай ҳолат бола нутқ аппаратининг яхши ривожланмаганлигидан далолат беради. Бу гуруҳга кирувчи болалар орасида товушларни бузиб талаффуз этиш, бошқа товушларга алмаштириш кўпроқ фоизни ташкил этади. Шунинг учун ҳам логопедларнинг, тарбиячиларнинг асосий вазифаси ривожланишиди нуқсони бўлган болалар

нутқини ҳар томонлама ўстиришдир. Товушларни тўғри талаффуз этиш бола артикулятсион аппаратининг яхши уйғунлашиб, мослашиб ишлашига боғлиқдир. Шунинг учун ҳам логопедларнинг, тарбиячиларнинг асосий вазифаси ривожланишида нуқсони бўлган болалар нутқини ҳар томонлама ўстиришдир. Товушларни тўғри талаффуз этиш бола артикулятсион аппаратининг яхши уйғунлашиб, мослашиб ишлашига боғлиқдир. Шунинг учун ҳамма вақт товушлар устида иш олиб борилад экан, албатта артикулятсион гимнастикалар ўтказилади. Айрим унли ва ундош товушлар аста – секин эгаллаб борилади. Болаларнинг кўпчилиги айрим товушларни, яъни Р, С, К, Г, М, Ш, Ч товушларини талаффуз этишда қийналадилар, сўзларни бузиб талаффуз этадилар. Баъзи болалар сўздаги бўғинлар ўрнини ўзгартириб, сўзларни нотўғри талаффуз қиладилар.

Шуни айтиб ўтиш зарурки, ақли заиф болаларда фақатгина фаол нутқнинг ривожланиши кечикиб қолмайди. Болалар уларга қаратиб сўзлаган нутқни яхши тушунмайдилар. Катталарнинг саволлари, талаблари, тушунтиришлари ва кўрсатмалари уларнинг ҳаётида бирмунча бошқа, аҳамиятсиз рол ўйнайди.

Ривожланишида нуқсони бўлган болалар учун хос бўлган умумий мотор ривожланмай қолиши ҳам нутқнинг ривожланишининг секинлашишида маълум бир рўл ўйнайди. Моториканинг (ҳаракатларнинг) ривожланмай қолиши боланинг атроф-дунё билан танишиш жараёнини бузади ва натижада улар ҳақида тасаввур ва маълумотларни тўплашни тормозлайди. Ривожланишида нуқсони бўлган болаларда кузатиладиган моториканинг нуқсонлари улар нутқининг талаффуз томонига ҳам таъсир этади. Чунки нутқ товушларининг, сўзларнинг ихтиёрий талаффузи нутқ аъзоларининг юқори даражадаги координациялашга ҳаракатларини талаб этади. Ақли заиф болалар учун эса нутқ аъзоларининг координациялашган ҳаракатлари қийинчилик туғдиради.

Ақли заиф болалар учун характерли бўлган фонетиматик эшитишнинг яхши ривожланмаганлиги ва нутқ ҳаракатидаги камчиликлар бир-бирига таъсир этади ва нутқнинг ривожланишини тормозлайди. Аммо шуни назарда

тутиш лозимки, нутқ аъзолари ҳаракатидаги камчиликларни хаддан ташқари кўпиртириб кўрсатиш мақсадга мувофиқ бўлмайди, чунки бу бузилишлар кейинчалик осон бартараф этилиши мумкин. Асосий, етакчи рол фонематик эшитишнинг яхши ривожланмаганлигига тегишли бўлиб, у ривожланишида нуқсони бўлган болаларнинг умумий ривожланиши нуқсонларнинг оқибатидир.

Ақли заиф болалар нутқидаги грамматик қурилишнинг бузилишлари масаласи қатор олимлар томонидан (рус тадқиқотчилари М.С.Гнездилов, М.Н.Йефименкова, И.Н.Садовникова, О.Л.Жилсова, М.П.Фиофановалар ишларида) ўрганилган. Уларнинг кўрсатишича, ақли заиф болалар нутқда гаплардан анча кечикиб фойдалана бошлайдилар. Дастлабки жумлалар ақли заиф болалар 5 ёшдан сўнг пайдо бўла бошлайди ва у бир қатор камчиликларга эга бўлади. Ривожланишида нуқсони бўлган болаларнинг нутқи асосан содда гаплардан иборат бўлади. Тузган гапларида грамматик ҳолатлар жуда кўп кузатилади, гаплардан бошқарув ва мослашув боғланишлар бузилишлари юз беради. Кўпинча ақли заиф болалар грамматик жиҳатдан тўлиқ бўлмаган гаплар тузадилар. Уларда гапнинг тузилиши қондаси асосий бўлакларни ташлаб кетиш ҳисобига қўпол бузилади. Ақли заиф болаларнинг сўзларини товуш томонидан таҳлил қила олишлари грамматик қонун қоидаларни муваффақиятли эгаллашларида асосий воситадир. Н.С.Рождественскийнинг таъкидлашича, «Сўздаги товушларни фарқламасдан, уларни ажратмасдан, болаларни ўқиш ва ёзишга, кейинчалик тўғри ёзишга ўргатиш мумкин эмас». Мактабгачагача ёшдаги ақли заиф болаларда боғланган нутқ шаклланмаган бўлади. Улар диалогда иштирок эта олмайдилар. Ўз фикрларини оғзаки шаклда баён этиш учун улар доимо катталарнинг ёрдамига муҳтож бўладилар. Меёрида ривожланаётган болаларда нутқнинг фонематик томонини шаклланиши 4-5 ёшда ўтади. Нутқ ўстириш машғулотларида нутқ оқимидан сўзларни ажратишга, уларни таҳлил қилиш, уларнинг асосий, маъно берувчи фонема-товушларни эшитишга ҳамда талаффуз қилишга ўрганади. Аста-секин эшитиш анализ ва синтезини аниқлаб, артикулятция аъзолари ишининг такомиллашиб

бориб, нутқнинг семантик томонини ўзлаштирган сари боланинг талаффузи анча тўғри бўлиб боради ва мактабга бориш вақтида тилини фонетик нормаларига мос келади.

Ақли заиф болалар талаффузидаги нуқсонлар — нутқнинг тўлиқ ривожланмаганлигининг кўринишларидан биридир. Меёрида ривожланаётган болаларда кузатиладиган талаффуз нуқсонларидан фарқли ақли заиф болаларда учрайдиган талаффуз камчиликлари бошқа, анча мураккаб, шунинг учун ҳам бартараф этиш қийин бўлган сабабларга эга бўлади. Уларнинг асосида бола томонидан она тилини товуш томонини ўзлаштиришнинг секинлашганлиги ётади. Ақли заиф болага эшитилиши бўйича ўхшаш фонемаларни ажратиш ва сўзнинг товуш таҳлилидаги қийнчиликлардан намоён бўладиган фонетико-фонематик бузилишлар хосдир. Булар талаффуз нуқсонларини келтириб чиқаради. Ҳақиқатдан, ўхшаш товушларни етарлича аниқ ажрата олмасдан бола уларни тўғри талаффуз қилишни ўргана олмайди, чунки мустақил равишда ўзининг талаффузини назорат қилиш, такомиллаштира олмайди. Сўзнинг товуш таҳлили ва синтезнинг нуқсонлари ўз навбатида уларнинг тузилишини эгаллаб олишга тўсқинлик қилади. Сўзларда товушларни ташлаб кетиш, ўрнини алмаштириш, шунингдек, сўзни охиригача айтмасликка олиб келади.

Ақли заиф болаларда нутқнинг фонематик нуқсонлари турлича намоён бўлади. Баъзи болаларда улар яққол намоён бўлади. Болалар баъзи товушларни умуман талаффуз этмайдилар (Ш, Р, К ва бошқалар), бир қатор товушларни ноаниқ талаффуз этадилар (Л, З, Б), артикулятсияси ва эшитилиши бўйича ўхшаш товушлар алмаштирилади. Ақли заиф болаларнинг баъзиларда тутилиб гапириш кузатилиб, бу нуқсон товушлар талаффузининг бузилишлари ёки бошқа нутқ нуқсонлари билан биргаликда келиши мумкин. Шубҳасиз, талаффуз камчиликлари ақли заиф болаларда меёрида ривожланаётган болаларга қараганда кўпроқ учрайди.

Г.А.Кашенинг маълумотига кўра, ривожланишида нуқсони бўлган болаларининг 60% да у ёки бу даражадаги талаффуз нуқсонлари кузатилади.

Товушлар талаффузидаги нуқсонлар бартараф этилганидан сўнг ҳам ақли заиф болалар товушларни алоҳида талаффуз эта олсалар ҳам бу товушларни мустақил сўзлашишда қўллай олмайдилар. Чунки, алоҳида товушларни талаффузига қараганда товушлардан ўзининг фаол нуткида фойдаланиш ҳақиқатдан мураккаб фаолиятдир.

Ривожланишида нуқсони бўлган болалар билан алоқа қилишда улар нутқининг етарлича ифодали эмаслиги кўзга ташланади. Оғзаки нутқнинг фонетик ифодалилигининг асосий воситаси бўлиб жумлани акцентли ажратиш ва жумланинг интонацияси хизмат қилади. Ақли заиф болаларнинг оғзаки нуткида ифодали воситалар жуда заиф бўлади. Уларнинг нутқи монотонлиги, интонациясиз кераксиз паузалар билан характерланади. Алоҳида ҳолларда потологик секинлашган, паст ёки тезлашган, кўзгалган бўлади.

Ақли заиф болаларда сўзлар бойлиги одатда жуда секинлашган бўлиши кузатилади. Улар кўпинча доимо учрайдиган, яхши таниш бўлган предметларнинг номларини ҳам билмайдилар.

Луғат захирасининг камлиги ривожланишида нуқсони бўлган болаларга ўз фикрини, ҳис туйғу ва истакларини аниқ ифодалашга тўсқинлик қилибгина қолмасдан, балки бир қатор ҳолларда уларга қаратиб сўзланган нутқни тушунишларига ҳалақит беради. Бир томондан предметлар иккинчи томондан сўзлар ўртасидаги муносабатларнинг ўзига хослиги ақли заиф болаларда кузатиладиган предметлараро дифференциатсияси ҳақида маълумот беради. Ақли заиф болаларнинг кўпчилиги турли - туман предметларни нисбатан осон таниб номлайдилар. Аммо объектларнинг хусусиятлари ўртасида ўхшашлик мавжуд ҳолларда уларни номлашда ақли заиф болалар кескин қийинчиликка учрайдилар. Бундай хусусиятлар асосида болалар тафаккур жараёнлари, хусусан анализ ва синтезнинг ўзига хослиги ётади. Атрофдагиларнинг етарлича аниқ идрок эта олмай, англай олмасдан ақли заиф болалар предметларни дифференциациялаб номлайдилар ва умумлашган, мавҳум номлар билан чегараланиб қоладилар. Маълумки, болалар таниш сўзларни анча осон

талаффуз қиладилар ва ажратадилар. Демак, сўзнинг аҳамияти боланинг фонематик эшитишни йўналтириш ва ташкил этишда муҳим рол ўйнайди. Умумий ривожланишдаги нуқсонлар ақли заиф болалар томонидан атрофдагилар претметларни номлаб ёки ҳаракатларни бажараётиб талаффуз этаётган сўзларни тушунишга тўсқинлик қилади.

Сўзларнинг маъносини тушунишдаги нуқсонлар ўз навбатида фонематик эшитишнинг ривожланишини қийинлаштиради, шу билан бола нутқини шаклланишини тормозлайди.

Меъёрида ривожланаётган мактабгачагача ёшдаги болада нутқ ҳаётий тажрибани бевосита англантириш, атрофдагилар билан алоқа қилиш билан чамбарчас боғлиқ шаклланади. Боланинг фаол амалий ва билим фаолияти унинг тасаввурлари доирасини кенгайтиради, унда янги эҳтиёж ва қизиқишларни пайдо бўлишига туртки беради. Бу эса ўз навбатида болада катталар билан нутқий алоқа қилиш заруриятини кескин ошишига олиб келади. Катталар билан алоқа қилиш орқали бола ўзининг луғатини бойитади, сўзларнинг янги маъноларини билиб олади, сўз бирикмаларини ўзлаштиради, сўнгра улардан ўз истаклари, ҳислари, бошқа одамларга муносабатини ва ҳоказоларни ифода этиш учун фойдаланади. Кичик ёшдаги ақли заиф болаларда ҳам нутқнинг ривожланиши албатта унинг ҳаётий тажрибасини ошиши ва атрофдагилар билан алоқа қилиш билан боғлиқ. Аммо психиканинг умумий ривожланмай қолганлиги уларда тажрибани кенгайтириши секин ва нуқсонли кечади. Нуқсонли ривожланаётган амалий ва билиш фаолияти кўп ҳажмдаги турли тасаввурлар тез тўплаш учун етарлича асос бўла олмайди ва болада янги эҳтиёж ҳамда қизиқишларни пайдо бўлишига имкон ярата олмайди.

Савол ва топшириқлар

1. Мактабгачагача ёшдаги Ақли заиф болалар нутқининг ўзига хослиги

2. Мактабгачагача ёшдаги Ақли заиф болалар товушлар талаффузидаги камчиликлар ҳақида маълумот беринг
3. Ақли заиф болаларда нутқ бузилишининг турларини айтиб беринг.

Адабиётлар

1. Шоумаров Ғ.Б., Мамедов К.К. Руҳий ривожланиши сустлашган болалар, Т.: Ўқитувчи, 1995.
2. Петрова В.Г., Белякова И.В. Психология умствено отстающих школьников, М.: АКАДЕМА, 2004.
3. Мўминова Л.Р., Ш.М.Амирсаидова ва бошқалар. Махсус психология. Т.: Ўзбекистон файласуфлар миллий жамияти, 2013.

5-Мавзу Ривожланишида нуқсони бўлган болаларнинг фаолият хусусиятлари

Режа

1. Мактабгачагача ёшдаги ривожланишида нуқсони бўлган болаларнинг меҳнат фаолиятининг ўзига хослиги
2. Мактабгачагача ёшдаги ривожланишида нуқсони бўлган болаларнинг таълим фаолиятининг ўзига хослиги
3. Ўйин фаолияти- мактабгачагача ёшдаги Ақли заиф болаларни ривожланишида асосий фаолият сифатида

Таянч тушунчалар: Фаолият, ўйин фаолияти, меҳнат фаолияти, таълим фаолияти,

Инсон фаолиятининг асосий тури меҳнатдир. Меҳнат фаолиятни индивидуал ривожланишида бошқа фаолият турлари таснифланади: предметли, ўйин ва таълим фаолият. Ҳаётининг 1 йилида бола қўл ҳаракатларни англайдилар, предметлар билан такрорий ҳаракат бажарадилар. Меёрда ривожланаётган боланинг руҳий жараёнларини шакллантириш, уни шахсини ривожлантириш предметли фаолият асосида амалга ошади, бунда нутқни ривожлантириш муҳим ўрин тутади. Предметлар билан ҳаракат катталар

бошчилигида, улар назорати билан амалга ошади. Бу дастлабки кичик микдордаги ҳаракатлар бўлади.

Меҳнат маълум ижтимоий фойдали моддий ёки маънавий маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қаратилган фаолиятдан иборатдир. Меҳнат фаолияти одамнинг асосий, етакчи фаолиятидир. Кишиларнинг меҳнат фаолияти ўз моҳияти жиҳатидан ижтимоийдир. Жамият эҳтиёжлари меҳнат фаолиятини таркиб топтиради, уни аниқлайди, йўналтиради, уни аниқлайди ва бошқаради. Меҳнат тақсимооти туфайли, биронта киши ҳам ўзига керакли нарсаларни ўзи тўлиқ, охиригача ишлаб чиқармайди. Одам жамият учун керакли, жамият талаб қилган (эҳтиёжга кўра) нарсаларни ишлаб чиқаради. Ўзи учун керакли нарсаларни эса ўз меҳнати эвазига жамиятдан олади. Шахснинг эҳтиёжларининг қондирилиш механизми ва шакллари жамиятда ҳукмрон бўлган ишлаб чиқариш муносабатлари билан белгиланади. Шундай экан, одамнинг меҳнатда бажарадиган иш-ҳаракатлари биологик эҳтиёжлар билан белгиланмайди, балки кўзланган ишлаб чиқариш мақсади ҳамда бу мақсадни амалга оширишда унинг бошқа кишиларга муносабатлари билан белгиланади.

Меҳнат жараёнининг бундай хусусиятлари инсон фаолияти ва ҳайвонлар ҳатти-ҳаракатлар орасида катта тафовут борлигини кўрсатиб турибди.

Меҳнат фаолияти вазифалари- меҳнат ривожланишида нуксони бўлган болалар интернати тарбия иши умумий тизимида салмоқли ўрин тутади. Меҳнат фаолияти болаларда меҳнатга муносабат, унинг ижтимоий жамоат қадр-қимматини тушунишини тарбиялайди, жамоада ишлашни ўргатади. Ақли заиф болалар махсус таълимида асосий вазифалари бўлиб тегишли луғатни шакиллантириш ва фаоллантириш меҳнат фаолияти жараёнида сўзлашув нутқини ривожлантириш, махсус билимларни шакллантириш, ҳар қандай ишни мустақил бажаришга ўргатиш, фаолиятнинг ҳар хил турларида фикрлашни ривожлантириш, меҳнат операцияларини кетма-кетлигини режалаштириш бўйича, билимларни ошириш ҳисобланади. Махсус таълимда тарбияланувчиларнинг меҳнат фаолияти турли шаклларда амалга оширилади.

Ўз кийимларига қараш ва навбатчиликнинг ҳар хил турлари мураккаб бўлмаган билимларини эгаллаш хона ўсимликларига қараш.

Бажариладиган ҳар бир иш алоҳида ҳаракатни кўрсатиб бериш асосида олиб борилади. Зарур меҳнат операцияларини босқичма-босқич ўрганишда ёши ва қобилиятига кўра меҳнат вазифаларини аста-секин мураккаблаштирган ҳолда коррекцион ишлар амалга оширилади.

Бундан ташқари тарбияланувчилар ўртасида оғзаки сўзлашишни ўргатиш учун меҳнат фаолиятдан фойдаланиш, мусобақалар ташкил этиш мумкин. Меҳнат вазифалари фойдали бўлиши керак, уларни бажаришни топшириш эса, тарбиячининг ишончидан гувоҳлик беради. Меҳнатдан жазолаш воситаси сифатида фойдаланиш мумкин эмас.

Ақли заиф болалар таълим фаолияти. Таълим фаолияти ўсиб келаётган инсонни мустақил амалий фаолиятга тайёрлайди. Таълим – икки томонлама жараёنни кўзда тутди: билим бериш ва эгаллаш. Билим эгаллаш тарбиячи раҳбарлигида амалга ошади ва болаларларни ижодий фаолиятини ривожлантиришга қаратилади. Ривожланишида нуқсони болаларни ўқитишда таълим фаолият ва ўқув қизиқишларини тарбиялаш катта куч-қувват талаб қилади, хусусан қар болда таълим олишнинг тор, чегараланган мотивлари бўлади. Болалар фақат ота-онасини ҳафа қилмаслик учун синфда обрўга эга бўлиш, тарбиячидан мақтов эшитиш учун таълим оладилар.

Ақли заиф болалар фаолиятида уни атрофдагиларга фаол муносабатни намоён бўлади. Фаолият ихтиёрий ҳаракатлар воситасида амалга ошувчи ҳолатлардан таркиб топади. Инсон ўз ҳаракатларини сезги ва идрок асосида назорат қилади. Шу сабабли нормал ривожланувчи болда ҳаракат назоратида катта рол эшитишга берилади. Товушлар, овозларни қабул қилиб бола ҳаракатларини бир ритмилиги, яхлитлигини назорат қилади. Бундай жараёнда эшитув ва кўрув сезгисидан ташқари кинестетик сезги-идрок муҳим аҳамият касб этади.

Ақли заиф болалар ҳаётида маълум даражада босувчи тактил-вибрацион сезги ривожланиб боради. Бола вибрацияларга кўра атроф олам ҳақидаги дунё ҳақида билимга эга бўла бошлайди. Шундай қилиб, тактил-вибрацион назоратга кўрув назорат қўшилади. Бу болага ўз кинестетик сезгиларини тўлиқ англашга ёрдам беради.

Ақли заиф болалар олдига қўйилган мақсад ва уни амалга ошириш йўллари муслаштиришга қийналадилар. Улар мақсадга етишиш шароит ва талаблари мос таҳлил қилишга қийналадилар, фаолиятни амалга оширишни режасига эга бўлмайдилар. Ақли заиф болалар айрим фаолият турларини фақат тарбиячи кўрсатмаси ёки тақлид асосида амалга оширадилар, чунки улар мустақил ҳаракатларни кетма-кетлиги аниқлай олмайдилар. Хусусан, амалий ишларда мастер фаолиятини кузатиб, Ақли заиф болалар унинг ҳаракатларини кетма-кетликда бажара олмайдилар. Фаолиятни тўлиқ мақсадга қаратилмагани натижаларга танқидий ёндашувни юзага келмаслигига олиб келади.

Ақли заиф болаларни таълим-тарбиясида уларда кўрув, тактил-вибрацион ва кинестетик назоратни шакллантириши талаб этилади. Бундай назорат жисмоний, тарбия, меҳнат ва тасвирий саънат машғулотларида шакллантирилади.

Ривожланишида нуқсони бўлган болалар ўз фаолиятини режалаштириш ва ўзини назорат этишга ўргатиш муҳимдир.

Аста-секин ривожланишида нуқсони бўлган болалар таълим фаолияти мазмун ва мақсадга мувофиқлик аксини олади. Бу жараёнда билим асосида нималарга назарий билим ва амалий маҳоратни ўргатиш алоҳида ташкиллаштирилган шаклларда олиб борилади.

Коррекцион ривожлантирувчи вазифалар ривожланишидаги нуқсонни бартараф қилишга йуналтирилган ижтимоий ишни ўтказилишини тақозо этади. Болаларнинг нутқини ривожлантиришга ақлий фаолиятини фаоллаштиришга қаратилган бўлади. Коррекцион ривожлантирувчи вазифалар тарбиячи

томонидан болаларнинг доимий билим олиш асосларида амалга оширилади. Таълимий, тарбиявий, ва коррекцион ривожлантирувчи вазифалар узвий боғланган ҳолда олиб борилади.

Таракқиёт давомида шундай вақт келадики, унда боланинг ҳаётига алоҳида фаолият тури кириб келади. Бу фаолиятнинг шундай турики, унинг бевосита мақсади маълум информациялар, ҳаракатлар ва иш-ҳаракатлар шакллари ўзлаштиришдан иборатдир. Субъектнинг ўз мақсади ўрганишдан иборат бўлган мана шундай махсус фаолиятни таълим (ўқув) деб аталади. Таълим фаолияти ўз таркибига қуйидагиларни олади:

а) маълум бир идеал ва амалий фаолият турини муваффақият билан ташкил қилиш учун нарс ва ҳодисаларнинг зарур хусусиятлари ҳақидаги информацияларни ўзлаштириш (бу жараённинг маҳсулоти билимдир);

б) мана шу фаолият турларини юзага келтирадиган усул ва оператсияларни ўзлаштириш (бу жараёнларнинг маҳсулоти малакалардан иборат бўлади);

в) кўзланган мақсад ва берилган масала шартига мос равишда тўғри йўл ва операция танлаш ҳамда назорат қилиш учун кўрсатилган информациялардан фойдаланиш усулларни егаллаш (бу жараённинг маҳсули - кўникмадан иборат бўлади). Шундай қилиб, инсоннинг маълум билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштиришда онгли мақсад билан бошқариладиган барча ҳаракатлари таълим билан боғлиқ бўлади. Таълим жараёни инсониятнинг ижтимоий тажрибасини ўзлаштиришга ёъналтирилгандир.

Таълим фаолияти болаларга, ёшларга билим бериб қолмай, уларни ўз ҳаракатларини, операциялари ва малака, тажрибаларни, билиш жараёнларини бошқариш ўргатишга йўналтирилган. Таълим фаолияти одамни меҳнат фаолиятига тайёрлайди.

Ўйин фаолияти. Мактабгачагача ёшдаги қар болаларнинг асосий фаолияти (3-7 ёш) ўйин фаолияти саналади. Ўйиннинг ҳаракатли, дидактик ва сюжетли-ролли турлари таснифланади. Сюжетли-ролли турлари таснифнифланади. Сюжетли-ролли ўйин жараёнида болалар ўзларига берилган

роллар асосида катта одамлар ҳаёти, уларнинг фаолияти ва ўзаро муносабатини ифодалайди. Ўйин давомида атроф-олам ҳақидаги тасаввур аниқланади, чуқурлашади, уларни билими кенгаяди, қизиқишлари шаклланади (хайвонлар, китоб, меҳнат фаолиятига қизиқиш). Ўйин жараёнида болалар ижтимоий хулқ қоидаларини эгаллайдилар.

Сюжетли-ролли ўйин болани ўрганиш воситаси саналади, хусусан уйда бола ўз хусусиятларини имкониятини очиб беради. Ривожланишида нуқсони бўлган болалар меёрдаги бола сингари барча ўйин турларини севиб ўйнайди. Болалар сюжетли-ролли ўйинда катталар фаолияти ва ўзаро муносабати акс этади. Дунёқарашни, дунёни идрок этишни нутқий мулоқот чегараланганлиги сабаби ўзига хос бўлгани учун уларни сюжетли-ролли ўйин фаолияти эшитувчи болаларнинг ўйин фаолиятидан фарқ қилади. Ақли заиф болалар ўйинлари эшитувчи болаларга нисбатан предмет процессуал даражада тўхтаб туради ҳамда жуда содда кўринишида бўлади. Предметларни ўйин жараёнида қўллашда соғлом болалар уни янги номини қўллашади. Ақли заиф болалар предметларни алмаштиришда қийинчиликларга учрайдилар. Катталар қаламни қошиқ ёки кубикни дазмол ўрнида қўллашни айтсалар ва бола бунини амалга оширса, бу уни қалам билан овқат ейиши ва кубик билан дазмол қилишни бошлайди дегани эмас. Сюжетли-ролли ўйин жараёнида умумий ва нутқий ривожланиш даражасига кўра мураккаблашади. Улар оддий предмет ҳаракатидан инсон ўзаро муносабат ва сезгиларини тасвирлашга ўтадилар. Унинг фаолияти педагогик раҳбарлигига боғлиқ бўлади. Махсус таълим жараёнида ўйин фаолияти ўзгаради, турли мазмунга эга сюжетли-ролли ўйинлар юзага келади. Сюжетли-ролли ўйинлар мактабгача ёшида ҳам сақланиб қолади. Болаларда турли қоидаларга эга интеллектуал ўйинлар катта ўринга эга.

Ҳаётининг биринчи йилларидаёқ болада фаолиятнинг оддий шакллари ўзлаштириши учун дастлабки шарт - шароитлар таркиб топа бошлайди. Улардан биринчиси ўйин фаолияти ҳисобланади. Маълумки, ўйин

фаолиятини ҳайвонларнинг болаларида ҳам кузатилади. Бу - уларнинг турли хилдаги хархашаларидан, уришишни тақлид қилиши, у ёқдан - буёққа чопиши ва ҳокозолардан иборатдир. Ўйин фаолияти билан организмда куч - қувват алмашинуви ўртасидаги боғланиш ўйинга нисбатан майилнинг туғилишига олиб келади. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ўйин болаларда ҳам ўз фаоллигини рўёбга чиқариш шакли, ҳаёт кечириш ва фаолият кўрсатиш шакли бўлиб хизмат қилади. Боланинг ўйин ҳаракатлари аввал бошданок буюмлардан фойдаланишнинг инсоний усуллари ва амалий хулқ - атворининг катта ёшдагилар билан мулоқот жараёнида ва катта ёшдагилар раҳбарлигида ўзлаштирилиб олинadиган инсоний шакллари замирида ривожланиб боради.

Ўйин фаолияти туфайли сўзнинг аҳамиятини буюмнинг ташқи кўринишидан амалда ажратилади ва бу моҳият буюм устидаги ҳаракатлар билан, унинг киши фаолиятидаги вазифаси билан боғланади. Буюмларга бўлган муносабат одамларнинг буюмларга нисбатан функсиялари сифатида номоён бўла бошлайди. Ролли ўйинлар пайдо бўлади. Ролли ўйинларда бола катта ёшдаги кишиларда ўзи кузатган ижтимоий функсияларини, уларнинг шахс сифатидаги хулқ - атворини айнан такрорлайди.

Ўйин мактабгачагача тарбия ёшидаги болаларнинг асосий фаолияти бўлиб, у орқали бола шахс сифатида шаклланади. Ўйин боланинг келажакдаги ўқув, меҳнат фаолияти, кишиларга муносабатининг қай даражада шаклланиб боришини белгилайди.

А.В.Запорожец болалар ўйинининг илк ёшдан бошлаб кузатиб бориш натижасида уни хфракатга келтирувчи сабаблар, ривожланиш қонуниятлари, ҳар хил ёш босқичларида болалар ўйинининг ўзига хос томонлари, мазмуни ва тузилишини ўрганиш зарурлигини таъкидлайди.

Болалар боғчасининг педагогик жараёнида ўйиннинг тутган ўрни жуда кагга бўлиб, ўйиндан мактабгачагача тарбия ёшдаги болаларни тарбиялаш ва уларга таълим боришда кснг фойдаланилади. Зеро:

- ўйин болаларнинг мустақил фаолияти бўлиб, унда боланинг руҳияти намоён бўлади;
- ўйин мактабгачагача тарбия ёшдаги болалар ҳаётини ташкил этиш шаклидир;
- ўйин болаларни ҳар томонлама тарбиялаш воситаларидан биридир;

- ўйин болаларга таълим ва тарбия беришнинг метод ва усулидир;
- ўйин болаларни ўқув фаолиятига тайёрлаш воситасидир;

Таниқли педагог олимларнинг олиб борган тадқиқотлари ўйинга комплекс раҳбарлик қилиши орқали болаларга ахлоқий муносабатлари, болалар ўйинининг ривожланиши даражасига таъсир этиш мумкинлигини кўрсатади.

Болалар ўйини ўзининг мазмуни, хусусияти, ташкил этилишига кўра хилма-хилдир, шуниигучун уни қуйидагича туркумларга ажратилади:

1. Ижодий ўйинлар.
2. Қоидалар ўйинлар.

Ижодий ўйинлар болалар ўзлари ўйлаб топишади. Унда олдиндан белгиланган қоидалар бўлмайди. Ўйин қоидасини болалар ўзлари ўйин жараёнида белгилашади.

Ижодий ўйинларга драммалашган ўйинлар, қурилиш ўйинлари, табиий материаллар билан ўйналадиган ўйинлар киради.

Қоидалар ўйинларнинг мазмуни ва қоидаси катталар томонидан белгиланади. Қоидалар ўйинларга қуйидагилар киради: дидактик ўйинлар, ҳаракатли ўйинлар, мусиқали ўйинлар, эрмак ўйинлар.

Болаларга таълим тарбия бериш мақсадида катталарнинг ўйинни танлай билиши, унга тўғри раҳбарлик қилиш керак. Болалар боғчасида «таълим ва тарбия дастури» да белгиланган вазифаларни муваффақиятли амалга оширишни таъминлайди.

Ўйин болаларни ривожлантириш ва тарбиялаш воситасидир.

Психологлар ўйинни боғча ёши даврида етакчи фаолият деб ҳисобландилар. Ўйин туфайли боланинг юқори ривожланиш босқичига ўтишни таъминловчи сифатлар шаклланади, уни руҳиятида сезиларли ўзгаришлар юз беради.

Ўйинда бола шахсининг ҳамма томони бир-бирига ўзаро таъсир этган ҳолда шаклланади. Уйнаётган болани кузатаётган унинг қизиқишларини, теварак-атроф тўғрисидаги тасаввурини, катталарга ва ўртоқларига бўлган муносабатини билиб олиш мумкин.

Шахсдаги бирон сифатни тарбиялаш учун унинг бошқа томонларини ҳам ривожлантириш керак. Масалан, боланинг ўйинга қизиқишини, ташкилотчилик қобилиятини ривожлантириш учун мазмуни жиҳатидан бой

ўйинлар яратилиши керак. Болаларнинг ижодий ўйинларини ривожлантириш учун эса ўз навбатида яхши ташкил қилинган болалар жамоаси зарур бўлади.

Ўйин болаларни жисмоний тарбиялаш системасида, боғчанинг таълим-тарбия ишида ахлоқий, меҳнат ва эстетик томонидан тарбиялашда катта ўрин тутади.

Ўйинда ёш организмга хос бўлган талаб ва эҳтиёжлар қондирилади, ҳаётий фаоллик ортади, бирдамлик, тетиклик, қувноқлик тарбияланади. Шунинг учун ҳам болаларни жисмоний тарбиялаш системасида ўйин муносиб ўрин эгаллайди. Атоқли педагог ва шифокор Н.А.Аркин ўйинни руҳий витамин деб бекорга айтмаган.

Ўйин таълим ва машғулотлар билан, кундалик ҳаётдаги кузатишлар билан узвий боғлиқ бўлиб жуда катта таълимий-тарбиявий аҳамиятга эгадир. Ижодий ўйинлардан муҳим билимларни эгаллаш жараёни юзага келади, бу боланинг ақлий кучини ишга солади, тафаккурни, ҳаёлни, диққатни, хотирани фаоллаштиришни талаб қилади. Бола масалаларни мустақил ҳал қилишга ўрганади, ўйлаган нарсасини амалга ошириш учун яхшироқ ва осонроқ усул ўйлаб топади, ўз билимларидан фойдаланиш ва уни сўз билан ифодалашни ўрганади.

Ўйинда акс эттирилаяётган нарсани билиб олишга қизиқиш уйғотади. Кўпинча ўйин болаларга янги билим бериш ва уларнинг фикрини, билиш доирасини кенгайтириш учун хизмат қилади. Болаларда катталарнинг меҳнатига, ижтимоий ҳаётга, кишиларнинг қаҳрамонона ишларига қизиқиш сари уларда бўлажак мутахассислик, яхши кўрган қаҳрамонларига таҳдид қилиш каби дастлабки орзулар пайдо бўлади.

А.В. Запорожец ўйиннинг аҳамияти ҳақида гапирар экан, ўйинда теvarак-атрофдаги предмет ва воқеаларнинг умумлашган типик образлари уюшмасини яратиш қобилияти ривожланади, кейин улар ҳар хил қилиб, ўзгартирилади. Боланинг келажақдаги бутун ривожланиши учун ҳаёл ёки образни тафаккурнинг бундай ривожланиш хусусияти бебаҳо қимматга эгадир, дейди.

Ижодий ўйинни тор дидактик мақсадларга бўйсундириб бўлмайди, бу ўйин ёрдамида жуда катта тарбиявий вазифалар ҳал қилинади.

Қоидали ўйин боланинг сенсор ривожланиши, тафаккур ва нутқини, ихтиёрсиз диққатини ва хотирасини, ҳар хил ҳаракатларини мунтазам равишда машқ қилдириб бориш имконини беради. Ҳар бир қоидали ўйин маълум

дидактик мақсадга эга бўлиб, болани умумий ривожлантиришга қаратилган бўлади. Таълимнинг ўйин шаклида бўлиши муҳим аҳамиятга эга бўлиб, боланинг ёш хусусиятларига мос келади. Қизиқарли ўйин боланинг фаоллигини оширади, ўйинда бола машғулотдагига нисбатан мураккаброқ масалани ҳал қилиши мумкин.

Таълим турли-туман усуллар ва методларни қўллашни талаб этади. Ўйин таълимнинг шаклларида бири бўлиб, бошқа бир метод билан қўшиб олиб борилгандагина яхши натижа беради, бу кузатиш, суҳбат, ўқиб бериш ва ҳоказолардир.

Ўйинда ақлий ривожланиш билан боғлиқ ҳолда ахлоқий сифатлар ҳам шаклланади. Ўйин жараёнида юз берган кечинмалар бола онгида чуқур из қолдиради, шунинг учун ўйин болада яхши ҳислатни, улуғвор орзулар ва интилишларни, соғлом қизиқишларни тарбиялашга ёрдам беради. Ўйинда бола ўз хулқини бошқаришга, қийинчиликни енгишга, ўз мақсадида қатъий туриб етишишга ўрганади.

Ўйин мустақил фаолият бўлиб, бу жараёнда болалар ўз тенгдошлари билан алоқа қилишга киришадилар. Уларни умумий мақсад, унга эришишдаги умумий кечинмалар бирлаштиради. Шунинг учун ўйин дўстона муносабатларни тарбиялашда, жамоа ҳаёти малакаларини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Биргаликдаги ўйин билан бирлашган кичик болалар жамоасида мураккаб муносабатлар вужудга келади. Тарбиячининг вазифаси ҳар бир болани фаол ўйинга жалб қилиш, болалар ўртасида дўстликка, ҳаққонийликка, ўртоқдарини жавобгарликни сезишга асосланган муносабатлар ўрнатишдан иборатдир. Ўйинни болалар ўз ихтиёрлари билан ўйнайдилар, аммо бошқа ҳеч бир фаолиятда ўйиндаги сингари болаларнинг хулқ билан боғлиқ бўлган қатъий қоида йўқ. Бундай қатъий қоида ижодий ўйинга ҳам, қоидали ўйинга ҳам, қоидани болалар ўзлари ўрнатадиган ўйинга ҳам тегишлидир. Мана шунинг учун ҳам ўйин болаларни интизомли қилади, уларни ўз ҳаракатлари ва фикрларини қўйилган мақсадга бўйсундиришга ўргатади.

Ўйинларнинг турлари, мазмуни уларни ҳар бир ёш гуруҳлари бўйича ташкил этишин тақозо қилади. Ўйин педагогик жараёнда меҳнат ва таълим, болаларнинг бошқа фаолиятлари билан ўзаро боғлиқ ҳолда олиб борилади.

Ўйинда болалар теvarак-атрофдаги воқеликни амалий жиҳатдан ўзлаштириб боради. Болалар ўйин жараёнида билимларни ўзлаштириш, уни такомиллаштиришни асосий мақсад қилиб қўймайдилар, бироқ катталардек ҳаракат қилиш, бошқа болалар билан алоқага киришиш ўйин вазифаларнинг

жозибадорлиги, мусобақа ва шунга ўхшашлар боланинг билимларини эгаллаб, мустаҳкамлаб боришни тақозо этади. Болалар ҳатто дидактик ўйинларни ҳам бирон нарсани билиб олиш учун ўйнамайдилар. Аммо ўйин жараёнида боланинг билими ўзи сезмаган ҳолда ўз-ўзидан такомиллашиб боради.

Таълим жараёнида болаларнинг билимини шакллантирувчи аниқ мақсад қўйилади. Тарбиячи болаларни янги билимлардан хабардор қилади, уларда ўқув фаолиятининг энг оддий малакаларини шакллантириб боради. Таълимнинг хусусияти ва мазмуни болалар ўйинлари мазмунига таъсир этиб, уни ривожлантиради. Машғулотларда, экскурсияларда эгаллаган билимлар болаларнинг ўйин фаолиятини, қизиқишларини ривожлантиради.

Иккинчи томондан, турли хил методлар билан ўтказиладиган машғулотларда турли-туман ўйин усулларида ҳам фойдаланилади. Бундай усуллар болалар диққатини тўплаш, улар идрокини фаоллаштириш, билимларини тўлароқ ўзлаштириб олиш имконини яратади.

Педагогик жараёнда меҳнат билан ўйин ўртасида умумийлик ва фарқ; борлигини ҳам айтиб ўтиш керак. Болаларнинг қўл меҳнати ўйин билан бевосита боғлиқ. Айниқса, катта гуруҳга борганларида болалар мавжуд ўйинчоклар билан ўйнабгина қолмай, етишмаганларни ўзлари катталар ёрдамида қогоз, ёғоч, картон, табиий материаллардан ясаб оладилар.

Кейинги йилларда олиб борилган илмий тадқиқот ишлари (В.И.Логинова, М.В.Крулехт) натижалари шуни кўрсатадики, кичик гуруҳлардаги меҳнат фаолиятига ўйин хусусиятларини киритишни тақозо этади. Маълум бўлишича аввал болалар катталар меҳнат жараёнини қандай бажарганларини ўзлаштириб олиб, кейин ўз ўйинларида бунини акс эттирар эканлар, шундан кейинги мустақил меҳнат фаолиятига ўтар эканлар.

Болалар меҳнати қизиқарли бўлиши учун кўпинча ўйин тарзида ўтилади. Масалан, майдончани тозалаганда болалар ахлатларни замбилларда ташиши ўрнига машиналарида ташийдилар, устахонада картонлардан қутичилар ясайдилар ва ҳоказо.

Болалар ўз ўйинларида катталар меҳнатини акс эттиришлари уларда бу меҳнатга ҳурматни шакллантириб боради. Бу ҳам ўйиннинг меҳнат билан боғлиқлигига мисол бўла олади. Шундай қилиб, ўйин яхши йўлга қўйилган педагогик жараёнда болаларнинг бутун ҳаётини камраб олади ва унинг қизиқарли таъминлайди.

Болалар ўйинининг ўзига хослиги шундаки, у теварак-атрофдаги ҳаётни, кишиларнинг фаолияти, ишлари, ҳаракатларини, уларнинг иш жараёнидаги ўзаро муносабатларини акс эттиради. Ўйин пайтида хона болалар учун денгиз, ўрмон, метро станцияси, темир йўл вагони бўлиши мумкин ва ҳ. к.;

Болалар ўйинининг яна бир хусусияти унинг хаваскорлик тарзида бўлишидир (хусусий фаолият). Бу унинг ташқи белгилари бўлмай, балки ҳақиқий моҳиятидир. Ўйиннинг ижодкори, яратувчиси-болалардир. Улар ўйинда ўзларига таниш бўлган ҳаётини воқеа ва ҳодисаларни уларга бўлган муносабатларини акс эттирадilar.

Болалар ўйинининг яна бир ўзига хос хусусияти - унда ҳаракат, сўз ва образларнинг ўзаро боғланиб кетишидир. Ўйинда бола ўзи акс эттираётган қаҳрамонларнинг хис- ҳаяжони, кечинмалари, ҳаракатлари билан яшайди.

Бола ҳеч қачон жим ўйнамайди, битта ўзи ўйнаса ҳам у ўйинчоқ билан гаплашади, ўзи тасвирлаётган қаҳрамон билан мулоқот ўрнатади, онаси, бемор, шифокор, хуллас ҳаммаҳамманинг ўрнига ўзи гапираверади. Сўз образнинг яхшироқ очилишига бир хилда ёрдам беради.

Нутқ ўйин жараёнида жуда катта аҳамиятга эга. Нутқ орқали болалар фикр алмашади, ўз хис-туйғу, кечинмаларини ўртоқлашади. Сўз болалар ўртасида дўстона муносабатлар ўрнатилишига теварак-атрофдаги ҳаёт воқеалари ва фактларига бир хилда муносабатда бўлишга ёрдам беради.

Ўйинда образ, ўйин ҳаракати, сўз ўзаро боғланиб, ўйин фаолиятининг асосий негизини ташкил этади, борлиқни акс эттириш воситаси бўлиб, хизмат қўлади.

Болаларнинг ўйинлари қизиқарли, мазмунли бўлиши учун ўйиннинг ҳамма турларидан ўринли фойдаланилса, болаларга таълим бериш ва уларни тарбиялашда ижобий натижаларга эришилади.

Ўйинлар болаларнинг жисмоний етук бўлиши, ақлий ва ахлоқий жихатдан тарбияланишлари, нутқ нуқсонини бартараф этиш учун муҳим аҳамиятга эга. Шу билан бирга ўйин болаларни ривожланиши учун шароит яратади, яъни ўйин жараёнида ўзаро муносабат малакалари пайдо бўлади, мураккаб ахлоқий, хис-туйғулар шакллана боради.

Ҳар бир ўйин тарбия воситаси бўлиб хизмат қилади.

Ўйинни туғри танлаш ва болалар билан туғри ўтказиш жуда муҳим аҳамиятга эга.

Ўйинни ўтказиш жараёнини шундай уюштириш керак-ки, унда болалар уртоқларча муносабатда бўлиши, ватанпарварлик, ижтимоий фойдали меҳнатга туғри муносабатда бўлишини ургансин.

Ўйин болалар учун ҳақиқий ҳаётдир. Туғри ташкил қилинган ўйин нутқида нуқсони бўлган болаларда янги сўзларни ишлатиш учун эҳтиёж туғдиради, уларнинг луғат бойлиги ошади, нутқидаги камчиллар коррекцияланиб борилади.

Машхур шифокор ва педагог Е.А. Аркин ўйин болаланинг жисмоний ривожланишига катта таъсир этади деб таъкидлайди.

Ўйин боланинг асосий фаолияти ҳисобланади. Ўйин боланинг гармоник ривожланишининг психик жараёнлари шахс ва интеллектини ривожлантиради. Машхур психолог Д.Б. Эльконин ўз текширишларида шунини аниқладики: ўйин барча психик жараёнларнинг элементларидан тортиб энг мураккаб психик жараёнларнинг ривожланишига таъсир этади. Ушбу кўрсаткичларни инобатга олган ҳолда тарбиячилар ўйини туғри ва мазмун жиҳатдан болаларнинг ёшига мос қилиб танлашлари керак.

Ўйин фаолияти орқали болаларда қуйдаги вазифалар амалга оширилади:

1. Ўйин орқали шахснинг маълум бир фаолиятига бўлган қизиқиши ортади.
2. Коммуникатив мулоқат маданиятини эгаллашга ёрдам беради.
3. Шахснинг ўз иқтидори, қизиқиши билим ва ўзлигини намоён этишга имкон яратади.
4. Ҳаётда ва ўйин жараёнида юз берадиган турли қийинчиликларни енгишга тайёрлайди, мулжални туғри олиш кўникмаларни ҳосил қилади.
5. Ўйин жараёнида ижтимоий нормаларга мос ҳуқ-атворни эгаллаш, қамчиликларни барҳам бериш имконияти яратилади.
6. Шахснинг ижобий ҳислат ва фазилатларини шакллантиришга замин тайёрлайди.
7. Инсоният учун аҳамиятли бўлган қадриятлар тизими, айниқса, ижтимоий, маънавий-маданий ва умуминсоний қадриятларни ўрганишга эътибор қаратилади.

8. Ўйин иштирокчиларида жамоа мулоқат маданиятини ривожлантириш кўзда тутилади.

9. Ўйин ва ўйин машқлари тортинчоқ болаларни ҳам фоаллаштиришга ёрдам бередди.

10. Ўйин болалани нутқини ривожлантиришда катта аҳамиятга эга бўлиб, ўйин ва машқларда нутқий материал онгли равишда ўзлаштирилиб, механик ёдлашга йўл қўйилмайди.

11. Такрорлаш ва мустахкамлаш жараёнида нутқий материал системалаштирилади, умумлаштирилади, болалар ҳар бир буюмнинг ўзига хос сифат ва хусусиятларини билиб оладилар.

Ўйин мавзусини танлашда тарбиячи мавзунинг дастур талабларига мувофиқлигини, ҳамда тушунарлилигини ҳисобга олади. Ўйинларнинг ҳаддан ташқари турли-туман бўлишига ортиқча эътибор бериш ҳам тўғри эмас. Баъзан турли таълимий вазифаларни амалга оширишда битта ўйинни турли вариантларда ўтказиш ҳам яхши натижалар беради.

Логопедик ўйинларни ташкил этишда, логопеднинг иши ўйинларни туғри ташкил этишга қаратилган бўлиши керак, тарбиявий ташкилий ишлардан фарқли равишда.

Чунки логопад болалар кўп ҳолларда соғломдирлар ва уларнинг ўйинга бўлган эҳтиёжлари ўз тенгқурларидекдир. Лекин шу билан бирга улар ўз тенгқурларидан фарқ қиладилар. Бу фарқ жисмоний ривожланишида, моторикасида, паряз параличларида кўзатилади.

Нутқ камчилиги психик сферага, айниқса шу асосда: қўзғалувчанлик, депрессив ҳолатлари, негативизм, тормозланиш ҳоллари, камситганлик ҳолатлари кўзатилади.

Кўзатишлар шуни кўрсатадики, ҳатто мактабгачагача ёшдаги болаларда ўз камчилигини сезган ҳолда ўзларини камситилгандек сезадилар. Бундай ҳолатлар боланинг ўзига, жамоага бўлган муносабатида уни баҳолашда кўзатилади. Бундай ҳолатларнинг барчаси боланинг ҳаракатига ва ҳуқига таъсир этади. Бу болалар ўйнида ҳам сезилади. Г.В. Косованинг кўзатишича бундай болалар тенгқурлари билан ўйнашда ўзларини четга оладилар, чунки кулгу ҳолатига тушиб қолишдан қўрқадилар. Лекин ўйин мазмунини ва қондаси улар учун лойиқдир.

Умумий ва нутқ маторикасининг бўзилиши (дизартрикларда) болаларда ўйинда тез чарчаб қолиши кўзтилади.Харакатбесовталиги,ўзига ишончсизлик,нутқий чарчашлар коллектив ўйинга киришида қийинчилик туғдиради.

Алалик болаларда,ўйинчоқлар билан ўйналадиган ўйин мазмуни ва мақсадга йуналтирилган ҳаракатни билдирмайди.Ўйин уларда бир хил мазмунни ва тақлидни акс эттиради.Купинча улар ўйинчоқларни бир қулдан иккинчи қуларига ўтказадилар,ўйинчоқни кўзатадилар,лекин ўйнамайдилар.

Дудуқланувчи болаларда ўйинда уятчанлик,нотўғри нутқидан қурқиб ўйинга тез кириша олмасликларини кўзатамиз.Улар ўйинда кўпинча томошабин бўладилар ёки иккиламчи ролларни танлайдилар.

Дидактикада ўйинлар ижодий ёки сюжетли-ролли ва қоидали ўйинларга бўлинади.Қоидали ўйинлар ўз навбатида дидактик ва ҳаракатли ўйинларга бўлинади.

Ижодий ўйинларни мазмунини болаларнинг ўзлари уйлаб топадилар ва уларда ўз таасуротларини,борлиқ ҳақидаги тушунчаларини ҳамда унга муносабатларини акс эттирадилар.

Қоидали ўйинлардаэса тайёр ўйин мазмуни,аниқ қоидалари,ҳаракатларини кетма-кетлиги олдиндан белгиланган.Ижодий ўйинлар билан қоидали ўйинларни фарқи шундаки: ижодий ўйинда болаларни фаоллиги сюжетни ривожланишига қаратилган булса,қоидали ўйинларда эса ақлий вазифани бажариш қоидаларга амал қилиш биринчи уринда бўлади.

Мактабгачагача ёшдаги болаларни асосий фаолияти бу ўйиндир. Ҳар қандай ўйин турлари,ўйин элементлари,нутқида нуқсони бор болалар билан олиб бориладиган коррекцион ишларни барча босқичларида фойдаланилади.(М.Ф.Брунс,Н.А.Власова,Г.А.Волкова,И.И.Демина,Е.Ф.Рау,В.И .Рожественская,М.Е.Хватцев ва бошқалар)

Ўйин фаолиятдан кўп қиррали (кенг)фойдаланиш,ўйин орқали болага ҳар томонлама таъсир этишдир.

Мактабгачагача тарбия ёшида нутқида нуқсони бор болаларга таъсир этиш воситаси сифатида қоидали ўйинлар дидактик ва ҳаракатли ўйинлардан фойдаланилади. Аксарият педагог ва психологлар ўйин назарияси билан шуғилланиб келганлар. Уларнинг фикрича ўйинлар болаларнинг маънавий ва

ахлоқий камолотида уларнинг мукаммал инсон бўлиб, камол топишида ғоят катта тарбиявий таъсир қудратига эгадир. Ўйин орқали болалар жамоа бўлиб яшашга, уюшқоқликка биргаликда ижод қилишга, мустақилликка ўрганадилар. Ахлоқий сифатлари ва тушунчалари, фазилатлари таркиб топади.

Нутқ камчилигига эга бўлган болалар билан ишлашда ўйин элементлари, ўйин усулларида фойдаланиш кенг тарқалган.

Муаллифларнинг аксарияти ўйинни нутқга таъсир этувчи восита сифатида қарашган.

Власова логопедик ишларни барча босқичларида расмли ўйинлардан кенг фойдаланишни таклиф этди:

- 1) расмларни номлаш
- 2) расмли лото ўйини, расмга қараб гапириш.
- 3) диққат ва хитирани ривожланиши учун таниш расмлар юзасидан савол-жавоб ўтказиш.
- 4) нутқ машқларини аввал таниш расмларни таърифлаб бериш, сунг нотаниш бир қатор расмлар бўйича ҳикоя тузиш.
- 5) Тинглаган ҳикояларни гапириб бериш.
- 6) ички нутқ кўргазмасиз машқ қилиш.

М.Ф.Брунс фикрича ўйин орқали дудукланадиган болани характери шаклланади, уни интизоми, жамоага муносиб тафаккури фаол нутқ фаолияти шаклланади. Ўйинда эмоционал томони болаларда қизиқиш уйғотади ва логопедга болага керакли вақтда таъсир кўрсатиш учун имконият беради.

Ўйин болаларни жисмоний тарбиялаш системасида, боғчанинг таълим-тарбия ишида ахлоқий, меҳнат ва эстетик томонидан тарбиялашда катта ўрин тутди.

Ўйинда ёш организмга хос бўлган талаб ва эҳтиёжлар қондирилади, ҳаётий фаоллик ортади, бирдамлик, тетиклик, қувноқлик тарбияланади. Шунинг учун ҳам болаларни жисмоний тарбиялаш системасида ўйин муносиб урин эгаллайди. Атоқли педагог ва шифокор Е.А.Аркин ўйин рухий витамин деб бекорга айтмаган.

Ўйин таълим ва машғулотлар билан, кўндалик ҳаётдаги кўзатишлар билан ўзвий боғлиқ бўлиб жуда катта таълимий-тарбиявий аҳамиятга эгадир. Ижодий

ўйинлардан муҳим билимларни эгаллаш жараёни юзага келади, бу боланинг ақлий кучини ишга солади, тафаккурни, ҳаёлни, диққатни, мусақилликни шакиллантиради.

Қоидали ўйин боланинг сенсор ривожланиши, тафаккур ва нутқини, ихтиёрсиз диққатини ва хотирасини, ҳар қил ҳаракатларини мунтазам равишда машқ қилдириб бориш имконини беради. Ҳар бир қоидали ўйин маълум дидактик мақсадга эга бўлиб, болани умумий ривожлантиришга қаратилган бўлади. Таълимнинг ўйин шаклида бўлиши муҳим аҳамиятга эга бўлиб, боланинг ёш хусусиятларига мос келади. Қизиқарли ўйин боланинг фаоллигини оширади, ўйинда бола машғулотдагига нисбатан мураккаброқ масалани ҳал қилиш мумкин. Бу-таълим бутунлай ўйин шаклида бўлиши керак деган гап эмас. Таълим турли-туман усуллар ва методларни қўллашни талаб этади. Ўйин таълимнинг шаклларида бири бўлиб, боқа бир метод билан қўшиб олиб борилгандагина яхши натижа беради.

Болалар ўз ўйинларида катталар меҳнатини акс эттиришлари уларда бу меҳнатга ҳурматни шакиллантириб боради. Бу ҳам ўйиннинг меҳнат билан боғлиқлигига мисол бўла олади. Шундай қилиб, ўйин яхши йўлга қуйилган педагогик жараёнда болаларнинг бутун ҳаётини қамраб олади ва унинг қизиқарли ўтишини таъминлайди.

Болалар ўйинининг ўзига хослиги шундаки, у теварак-атрофдаги ҳаётни, кишиларнинг фаолияти ишлари, ҳаракатларини, уларнинг иш жараёнидаги ўзаро муносабатларини акс эттиради. Ўйин пайтида ҳона болалар учун денгиз, ўрмон, метро станцияси, темирйўл вағони бўлиши мумкин ва х.к.

Болалар ўйинининг яна бир хусусияти унинг хавоскорлик тарзида бўлишидир (хусусий фаолият). Бу унинг ташқи белгилари бўлмай, балки ҳақиқий моҳиятидир. Ўйиннинг ижодкори, яратувчиси-болалардир. Улар ўйинда ўзларига таниш бўлган ҳаётини воқеа ва ҳодисаларни уларга бўлган муносабатларини акс эттирадilar.

Болалар ўйинининг яна бир ўзига хос хусусияти-унда ҳаракат, сўз ва образларнинг ўзаро боғланиб кетишидир. Ўйинда бола ўзи акс эттираётган қаҳрамонларнинг хис-ҳаяжони, кечинмалари, ҳаракатлари билан яшайди.

Бола ҳеч қачон жим ўйнамайди, битта ўзи ўйнаса ҳам у ўйинчоқ билан гаплашади, ўзи тасвирлаётган қаҳрамон билан мулоқот урнатади, онаси, бемор, шифокор, ҳуллас ҳамма-ҳамманинг урнига ўзи гапираверади. Сўз образининг яхшироқ очилишига бир хилда ёрдам беради.

Нутқ ўйин жараёнида жуда катта ахамиятга эга. Нутқ орқали болалар фикир алмашади, ўз хис-туйғу, кечинмаларини уртоқлашади. Сўз болалар уртасида дустона муносабатлар ўрнатилишига, теварак-атрофдаги ҳаёт воқеалари ва фактларига бир хилда муносабатда бўлишга ёрдам беради.

Ўйинда образ, ўйин ҳаракати, сўз ўзаро боғланиб, ўйин фаолиятининг асосий негизини ташкил этади, борлиқни вкс эттириш воситаси бўлиб хизмат қилади.

Болаларнинг ўзи яратган ўйиндан келиб чиқадиган ёки катталар томонидан таклиф этилган ўйиннинг мазмуни, ўйин ҳаракатлари, роллар, ўйин қодалари унинг тўзилишини ташкил этувчи қирраларидир.

Нутқ аппарати ҳаракатини ривожлантиришга қаратилган ўйинлар

Бу машғулотларнинг асосий вазифаси болаларда нутқ аппарати, яъни тил, лаб, ва пастки жағ тилчанинг ҳаракатланишини ривожлантиришга қаратилган.

“Ширин мураббо” ўйини.

Мақсад: Тил ҳаракатини фаоллаштириш.

Ўйиннинг бориши: Болаларга мураббони ялаётган қизнинг расми кўрсатилади. Қизнинг юқорги ва пастги лабига мураббо ёпишиб қолди. Қиз мураббони тили билан ялади. (Тил ҳаракати билан мураббони ялаш кўрсатилади). Сўнгра болалар ҳам ушбу машқни қайтарадилар. Логопед ҳар бир бола машқини қандай бажараётганини кузатиб боради.

Тишларимизни тозалаймиз.

Мақсад: Тил ҳаракатини фаоллаштириш.

Ўйиннинг бориши: Болалар логопедга қараган ҳолда бир қатор бўлиб ўтирадилар. Болаларга расм кўрсатилади. Қаранглар болалар, бола қандай қилиб тишларини тозалаяпти. Биз ҳам ҳозир сизлар билан тишларимизни тозалаймиз. Фақат шётка билан эмас, балки тилимиз билан. Аввал логопед тил билан тишларини тозалашни болаларга ўзи кўрсатиб беради. Сўнгра ҳар бир болани олдида чақириб машқни бажаришини кузатиб боради. Машқ бир неча марта бажартирилади. (Бекинмачоқ, қувноқ тилча ўйинлари)

Тарбияланувчилар нутқий қобилиятини ривожлантиришда педагогнинг предметли ва нутқий хатти-ҳаракатларга тақлид қилишга ўргатиш, уларнинг диққатини сўзлаётган шахсларга жалб қилиш, тақлид асосида сўзлаш кўникмаларини шакллантириш кўзда тутилди. Педагог хатти-ҳаракатларига тақлид қилиш йирик ва майда моторикани ривожлантиришга қаратилган «Кўзгу», «Маймунчалар», «Мана шундай бажар» каби педагогик технология жараёнида ўргатиб борилди. Уларда болалар турли-туман ҳаракатлар ва тана

ҳолатлари, юз мимикаси ва эмоционал ҳолатни такрорлашга ўргандилар. Нутқнинг мотор-ҳаракат асосини яратиш, шунингдек, кейинчалик дактил нутқ шаклини ўзлаштириш мақсадида асосий эътибор майда қўл моторикасига қаратилди.

Нутқни ривожлантиришга оид машғулотларга кўплаб дидактик ўйинлар киритилди. Уларнинг бориши жараёнида болалар сюжетли ва дидактик ўйинчоқлар воситасида турли хатти-ҳаракатларга тақлид қилишга, педагогнинг фаолиятини кузатишга, унинг табиий қўл ишоралари ва юз мимикаси билан уйғунлашиб кетган нутқига жавоб беришга ўргандилар.

Нутқни ривожлантиришга оид машғулотлар мавзуий тамойилга риоя қилинган ҳолда ташкил этилди. Маълумки, дастурда берилган мавзулар мазмунининг болалар ҳаётига яқин ва боғлиқлиги («Ўйинчоқлар», «Оила», «Мевалар ва сабзавотлар», «Озиқ-овқатлар», «Кийимлар», «Оёқ кийимлар», «Тана аъзолари», «Ҳайвонлар», «Жиҳозлар», «Идиш-товоқлар», «Байрам», «Об-ҳаво»), таълим муддатлари, муайян мавсумий давр билан боғлиқ ҳолда йил давомида такрорланиб келади. Теварак-атроф билан танишиш, ўйинлар, тасвирий фаолият жараёнида мана шу мавзулар бирдек эътибор марказида бўлдики, бу нутқий материал мазмуни устида иш олиб боришда пухта кўргазмали асос яратишга имкон берди. Тақдим этилувчи луғат материали турли маиший вазиятларда, болаларнинг эркин фаолиятида, тарбиячи ва сурдопедагогнинг барча машғулотларида ишлатилди. Муайян мавзу бўйича нутқий материал ҳажмининг унча катта бўлмаслиги эътиборга олиб борилди. Бу материалларнинг болалардан турли фикрий ва нутқий фаолликни талаб қиладиган турли хилдаги ўйинларда, шунингдек, бошқа қатор иш турларида иштирок этишлари жараёнида кўп марталаб такрорланишига алоҳида эътибор қаратилди. Масалан, «Кийимлар» мавзуси бўйича машғулот ўтказишда ҳар хил кийимларни уларнинг номларини атаган ҳолда кўриб чиқиш, турли кўринишдаги кўйлақлар, шимлар ва Ҳ.К. тасвирланган расмларни танлаш, қирқилган расм қисмларини жой-жойига қўйиб чиқиш, кийимларнинг етишмаган қисмларини чизиб тўлдириш, қўғирчоқларни кийинтириш каби усуллардан фойдаланилди. Ана шундай педагогик технология билан сўз маънолари ва иборалар мазмунини асосли ўзлаштириш учун шарт-шароит яратилди.

Ақли заиф болалар таълим-тарбиясининг барча босқичларида гуруҳ аъзолари билан олиб бориладиган ялпи машғулотлар етакчи ўринни эгаллаб, тарбиячи ва сурдопедагоглар томонидан 6-8 нафар боладан иборат гуруҳ билан олиб борилади. Ушбу машғулотларда тарбияланувчилар амалий фаолиятининг ташкил этилиши турли кўникма ва малакаларнинг эгалланишига, янги маълумот олиш ҳамда мавжуд билимларнинг мустаҳкамланишига, меъёрдан

ўзгача бўлган ривожланиш хусусиятларининг коррекция қилинишига қаратилиши лозим.

Машғулотлар мобайнида болаларнинг билиши, диққати ҳамда муқимлилик хусусиятларининг ривожлантирилишига эътибор қаратиш лозим. Таълим жараёнида тарбияланувчилар ўртасидаги ҳамкорлик ишлари ўзаро мулоқот ўрната олишга, шахслараро муносабатларнинг ривож-ланишига, жамоада ишлаш кўникмаларининг шаклланишига ижобий таъсир кўрсатади. Масалан, ҳамкорликда расм чизиш, ясаш-қуриш ва бошқа фаолият билан шуғулланиш жараёнида болаларда сўзлашув нутқининг табиий шароитга мос ривожланишига эришилади. Шунингдек, уларда дўстларига ёрдам бериш, жамоаси учун қайғуриш, масъулият ҳисси кабилар юзага келади. Болаларнинг машғулотларда иштирок этиши мактабгача таълимига тайёр бўлишини ҳам таъминлайди.

Дастлаб фаол фикрлашни талаб этувчи нутқ ўстириш, эшитиш идрокини ривожлантириш ва талаффуз малакаларини шакллантириш, оддий математик тасаввурларни ривожлантириш машғулотларига, сўнгра ҳаракат ҳамда эмоционал фаолликни талаб этувчи ўйин, расм, мусиқа, жисмоний тарбия машғулотларининг ўтказилишига эътибор қаратилди.

Педагог ходимларнинг фаолиятлари билан танишиш уларнинг машғулотларнинг таълимий, тарбиявий, коррекцион ва ривожлантирувчи мақсадларини белгилашларида қийинчиликларга дуч келишлари кузатилган эди. Шунга кўра тадқиқотда педагоглар билан маслаҳатлашиб, муаммони ҳал қилишда нималарга эътибор бериш кераклиги, қандай мақсадларни ойдинлаштириш лозимлиги алоҳида таъкидланди:

Таълимий мақсад: болаларда таълимий дастур ҳажмидаги назарий билим ва амалий кўникмалар ҳамда нутқий мулоқот кўникмаларини шакллантириш.

Тарбиявий мақсад: болаларни миллий истиқлол руҳида тарбиялаш, уларнинг шахсий ва ахлоқий сифатларини шакллантириш, ижтимоий ҳаётда ўз ўрнини топа олишларига имкон берувчи кўникма ва малакалар билан қуроллантириш.

Ривожлантирувчи мақсад: эшитишида муаммоси бўлган болаларда нутқий ва ижодий фаолликни, мустақиллик ва эркинликни шакллантириш.

Коррекцион мақсад: эшитишида муаммоси бўлган ҳар бир боланинг бирламчи нуқсони натижасида юзага келувчи иккиламчи нуқсонни ҳисобга олиб, табақаланган ҳолда ёндашган ҳолда уларнинг сифатли таълим олишларини таъминлаш.

Савол ва топшириқлар

1. Мактабгачагача ёшдаги Ақли заиф болалар меҳнат фаолияти
2. Мактабгачагача ёшдаги Ақли заиф болалар таълим фаолияти

3. Ўйин фаолиятида - Ақли заиф болаларда таълимий-тарбиявий ишларни амалга ошириш йўллари
4. Ўйин фаолиятида – коррекцион ишларни амалга ошириш йўллари
5. Ўйин турлари ҳақида маълумот беринг
6. Нутқни ривожлантиришга оид ўйинлар ҳақида маълумот беринг

Адабиётлар

1. Шоумаров Ғ.Б., Мамедов К.К. Руҳий ривожланиши сустлашган болалар, Т.: Ўқитувчи, 1995.
2. Петрова В.Г., Беякова И.В. Психология умствено отстақх школьников, М.: АКАДЕМА, 2004.
3. Мўминова Л.Р., Ш.М.Амирсаидова ва бошқалар. Махсус психология. Т.: Ўзбекистон файласуфлар миллий жамияти, 2013.

КЕЙСЛАР БАНКИ

КЕЙСЛАР БАНКИ

1 топширик

Берилган вазиятни тахлил қилинг ва топшириқни бажаринг.

Логопедик гуруҳдаги НТРнинг 3 даражасидаги болалар ҳужжатларини ўрганиш вақтида логопед болаларнинг асосий қисмида нутқнинг лексик томонида қуйидаги камчиликлар мавжудлигини белгилади: лексик алмаштиришлар (плаш-пальто, душ-чўмилиши, ин-қушнинг уйи, чойнак-иссиқ, ёқа, енг – куйлак, боғловчи ип – боғлайдиган, иляпа – шапка; кресло, табурет – стул, мойчечак, қўнғироқча, атиргул – гул, тор-тор эмас, калта-кичик, узун, кенг - катта ва хоказо). Савол:

1. Алмаштиришларнинг турининг аниқланг.

2. Бу камчиликни коррекциялаш учун топшириқлар ва машқлардан намуналар келтиринг.

2 топширик

Берилган вазиятни тахлил қилинг ва топшириқни бажаринг.

Логопедик гуруҳдаги НТРнинг 3 даражасидаги болалар ҳужжатларини ўрганиш вақтида логопед болаларнинг асосий қисмида нутқнинг лексик-грамматик томонида қуйидаги камчиликлар мавжудлигини белгилади: аграмматизмлар, гапда сўзларнинг боғланишининг бузилганлиги: бола мактаб кетди, самолёт дала учиб ўтмоқда”; “копток стол ётибди, Саида мактаб... келди)

Савол:

1. Камчиликарининг характерини аниқланг.

2. Бу камчиликларни коррекциялаш учун машқ ва топшириқлардан намуналар келтиринг.

3 топширик

Логопедик гуруҳдаги НТРнинг 3 даражасидаги болалар ҳужжатларини ўрганиш вақтида логопед болаларнинг асосий қисмида нутқнинг лексик-грамматик томонида қуйидаги камчиликлар мавжудлигини белгилади: Самолёт ўрмон учиб ўтмоқда”; “Копток стол ётибди”); Самолёт дала учиб ўтмоқда”; “Копток стол ётибди”).

1. Камчиликарининг характерини аниқланг.

2. Бу камчиликларни коррекциялаш учун машқ ва топшириқлардан намуналар келтиринг.

4 топширик

Берилган нутқ харитасини таҳлил қилинг ва қуйидаги топшириқни бажаринг.

Логопедик хулоса чиқаринг ва уни асосланг.

Логопедик гуруҳда НТРнинг 1 даражасидаги 3-4 ёшли болалар тарбияланыпти..

Савол:

1. НТРнинг 1 даражасидаги болаларда нутқни фаоллаштиришга қаратилган 5та иш усулини ёритинг.

2. Логопедик гуруҳ тарбиячилари учун сайр вақтида тарбияланувчиларнинг пассив луғатини ривожлантиришга қаратилган тавсиялар беринг.

5 топширик

Берилган вазиятни таҳлил қилинг ва топшириқни бажаринг.

3 ёшу 10 ойлик қизнинг логопедик хулосаси НТР 2 даража.

Текиширишда қуйидагилар аниқланди: луғати камбағал, жумла туза олади, яққол ифодаланган грамматик қурилишининг камчиликлари мавжуд, талаффузда сирғаловчи, шовқинли, сонор товушлар бузилган.

Психомотор ривожданиш: меъёрда..

Нутқнинг пайдо бўлиши: гугулаш - 2 ойликда, гувраш -10 ойликдан, сўзлар – 1 ёшу 2 ойликдан, жумла – 2ёшу 4 ойликдан, боғланган нутқ -3 ёшу 2 ойликдан.

1 ёшу 9 ойликда қизчага нутқнинг ривожланиши сустлаишии таишиси қўйилган. Қизчада буйракларнинг сурункали касаллиги кузатилади, соматик жиҳатдан нимжон. Кўпинча негативизм реакцияси кузатилади, топшириқларни бажариш ёки жавоб беришдан бош тортади.

Савол:

1. Логопедик хулосанинг асосли эканлигини баҳоланг.

2. Ушбу болада нутқнинг ривожланишдаги имкониятини (прогнозини) аниқланг.

6 топширик

Берилган вазиятни таҳлил қилинг ва топшириқни бажаринг.

6 ёшли НТР чапақай болани кузатиш жараёнида, унингижодий ишларини ўрганишда қуйидагилар аниқланди: кўчириб чизишда ва ётиштиришда (аппликация қилишда) –предметларни ойиваванд тарзда ифодалаши, расмларни четларини чизиш ва итриховка қилишда контурдан таишқарига чиқиб кетиши, кўчириб чизишда унинг ҳажмини жуда кичрайтириши, кетма-кетлигига эътибор қаратмаслиги, эслаб қолиб чизишда расмнинг кўп қисмларини туишириб қолдириши, кузатилди, расм чизишини

ёқтирмайди, расмда масалан 5та фарқларни топиш вазифаси берилса, уларнинг ярмини топади, тез чарчаб қолади, тез чалғийди, топшириққа бўлган қизиқиши тез йўқолади.

Савол:

1. Кейинчалик бу симптомлар қандай нутқ камчилигини юзага келтириши мумкин, ёзма нутқда йўл қўйиши мумкин бўлган хатолар гуруҳини кўрсатиб беринг.

2. Оптик хатоларни олдини олиш ва уларни бартараф этишга қаратилган методик қўлланмалардан мисоллар келтиринг, топшириқларнинг мақсад ва вазифаларини изоҳланг.

7 топшириқ

Берилган вазиятни таҳлил қилинг ва топшириқни бажаринг.

Болада товушлар талаффузининг полиморф бузилиши кузатилади: сирғалувчи товушларнинг тишаро талаффузи, товушларни бир-бирига алмаштириши с-ш, ч-т, р товушини ташлаб кетиш.

Савол:

1. Тиббий-педагогик тасниф бўйича нутқ нуқсонининг изоҳданг.

2. Қайси мезонлар асосида товушлар талаффузини дифференциал таҳлис қилишни кўрсатинг.

8 топшириқ

Қуйидаги вазиятни ҳал қилиш бўйича логопеднинг ҳаракатларини изоҳланг.

Логопед катта гуруҳда тарбияланаётган талаффузида камчиликлари бўлган болага эътиборини қаратди ва унинг онасига бола билан логопедик машғулотлар ўтиш лозимлиги ҳақида тавсия берди. Боланинг онаси бунга эътироз билдирди ва фарзандини диктор бўлишга тайёрмаётганлигини айтди.

9 топшириқ

Берилган вазиятни таҳлил қилинг ва логопедик хулоса қилинг.

Қосимова Муяссар, 4 ёш.

Характери тинч. Шовқинга ахамият беради. Исмини билади. Кузатуви қисқа вақтли. Гаплашганда кулоқ солади. Сўзлашувчига бир неча сония қараб туради. Гапирмайди, унли товушлар чикаради. Ўз-ўзига хизмат қила олмайди. Чайнамай ютади. Предметларни қўлида ушлай олмайди.

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Тингловчи мустақил ишни муайян модулни хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиб тайёрлаши тавсия этилади:

- меъёрий ҳужжатлардан, ўқув ва илмий адабиётлардан фойдаланиш асосида модул мавзуларини ўрганиш;
- тарқатма материаллар бўйича маърузалар қисмини ўзлаштириш;
- махсус адабиётлар бўйича модул мавзулари устида ишлаш;
- тингловчининг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлган модул мавзуларни чуқур ўрганиш.

Мустақил таълим мавзуси

1. Сенсор нуқсонли болаларнинг билиш жараёнларини ўзига хослиги
2. Интеллектида нуқсони бўлган болаларнинг билиш жараёнларини ўзига хослиги
3. Ривожланишида нуқсони бўлган болаларнинг нутқ хусусиятлари
4. Ривожланишида нуқсони бўлган болаларнинг фаолият хусусиятлари

ГЛОССАРИЙ

Термин			Изоҳи
Ўзбек тилида	Рус тилида	Инглиз тилида	
Мослашув	Адаптация	Adaptation	Индивидни муҳит шарт-шароитига мослашиб кетиши жараёни
Артикуляция	Артикуляция	Articulation	Нутқ жараёнида талаффуз органлари: лаб, жағ, тилнинг турлича Ҳаракати
Билиш қобилияти	Возможности познания	Possibilities of cognition	ўқитувчининг таълим жараёнининг иштирокчилари – талабалар, оналар, ҳамкасблар ва таълим муассасасининг раҳбарлари билан осон мулоқотга киришиш, улар билан муносабатни тўғри йўлга қўйишга ёрдам берадиган индивидуал психологик хусусият
Вербал	Вербал	Verbal	оғзаки ифодаланган нутқ
Депрессия	Депрессия	Depression	тушкунлик кайфияти.
Диққат	Внимание	Attention	шахс онгининг нарса ва ҳодисаларга йўналганлигини акс эттирувчи психик жараён
Диалог	Диалог	Dialog	икки ва ундан ортиқ кишиларнинг ўзаро оғзаки гаплашиши
Диалогик нутқ	Диалогическая речь	Dialogue speech	нутқ турларидан бўлиб, бунда сўзловчилар баробар тенг, биргаликда фаоллик кўрсатади.
Дудукланиш	Заикание	Stuttering	мускул-пай тортишиши туфайли нутқнинг темпи, ритм, равонлигининг бузилиши
Жамоа	Группа	group	мақсадлари жамият мақсадига мос келадиган умумий фаолият билан бирлашган одамлар гуруҳи
Жамоанинг негизи	Основа группы	Basis of the group	умумий фикр, мақсад ва ишлаб чиқаришага тааллуқли қарорларни шакллантирувчи жамоа аъзолари
Йўналиш	Направление	Direction	шахснинг хатти-ҳаракати ва фаолиятини аниқ шароитлардан қатъи назар маълум йўлга йўналтирувчи барқарор мотивлар

			йигиндиси.
Индивидуаллик	Индивидуальность	Individuality	индивиднинг бошқалардан фаркланадиган ижтимоий хусусиятлари ва психикасининг ўзига хослиги, қайтарилмаслиги.
Ижтимоийлашув	Социализация	Socialization	инсон томонидан ижтимоий тажрибани эгаллаш ва ҳаёт - фаолият жараёнида уни фаол тарзда ўзлаштириш жараёни.
Интроверт шахс	Интровертная личность	Introverted personality	шахснинг ҳар қандай шароит ва ҳолатларида ўз ичида кечаётган фикрларини баён этиш эҳтиёжининг ниҳоятда пастлиги.
Коммуникатив	Коммуникатив	Communicative	шахслараро муносабатларда маълумот, ахборот, ғоялар алмашинуви жараёни.
Кўникма	Умение	Skill	одамнинг маълум ишни бажаришга тайёрлигида кўринадиган қобилияти.
Малака	Навык	acquired habit, cum-savvy	машқ қилиш жараёнида иш ҳаракатлар бажарилишининг автоматлашган усуллари.
Мулоқот	Общение	Communication	икки ёки ундан ортиқ одамларнинг ўзаро бир-бирига таъсир этиши.
Монолог	Монолог	Monologue	маърузачи томонидан нутқ сўзланиши, маърузачи актив, тингловчи пассив бўлган жараён
Монологик нутқ	Монологическая речь	Monologic speech	бир одамнинг ўз фикрларини оғзаки ёки ёзма равишда ифодалаш нутқи.
Новербал	Невербальный	Nonverbal	нутқсиз ифодаланган ҳаракат, мимика, ҳолатларнинг бошқа шахсга йўналтирилиши.
Оила	Семья	Family	турмуш қуриш, қариндош-уруғчилик асосидаги кичик гуруҳ
Психологик таҳли	Психологический диагноз	Psychological diagnosis	бу синалаётган шахснинг шахсий-руҳий хусусиятларини ўрганишнинг якуни
Психика	Психика	Psychic	юксак даражада ташкил топган материя, миянинг функцияси бўлиб, унинг моҳияти туйғулар, идрок, тасаввур, фикрлар, ирода ва бошқалар кўринишида акс эттиришдан иборат.
Психик	Психический	Mental	у ёки бу психик маҳсулот ва

жараёнлар	ие процессы	processes	натижаларни (психик образлар, холатлар, тушунчалар, хиссиёт ва х.к.) хосил қилувчи, шакллантирувчи ва ривожлантирувчи жараён.
Психологи я	Психологи я	Psychology	одамнинг объектив борлиқни сезги, идрок, тафаккур, туйғу-ҳиссиёт ва бошқа психик холатлар орқали акс эттириш жараёнини ўрганадиган фан.
Психик холатлар	Психологи ческие состояния	Psychological conditions	психик ҳаёт шакллари, диққат, ҳиссиёт, ирода жараёнларига айтилади. П.Ҳ. (хушчақчақлик, руҳланиш, сиқилиш, зийраклик, қатъийлик, тиришоқлик в.б.) шахсларда маълум даражада барқарор бўлиб, уларнинг муайян хусусиятига ҳам айланиб қолади.
Ўйин	Игра	Game	фаолият турларидан бири бўлиб, болаларнинг катталар фаолиятини, иш ҳаракатларини акс эттиришда ифодаланадиган ва атрофни билишга қаратилган фаолиятдир.
Идрок	Восприятие	Perception	мазкур муддатда сезги органларида уларнинг бевосита таъсир этиши давомидаги бир бутун ходисалар ёки нарсаларнинг инсон онгида акс этишидир.
Мақсад	Цель	Aim	бўлғуси натижалар ҳақида ҳар доим ақлан ўйлаб қурилган, ривожлантирилган ҳаёлий тасаввурлар, келгусидаги режалар.
Темперамент	Темперамент	Temperament	1) шахснинг психик фаолияти динамикасининг турли жихатларини билдирадиган турғун индивидуал хусусиятларининг қонуний муносабатлари; 2) шахснинг динамик хусусиятлари: интенсивлик, тезлик, темп, психик жараёнлар ва холатлар ритми.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сонли Фармони.

2. “Мактабгачагача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 сентябрдаги ПФ-5198-сонли Фармони.

3. “2017-2021 йилларда мактабгачагача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 декабрдаги ПҚ-2707-сонли Қарори.

4. “Мактабгачагача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 сентябрдаги ПҚ-3261-сонли Қарори.

5. “Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 сентябрдаги ПҚ-3276-сонли Қарори.

6. “Ўзбекистон Республикаси Мактабгачагача таълим вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 30 сентябрдаги ПҚ-3305-сонли Қарори.

7. Мирзиёев Ш.М. “Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимида бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. – Т.: “Ўзбекистон”, 2016. – 56 б.

8. Мирзиёев Ш.М. “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлиги гарови” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 48 б.

9. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. – Т.: “Ўзбекистон”. – 2017.– 102б.

10. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.

II. Махсус адабиётлар.

1. Аюпова М.Ю. Логопедия «Ўзбекистон файласуфлар Миллий жамияти» Т.: 2007.

2. Mo‘minjonova Z., Ziyayeva K., Karimova SH., Xalilova G.lar “Ona tili” yordamchi mehnat ta’limi maktablarining 6-sinfi uchun darslik. Toshkent: “Artaprint” MCHJ 2005.

3. Нуркелдиева Д.А., Чичерина Я.Е. Илк, мактабгача ва мактаб ёшидаги болаларни психологик, педагогик ва логопедия текшириш. Т.: Янги аср авлоди, 2007.

4. Po‘latova P.M. va boshqalar. Maxsus pedagogika. Т.: «Fan va texnologiyalar», 2014.

5. Рахманова В.С. «Махсус педагогика» Т.:“Ғ.Ғулом” нашриёти, 2005.

6. Психолого-педагогическая диагностика. Под редакцией И.Ю.Левченко и С.Д.Забрамной. М., АCADEMA, 2005.

7. John W. Jacobson, James A. Mulick and Johannes Rojahn. Intellektual and Developmental Disabilities.2007 Springer Science+Business Media, LLC New York.

8. Рахманова В.С., Нуркелдиева Д.А. Алоҳида ёрдамга мухтож болалар ижтимоий реабилитацияси. Т.: РБИММ, 2014.

9. Муминова Л.Р., Чичерина Я.Е., Нуркельдиева Д.А. Диагностика психофизического развития детей первых трех лет жизни. Т.: РЦСАД, 2007г.

III. Электрон таълим ресурслари

1. <http://www.edu.uz> – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги сайти.
2. <http://www.uzedu.uz> – Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги сайти.
3. <http://www.president.uz> – Ўзбекистон Республикаси Президенти портали.
4. <http://www.gov.uz> – Ўзбекистон Республикаси ҳукумати портали.
5. <http://www.xs.uz> – “Халқ сўзи” газетаси сайти.
6. <http://www.lex.uz> – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлар миллий базаси сайти.
7. <http://www.kun.uz> – Ўзбекистон ва жаҳон янгиликлари, энг сўнгги хабарлар сайти.